

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Вазирлик тизимида 2017 йилнинг I чорак давомида соҳани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 апрелдаги мажлисида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини сўзсиз таъминлаш борасида қўшимча амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқишга бағишланган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Унда вазирлик марказий аппарати масъул ходимлари, тизимдаги компания, уюшма, бирлашма, корхона ва ташкилотлар, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари ҳамда кун тартибидаги масалаларга алоқадор раҳбар-ҳодимлар иштирок этди.

Ҳайъат йиғилишида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 январдаги мажлисида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросинг жорий йил I чораги натижалари, вазирлик тизимининг барча бўғинларида ижро интизоми ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни янада кучайтириш, сабзавот, полиз ва картошка экинлари уруғчилигини ривожлантириш каби бир қанча масалалар танқидий-таҳлилий руҳда муҳокама қилинди.

Йиғилишда вазирлик тизимидаги ташкилот, муассаса ва корхоналарнинг фаолияти танқидий таҳлил қилиниб, фойдаланилмаётган имкониятлар ва йўл қўйилган камчиликларга, ечимини кутаётган муаммоларга алоҳида эътибор қаратилди.

Қайд этилдики, соҳанинг барча тармоқларида 4 трлн.129 млрд. сўмлик ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қиёслама баҳоларда 106,6 фоизлик ўсишга эришилди. Шунингдек, вазирлик тизимидаги sanoat корхоналари томонидан 30 млрд 4,8 млн.сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ҳамда бу борадаги белгиланган режалар 120,0 фоизга бажарилди.

Мамлакатнинг 2017 йилда товарлар ва хизматлар экспорти дастури доирасида товарлар экспортини амалга ошириш прогнозга нисбатан 225,5 фоизни ташкил этди.

2017 йилги Инвестиция дастури доирасида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида республика Ҳукумати кафолати остида 13 та лойиҳа бўйича ишлар амалга оширилиши режалаштирилган. Мазкур лойиҳаларнинг жорий йил январь-март ойлари учун маблағ ўзлаштириш режаси 15,56 млн.АҚШ долларини ташкил этиб, амалда ушбу кўрсаткич 35,6 млн. АҚШ доллари (228,8%) миқдоридан бажарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони билан тасдиқланган "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури доирасидаги чора-тадбирларнинг ижросини тизимли равишда амалга оширилишини таъминлаш, "Инсон манфаатлари — барча нарсдан устун" эзгу ғоясини ҳаётга изчил татбиқ этиш бўйича қайд этилган ва бевосита вазирлик тизимида алоқадор бўлган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича бошқармаларда тизимли мониторинг юритилиб, улар натижаси юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ойма-ой ахборот тақдим этиб борилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 6 февралдаги буйруғига асосан вазирлик марказий аппаратида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўлими ташкил этилди. Ва-

зирлик марказий аппарати ҳамда тизимдаги ташкилот, корхона ва муассасаларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида 2017 йил 21 февраль кунини Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан ҳамкорликда мутасадди ходимлар иштирокида амалий семинар ташкил этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 апрелда жорий йилнинг I чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан республика Ҳукумати мажлисида белгилаб берилган 2017 йилги иқтисодий дастурнинг устувор вазифалари бажарилишини сўзсиз таъминлаш бўйича қўшимча амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқишга бағишланган мажлисида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг барча бўғинларидаги раҳбар ва ходимларнинг ўз ишларига танқидий баҳо берган ҳолда иш юритиши, йил якуни билан зиммаларидаги вазифа ва режаларни тўлиқ амалга ошириш тадбирларини ҳозирдан оқ кўрмоғи талаб қилинади. Бунинг учун эса соҳанинг барча тармоқларида жадаллик ва масъулият бош омил бўлмоғи керак.

Бу борада қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир маъсул шахс фаолиятининг кундалик қондаси бўлмоғи алоҳида аҳамият касб этади. Ана шунда давлатимиз раҳбари ва ҳукуватимиз томонидан соҳа ходимлари олдида қўйилган барча вазифаларни сўзсиз бажарилиши таъминланади.

Ҳайъат мажлисига киритилган масалалар муҳокамасидан сўнг жорий йилда соҳанинг барча тармоқларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларининг амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар белгиланган тегишли қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги матбуот хизмати.

ЁШ ҒЎЗА НИҲОЛЛАРИНИ ПАРВАРИШЛАШ

Жорий йилда баҳорнинг серёғин ва салқин келиши сабабли экиш ишлари бироз чўзилиб кетди. Натижада чигитни ундириб олиш, айниқса, ёш ғўза ниҳолларини парваришlashда илмий тавсияларга таянган ҳолда омилкорлик билан иш юритиш лозим.

Чигит экилганидан кейин ёмғир ёғиши, сўнгра ҳарорат кўтарилиши натижасида қатқалоқ пайдо бўлади. Кўп йиллик тажрибалардан маълумки, механик таркиби ўрта ва оғир тупроқларда кучли ёққан ёмғирдан кейин 2-3 см. дан, 4-5 см. гача ва ҳатто ундан ҳам қалинроқ қатқалоқ ҳосил бўлиб, ҳали илдизи яхши ривожланмаган ниҳолларни ўсишдан тўхтатади ва касаллантириб, нобуд бўлишига олиб келади. Республикамизнинг деярли барча вилоятларида турли тупроқ шароитларида бу ҳолат кузатилгани учун пахтакор фермер хўжаликлари ана шу хавфнинг олдини олиш ва ёш ниҳолларни соғлом сақлаб қолиш мақсадида тупроқнинг юза қатламини 1-2 кун ичида юмшатиш ва қатқалоқни бартараф этиш чораларини кўришлари керак. Қатқалоқни йўқотишда ниҳоллар униб чиқмаган майдонларда ротацион юлдузчали мотигалар, яъни "РОР" билан эрталаб ва кечки салқин вақтларда ишлов бериш ёки культиваторлар ишчи органларига мотигани ўрнатиш орқали тупроқ юзасидаги зичлашган қатлам юмшатиш ниҳолларнинг дуркун ўсишини таъминлайди.

Ғўза қатор ораларига ишлов бериш. Ниҳоллар униб чиққандан кейин бажариладиган асосий тадбир қатор ораларини юмшатиш бўлиб, бунда тупроқ хусусияти яхшиланади, илдизнинг жадал ривожланишига қулай шароит яратилади. Культивация даврида майин тупроқ ҳосил қилиниб, ҳаво айланиши яхшиланади ҳамда касаллик тарқатувчи патогенларга қирон келтирилади ва далаларда пайдо бўлган бегона ўтлар камаёди ҳамда шўрланган тупроқларда зарарли тузларнинг юқорига кўтарилишининг олди олинади.

Сизот сувлари яқин, тупроқ намлиги юқори бўладиган ҳудудларда ҳамда механик таркиби оғир тупроқли минтақаларда ниҳоллар яхши ривожланиши учун культивацияни вақтли бошлаш, зах ва ортиқча намни

тезроқ қочириш талаб этилади.

Таъкидлаш лозимки, культивация ишларини ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши гоммоз, илдиз чириш касалликларининг олдини олиб, ғўзани дуркун ўсиб, ривожланишини тезлаштиради.

Ғўза қатор ораларига ишлов беришда энг аввало культиватордаги ишчи органлар сонининг тўлиқ бўлиши лозим ва ишлов бериш



чуқурлигига алоҳида эътибор бериш керак. Бундан ташқари чигит эрта экилган майдонларда культивацияни озиқлантириш билан бирга ўтказиш, кеч экилган ёки сел ва дўл таъсирида қайта экилган нами юқори бўлган майдонларда қатор ораларига қўшимча 1-2 марта ишлов бериш лозим. Бунда ўртадаги ишчи органлари чуқурроқ ўрнатилса, намлик тез йўқотилишига эришилади.

Ғўза ривожини тезлаштириш ва тупроқни тезроқ қиздириш учун қатор орасига ишлов беришда 1-ва 2-культивация оралиғида чизель-культиватор ёрдамида чуқур (60 см. қатор оралиғида 22-25 см. 90 см. ли қатор оралиғида 30-35 см.) юмшатишни амалга ошириш бу йилги серёғин шароитда яхши самара беради.

Культивация тупроқнинг етилган пайтида ўтказилиши керак. Бунда культиваторни ишчи органлар би-

лан тўлиқ жиҳозлаб, табақалаштирилган ҳолда ўтказиш, ККО ишчи органларидан кўпроқ фойдаланиш тавсия этилади. Эгатларга ҳаддан ташқари чуқур ишлов бериш ҳам керак эмас, чунки тупроқдан лой чиқариб, кесак кўчишига ва илдизларнинг шикастланишига олиб келади. Шунингдек, бегона ўтларни вақтида ўтоқ қилиб туриш лозим.

Кейинги культивацияларда қатор оралари 60 см. бўлган далаларда культиваторнинг четки ишчи органлари 8-10 см. ўртадагиларини 12-14 см. қатор оралари 90 см. бўлган далаларда эса шунга мос равишда 8-10 ва 15-16 см. чуқурликда ўрнатилади.

Қўшқатор усулда очик майдонларда ғўза парваришланганда культивация юқоридаги тавсиялар бўйича олиб борилади, лекин тор қатор орасига шоналаш даврига қадар 1 ёки 2 марта юза ишлов бериш мумкин. Тор қатор орасига биринчи ишлов бериш ғўза ривожининг 4-5 чинбарг вақтига тўғри келса, ККО органи ўрнатилиб юмшатилади, бунда тракторнинг текис юришини таъминлаш лозим. Чунки кесаклар пайдо бўлиб, ниҳолларнинг кўмиб кетилишининг олди олинади, агар тез юрилса ниҳолларни кесиб кетади ва натижада кўчатларнинг сийраклашишига олиб келади.

Ғўза қатор орасига ишлов бериш жараёнида кесак ҳосил бўлишига йўл қўймаслик керак. Қатор орасига муддатидан кечиктирилиб ишлов берилса, тупроқдаги намликнинг ортиқча бугланиши кўпаяди, тупроқ ёрилиши оқибатида ўсимлик илдизлари зарарланиб, вилт касаллигига чалиниш эҳтимоли ошади, ўсиш ва ривожланиши 10-15 кунга кечикиб, ҳосилдорлик 4-5 ц/га камаёди.

Сув яхши шимилмайдиган, сув ўтказиш хусусияти паст, механик таркиби оғир тупроқларда қатор оралари 60 см. бўлганда, ўртадаги ишчи органлари 15-16 см. 90 см. бўлса, 16-18 см. қилиб ўрнатилиши мумкин. Ҳар иккала кенгликда экилган далаларда ҳимоя майдони 12-15 см. дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Механик таркиби энгил тупроқларда ғўзанинг ўсув даврида 5-6, ўрта ва оғир тупроқларда 6-7 марта қатор орасини ишлаш тавсия этилади. Лекин серёғин йиллари культивация тез-тез ўтказилиши, ғўза қатор ораси кўпроқ ишланиши талаб этилади. Шундагина ғўза ривожини жадаллаштириб, юқори ҳосил этиштирилади.

Бегона ўтларга қарши кураш. Бу йилги шароитда ёгингарчиликлар кўп бўлганлиги учун далаларда бегона ўтлар тез ўсиб, ниҳолларни сиқиб қўйиши ва кўп зарар етказиши кузатилаётган. Бегона ўтларга қарши курашишда чопиқ ишларининг сифатли ва ўз муддатида бажарилишини ташкил этиш, бегона ўтларнинг кўпайиб кетишига йўл қўймаслик зарур. Бунинг учун фермер хўжаликлари ҳар бир кундан унумли фойдаланиб, ишларни тўғри ташкил этишса, сафарбарлик ва уюшқоқлик билан иш юритилса, қисқа муддатда далалар бегона ўтлардан тозаланади, ғўза ҳам жадал ўсиб, ривожланишига қулай шароит яратилади. Шунингдек, кўп йиллик бегона ўтларга (ғумай, ажриқ ва бошқалар) қарши курашда ғўзанинг шоналаш даврида (бегона ўтларнинг бўйи 10-15 см. бўлганда) "Энтерра" 1,5 л/га ёки бошқа тавсия этилган гербицидларни ОБХ мосламалари ёрдамида белгиланган меъёрларда пуркаш юқори самара беради, қўл меҳнати ва харажатлар камаяди, ҳосилдорлик ортади.

Ўзани озиклантириш. Май ойи охирида ғўзани минерал ўғитлар билан озиклантириш ишлари бошлаб юборилади.

Бу жараёнда фосфорли ва калийли ўғитларнинг йиллик меъёрлари азотли ўғитлар меъёрига (N:P:K - 1,0:0,7:0,5) нисбатан олинади ҳамда тупроқдаги ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий миқдорларига боғлиқ ҳолда табақалаштирилиб солинади.

Ниҳолларни ўз вақтида озиклантириш уларнинг баравж ўсишига имкон беради, ўғитлар далага культиваторлар билан солинганда ер бетига сочилиб қолмаслиги ёки саёз (3-5 см.) бўлмаслиги керак. Бунда ўғит самараси жуда пасайиб, беҳуда исроф бўлади.

Маълумки, ғўзанинг дастлабки ривожланиш даврида ёш ниҳоллар жуда секин ўсади, лекин азот ва фосфор элементларига ўта талабчан бўлади. Бу даврда ниҳоллар озиклантирилмаса, унинг кейинги ривож-

ланиш даврида чўзилиб кетади ва ҳосилга салбий таъсир этади.

Кўп йиллик кузатишлар натижасида, баҳор серёғин келган йилларда тупроқда тўпланган озикладаларнинг бир қисми ер ости қатламларига ювилиб тушиши аниқланган. Шунинг учун ғўза ривожини жадаллаштириш ва иммунитетини ошириш мақсадида ғўза этиштирилаётган майдонларга ўғитни эрта муддатларда солишни ташкил этиш керак.

Ниҳолларни озикладалар билан яхшироқ таъминлаш ва ривожланишини тезлаштириш мақсадида культивация билан биргаликда гектарига соф ҳолда 50 кг азотли ўғит (аммиакли селитра 150 кг/га ёки мочевино 110 кг/га, аммоний сульфат 240 кг/га) далага ғўзанинг 15-18 см. ёнига, 12-14 см. чуқурликка солинади. Тупроқда фосфор кам (15-30 мг/кг гача) бўлган майдонларда азотли ўғитлардан биринчи навбатда мочевино ва аммоний сульфат, фосфор билан юқори даражада (46 мг/кг ва ундан ҳам юқори) таъминланган майдонларда эса аммиакли селитра ишлатилса, ўғитларнинг самардорлиги янада ортади. Ғўзалар шонага кирган майдонларда гектарига соф ҳолда 70-75 кг. азот ва 50 кг. калий бериш тавсия этилади, бу эса гектарига 210-225 кг. аммиакли селитра ёки 150-160 кг. мочевино ва 80 кг. калий хлоридни ташкил этади. Ғўзанинг шоналаш даврида минерал ўғитлар ўсимлигининг ёнига 20-22 см., 14-16 см. чуқурликда берилади.

Ғўза қўшқатор усулида парваришланаётган майдонларда минерал ўғитларни солишда ернинг озикладалари билан таъминланганлик даражаси ва қўчат қалинлигиндан келиб чиқиб ўғитлар меъёрини 5-10% ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзани баргидан озиклантириш. Ғўза ниҳолларининг яхши ўсиши, ривожланиши, юқори ва сифатли ҳосил бериши учун уларни қўшимча равишда баргидан озиклантириш, бунда суспензия ва стимуляторларни сепиш тақозо этилади. Шунда ғўза ўсимлиги озикладаларни ҳам барги, ҳам поялари орқали ўзлаштирилади. Айниқса, ғўза ривожини орқада қолган майдонларда суспензия сепиш яхши самара беради. Минерал ўғитлар суспензиясини сепиш даврида гектарига физик ҳолда 6-8 чинбарг-шоналаш даврида 5-7 кг. гуллаш даври бошларида 8-10 кг. карбамид ёки КАС ўғитини 7-9 л. ишлатиш тавсия эти-

лади. Суспензияни сепишда ишчи эритма сарфи ҳар гектарига 300 литрдан кам бўлмаслиги зарур.

Карбамид ўғитидан тайёрланган суспензия билан ишлов беришда ғўзанинг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда аввал эритма тайёрланади. Масалан, бир гектар майдонга етдиган эритмани тайёрлаш учун агар меъёр 5 кг/га белгиланган бўлса, физик ҳолда 5 кг. карбамид 50 литрлик идишдаги сувда эритилади. Кейин эритмани 100 литрлик идишга қуйиб яхшилаб аралаштирилади ва эритма тайёр холга келади. Тайёр бўлган эритманинг меъёри тавсия этилганидан ортиқ бўлса, ниҳолларга салбий таъсир этиши (барглари қуриши) мумкин. Аксинча, меъёри кам ҳолда унинг самараси паст бўлади. Шу тартибда ғўзани ривожланиш ҳолатига қараб суспензия меъёри ошириб борилади ва мавсумда 2-3 мартагача қўллаш тавсия этилади.

Ғўза вегетацияси даврида баргидан озиклантириш учун ишлов беришда Узгуми 0,3-0,4 л/га, Фитовак 200-300 мл/га ва бошқа стимуляторлардан ҳам фойдаланиш жорий йил шароитида муҳим аҳамиятга эга. Чунки стимуляторлар ғўза ниҳоллари ривожини 7-8 кунга тезлаштиради, пахта ҳосилдорлиги 3-5 ц/га ортади, толаннинг сифати юқори бўлади, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги ортади. Шунингдек, улар маҳаллий шароитларда ишлаб чиқарилган, нархи арзон ҳамда қўллаш ҳам жуда қулай, табиатга зарарли таъсири йўқ, бошқа кимёвий пестицидларни ҳам аралаштириб ишлатиш мумкин. Суспензияни эрталаб ва кечқурун ҳаво ҳарорати 20-25 °C дан ошмаган пайтда сепиш тавсия қилинади. Ҳаво илиқ ва булутли кунларда суспензияни кун давомида сепиш мумкин. Ёмғир ёғаётган пайтда суспензия сепиш тавсия қилинмайди, чунки озикладалари ювилиб, ўғитларнинг самараси пасайиб кетади.

Юқоридаги тавсияларга амал қилиб, омилкорлик билан иш юриладиган фермер хўжаликларида ғўзаларнинг жадал ўсиши ва мақбул ривожланишини таъминлайди, бу эса табиат инжиқликларини енгиб ўтиб юқори ҳосил этиштиришга пухта замин тайёрлайди

Ф.ҲАСАНОВА,
қ.х.ф.н.,

Ш.АБДУАЛИМОВ,
қ.х.ф.д.,

Б.НИЯЗАЛИЕВ,
қ.х.ф.д., (ПСУАЕИТИ) .

БУГУНГИ ҲАРАКАТ — ЭРТАНГИ БАРАКАТ

ёки кузги бошоқли дон экинлари парваришида май ойида амалга ошириладиган агротехник чора-тадбирлар хусусида

Бошоқли дон экинларини май ойида парваришда белгиланган барча агротехник чора-тадбирларни ўта масъулият билан ўз вақтида, сифатли амалга ошириш лозим. Чунки бу ой ғалла ҳосили тақдирини ҳал этадиган палла ҳисобланади.

Шунинг учун ғалла парваришига ўта жиддий ёндашиш талаб этилади.

Энди ҳосил пишгунга қадар ҳар 200 гектар ғалла майдони учун битта кузатувчи қўйилиб, кундалик мониторинг олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Чунки Республикамизда баҳор ойларининг серёғин бўлаётганлиги ҳамда ҳаво ҳароратининг аввалги йиллардагига нисбатан пастроқ келиши бошоқли дон экинлари ҳосилига жиддий зарар келтирадиган сариқ ва қўнғир занг, ун шудринг касалликлари ҳамда зараркунанда, ҳашаротлардан шиллиқ курт (пьявица), зарарли хасва, ғалла арракаши, шираларнинг кўпроқ учраши бегона ўтларнинг кўпайишига ва тарқалишига қулай шароит яратилмоқда. Шунинг учун намликнинг юқори ва ҳаво ҳароратининг паст бўлишини ҳисобга олган ҳолда кузги бошоқли дон экинларини парваришда алоҳида эътибор беришни тақозо этмоқда.

Бу борада ғаллакорлар:

Ғалла майдонларини май ойи давомида ҳар куни мунтазам равишда мониторинг қилиб кузатиб бориш лозим. Агар касаллик ва зараркунандалар билан зарарланган ҳолатлар аниқланса, зудлик билан ушбу ғалла майдонларида уларга қарши республикамизда рухсат этилган фунгицидлар воситасида кимёвий курашиш чораларини амалга ошириш зарур.

- Ғалла майдонларида ўсимликларни пайҳон қилмаслик ҳамда сарф-харажатларни камайтириш учун фунгицид ва инсектицидларни бирга қўшиб ишлатиш тавсия этилади.

- Бошоқли дон экинларини — бошоқлаш, гуллаш, дон шаклланиши ва дон тўлишини ҳисобга олган ҳолда гектарига 100 кг. меъёрда азотли ўғитлар билан озиклантириш лозим.

- Бошоқлаш-гуллаш, сут пишиш фазасида карбамид азотли ўғитини гектарига 10-15 кг. меъёрда 600 литр сувда эритиб, 2 гектар майдонга суспензия қилиб сепиш ижобий натижалар беради. Суспензия билан ишланганда ўсимлик барг сатҳи қалинлашади, фотосинтез жараёни жадаллашади, ўсимликларнинг касалликлар-

га чидамлилиги ортади. Шунингдек, дон ҳосилини 4-5 центнерга оширади ҳамда доннинг технологик сифат кўрсаткичлари оқсил, клейковина миқдорини 2-3 фоизга, дон натураси ва 1000 донна доннинг вазни ортишига олиб келади.

- Баҳорда экилган бошоқли дон экинлари май ойида найчалаш фазасини ўтайди, ушбу фазда гектарига 250 кг. меъёрда азотли ўғитлар билан озиклантириш даркор.

- Минтақа тупроқ-иқлим шароитларига мос ҳолда озиклантирилгандан сўнг, гектарига 600-650 м³ меъёрда кўллатмасдан суғориш ишларини ташкил этиш зарур. Акс ҳолда, бу ойда кузатиладиган кучли ёмғир ҳамда шамол натижасида ўсимликлар ётиб қолиши мумкин. Суғориш ишларини шарбат усулида ҳар бир гектарга 5 тоннадан гўнг ҳисобида амалга ошириш дон ҳосили ҳамда сифатига ижобий таъсир этади.



- Бошоқли дон экинларини — бошоқлаш, гуллаш ҳамда чангланиш даврида тупроқда намлик етарли даражада, яъни чекланган дала нам сизимига нисбатан 70-75 фоиз бўлишини таъминлаш зарур.

- Уруғлик учун экилган ғалла майдонларида навларнинг навдорлигини аниқлаш учун уруғлик далаларни апробацияга тайёрлаш, бунда навга хос бўлмаган бегона нав, тур хилларидан ҳамда бегона ўтлардан тозалаш ишларини амалга ошириш лозим.

Ғаллакорлар май ойида амалга ошириши зарур бўлган мазкур агротехник чора-тадбирларни сифатли ва белгиланган муддатларда бажаришса, ғалладан мўл ва сифатли ҳосил олишга эришадилар.

Р.СИДДИҚОВ,

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти директори, қ.х.ф.д. РФА академиги.

БОҒБОН ЮМУШИ ОРТМОҚДА

Мамлакатимизда боғ ва токзорлар майдони йилдан-йилга кенгайиб, ҳосилдорлиги ошиб, сифати ҳам яхшиланиб бормоқда. Жорий йилда ўлкамизда баҳор ҳар йилгига нисбатан анча, яъни 15—20 кунга кеч кириб келди.

Шу кунларда ҳосилли боғларда суғориш, боғ қатор ораларини культивация қилиш, дарахт танаси ораси ва атрофини юмшатиш, ўсиб чиққан бачки новдаларни қирқиб ташлаш ишларини бажариш керак.

Янги ташкил қилинган мевали боғларни бир марта суғориш зарур. Суғорилгандан сўнг қатор оралари 10—12 см. чуқурликда юмшатилади.

Ҳосилли боғлар эрта баҳорда етарли миқдорда минерал ўғитлар билан озиклантирилмаган бўлса, у ҳолда 50—60 кг. соф ҳолда азотли, 65—70 кг. соф ҳолда фосфорли ҳамда 40 кг. калийли ўғит солиниб, кетидан суғорилади.

Жорий йилда март, апрель ойларида ёғингарчилик кўп бўлиб, ҳаво намлиги юқори даражада бўлиши боис уруғли мева боғларида зарарқундалардан олма қурти, барг ширалари, нокнинг шира бургаси (медяница) ҳамда тоғ ва тоғолди ҳудудларида калмараз (парша) монилиал куйиш касалликлари ривожлана бошлайди.

Мамлакатимизнинг шимолий ҳудудларидаги тоғ ва тоғолди шароитларида май ойининг бошидан олма қурти ва нок шира бургасига қарши олма дарахтлари гулдан чиқиши билан боғларда пуркаш ишларини амалга ошириш зарур.

Ушбу муддатда ҳосилли олма, нок ва беҳи боғларида куйидаги препаратларни: карбофос ёки бензофосфат (золон) (100 л. сувга 200—300 гр. ҳисобидан). Данитол препарати 100 л. сувга 100 г. ёки Децис 50 г. ёки Каратэ, Циракс 30—40 г., Фуфанон 10 г. ёки Талстар 40 г. ҳисобидан қўлланила бўлади.

Парша касаллиги кўпайиши хавфи бор жойларда олма ва нок дарахтларга 1% ли Бордо суюқлиги пуркалгани маъқул. Вектра ёки Топсин—М (100 л. сувга 30—100 г.) ёки Сапроль (100 л. сувга 100 г.) препаратларини ҳам қўлласса бўлади. Беҳизорда монилиоз касаллигига қарши 1% ли Бордо суюқлигини жиққа ҳўл бўлгунга қадар пуркаш керак. Вектра, Курсат ва Топсин препаратлари ҳам яхши самара беради.

Май ойининг иккинчи ярмида олма қурти ва нок шира бургасига қарши пуркаш ишлари такрорланади. Бунда юқорида баён этилган препаратлар қўлланилади. Беҳизорда мо-

нилиозга қарши 1% ли Бордо суюқлиги билан ҳар 8—10 кунда пуркаш такрорланади.

Данакли мева боғларида ўрик, шафтоли ва олхўри дарахтлари гуллаб бўлгач, клястероспориоз, барг бужмалоқлиги, ун шудринг касалликларига қарши Бордо суюқлигининг 1% лиги эритмаси ҳафта-ўн кун оралатиб 1—2 марта пуркалади.

Ёш боғларда дарахт тағларини юмшатиш ва суғориш ишлари олиб борилади. Уларда ўсув даври давомида май ойи охири ва июнда ўсаётган ёш новдаларнинг ҳали ёғочланмаган уч қисми чилпиб турилади. Ушбу тadbир шох-шаббанинг шаклланишига ва дарахтнинг тезроқ ҳосилга киришига ёрдам беради. Ёш дарахтларга бирикки йил шакл бергандан сўнг уларни кўп буташ тавсия этилмайди, чунки бу ҳолда улар зўр бериб бўйига ўсади.

Резавор мевали боғларда: **қулупнайзорларда** май ойининг бошидан мевалари пиша бошлайди. Бу вақтда асосан қулупнай мевалари эрталаб ҳамда кеч соат 5 дан кейин терилиб, савдо тармоқларига юборилади.

Тупроқда намни ушлаб туриш мақсадида ҳар икки теримдан сўнг бир қатор оралатиб оз миқдорда сув берилади.

Жорий йилда намгарчилик кўп бўлиши боис қулупнайзорларда шиллиқ қуртнинг кўпайиши кузатилади.

Унга қарши курашиш учун ўсимлик қатор ораларига карам барги, тахта, фанер бўлаклари ва бошқа нарсалар кўйилади. Эрталаб уларга ёпишган шиллиқ қуртлар йиғиб олиниб йўқ қилинади.

Малиназор ҳамда **қарағатзорлар** ушбу ойда тупроқ намлигига қараб, 1—2 марта суғорилгандан сўнг тупроқ юмшатилади.

Токзорларда ёш тоқлар 2 марта суғорилади, қатор оралари культивация қилиниб, қаторлардаги тупроқ юмшатилади.

Ҳосилли токзорларда ток новдалари 50—60 см. узунликка етганда биринчи (шўра) хомток ўтказилади ёки новдалар иккинчи, баъзан учинчи симга боғланади.

Кўк новдаларнинг ўсиши ва жойлашишига қараб, иккинчи маротаба учинчи ёки тўртинчи симга боғлана-

ди. Токда тўпгуллар пайдо бўлиши билан хомток қилинади. Новдаларда тўп гул ўрнида жингалакларнинг ташкил бўлиши, бу унинг ҳосил қилмаслигидан далолат беради.

Ҳосил қилмаслиги аниқ бўлган новдаларни эрта хомток қилиш ҳосил бўладиган новдаларнинг ривожланишига ёрдам беради. Хомтокни эрта гуллайдиган новдалардан бошлаш зарур. Бунда ток тупининг кўп йиллик зангларидан ўсиб чиққан бачки новдалар биринчи навбатда олиб ташланади. Ток тупини шакллантириш ва зангнинг ўрнини бошиш учун керак бўладиган новдалар қолдирилади.

Суғориладиган токзорларда хўраки ва кишмишбоп новдаларда ҳар иккита ҳосилли новдага бир-иккита ҳосилсиз новда қолдириш керак.

Лалми токзорларда қиш-баҳор давомида йиғилган ёғингарчилик миқдорини ҳисобга олиб, хомток ўтказилади. Бунда бир вақтнинг ўзида ҳосил миқдори нормаллаштирилади ҳамда ҳар бир ҳосилли новдага битта ҳосил қилмайдиган новда қолдирилади.

Май ойида ҳосилли токзорларни минерал ўғитлар билан озиклантиришда асосий меъёрнинг ярмидан кўпроғи берилади: фосфорли ўғитлар 90 кг., калийли ўғитлар 40—50 кг. тупроққа чуқур солинади.

Агар минерал ўғитлар билан озиклантириш имкони бўлмаса, маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш керак. Бунда ҳар бир гектар токзорга 5—6 тонна гўнгни сувда эритиб, шарбат усулида суғорилади.

Токзорларда шўра хомтогининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишига эътибор бериш билан бирга кул (оидиум касаллигининг олдини олиш мақсадида токзорларда тоқлар гуллагунга қадар 1—2 марта туйилган олтингугурт билан чанглатилади (1 гектарга 20—25 кг. сарфи билан). Бу даврда Топаз 100 л. сувга 50 г. ёки Вектра 30 г., Фоликур, Курсат 30 г. солиб пуркалса ҳам бўлади.

Токзорларда хомток ўтказиб бўлиниши билан гуллашдан сўнг олтингугурт билан чанглатилади (1 гектарга 20—25 кг. ҳисобида).

Боғбонларимиз мазкур тadbирларни ўз вақтида, сифатли қилиб ўтказишлари лозим. Шунда ғалвир сувдан кўтарилганда ҳосил баракали бўлади.

Р. АБДУЛЛАЕВ,

қ. х. ф. н.,
Академик М. Мирзаев номли
БУ ва ВИТИ.

СОҲИБКОРЛАРНИНГ МАЙ ОЙИДА АМАЛГА ОШИРАДИГАН ТАДБИРЛАРИ

Сабзавот, полиз ва картошка экинлари майдонларини ҳар бир экин турига мувофиқ барча агротехник тадбирларини, яъни ўсимлик ва эгат ораларига ўз вақтида сифатли ишлов бериш, уларга тавсиялар асосида муддатида ҳамда меъёрида озиклантириш, ўсимлик талабидан ҳамда тупроқдаги намликдан келиб чиққан ҳолда суғориш, шунингдек ҳаво исиши билан пайдо бўладиган турли касаллик ва зараркунандаларга, бегона ўтларга қарши кураш чораларини кечиктирмай амалга оширилиши юқори ҳосил олиш имкониятини беради.

Бу йил баҳор фаслининг ўтган йилларга нисбатан салқинроқ келиши, кунлар исиши кечикиши ҳамда март ойининг серёғин келиши сабзавотчиликда амалга ошириладиган тадбирларга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади.

Тўқсонбости даврида ҳамда эрта баҳорда экилган пиёз, сабзи, ош лавлаги ва саримсоқ майдонларидаги бегона ўтларни йўқотиш, ўсимликларни яганалаш тадбирлари тугалланиб, асосан уларни ҳосил тўплаш даврида намга бўлган талабини қондириш мақсадида тупроқ намлигини талаб этилган меъёрга бўлишини таъминлаш учун ер ости сувларини жойлашишига



этибор берган ҳолда майдондаги ўсимликларни ҳар 12—14 кунда гектарига 450—500 м³ ҳисобида сув билан суғориш лозим. Ҳар икки суғориш ораларида эгат қатор ораларини 12—14 см чуқурликда юмшатиб туриш талаб этилади.

Помидор кўчатларини экиш ишлари республикамызнинг жанубий ва марказий вилоятларида об-ҳаво шароити туфайли тугалланмаган бўлса, май ойининг биринчи 10 кунлигида яқунланиши лозим, шимолий вилоятларда эса кўчат экиш ишлари шу ойни 10—15 кунларигача давом этади.

Помидор суғорилгандан 10—12 кун ўтгач ўсимлик қатор оралари 12—14 см чуқурликда сифатли қилиб

биринчи ишлов берилади, қатордаги ўсимликлар ораси ва атрофи эса қўлда энгил чопиқ қилинади, сўнгра суғориш эгатларини тортиш билан бирга ҳар бир гектар майдон ҳисобига 70—80 кг. дан азотли ўғит солиниб, кетидан суғориш тавсия этилади.

Биринчи ишловдан 13—15 кун ўтгач тупроқ намлигига қараб ўсимликлар суғорилади ва тупроқ этилиши билан иккинчи ишлов бериш ишлари амалга оширилади. Бунда қатор оралари юмшатгичлар билан 15—16 см чуқурликда юмшатилиб, ўсимликлар атрофидаги бегона ўтларни йўқотиш учун яхшилаб чопиб чиқилади, сўнгра сув эгатларини тортиш билан бирга гектар ҳисобига 80—90 кг азотли ва 50 кг калийли ўғитлар бирга солиниб, кетидан яна бир бор суғорилади.

Ердан тўлиқ униб чиққан **бодрингнинг** ўсув даври давомида ўсимликлар қатор ораларини ва атрофида ҳар икки суғоришдан сўнг 14—16 см чуқурликда юмшатиш, униб чиққан бегона ўтларни энгил чопиқ



қилиш ўсимлик пояси ва илдизини яхши ривожланишига сабаб бўлади.

Бодринг намсевар ўсимлик эканлигини инобатга олиб ҳар 6—7 кун оралатиб, ўз вақтида тупроқ намлигига қараб суғориб туриш лозим.

Жанубий вилоятларда пишиб этилган эртаги карамбошларни йиғиб олингач, иссиқ ҳавода сифатини тез йўқотишини ва узоқ сақлаш-

га мойил эмаслигини инобатга олиб, қисқа муддатда истеъмолчилар етказишни ташкил этиш лозим.

Ушбу ой полиз экинларини ўртаги ва кечки навларини экишнинг энг мақбул муддати ҳисобланади. Марказий минтақада жойлашган вилоятларда **қовун ва тарвузнинг** ўртагиси 20 апрелдан 10 майгача, кечкиси 15 майдан 10 июнгача, жанубий вилоятларда ўртагиси 10—20 апрелда; кечкилари эса 10—20 июнда экилади. Шимолий минтақаларда ўртагисини 25 апрелдан 10 майгача; кечкисини 20—30 майда экиш лозим.

Экиш учун қовунни эртапишар Рохат, ўртапишар Суюнчи-2, Олтин водий, Лаззатли, Олтинтепа, Кичкинтой, Оби новвот, Гурвак, Бўри қалла, кечпишар Тўёна, Гурлан, Амударё, Гулоби Хоразмий, Зар гулоби, Саховат, Умир воқи, Бешак, тарвузнинг эртапишар Ўринбой, Манзур, Чиллаки F₁, Крисби F₁, Кримстар F₁ ва ўрта эртапишар Сурхон тонги навлар тавсия этилади.

Полиз уруғлари экилган уяларни чириган гўнг, шоли қобиғи, ёғоч қириндиси билан мульчалаш тупроқнинг қатқалоқ бўлишининг олдини олиб, уруғнинг тез ва сифатли униб чиқишини таъминлайди.

Экилган уруғлар ердан тўлиқ униб чиқиб, чинбарг яғана қилинади, бунда ҳар бир уяда 2 та ўсимлик қолдирилади. Орадан 18—20 кун ўтгач, ниҳолларда 2—3 тадан чинбарг пайдо бўлган даврида улар иккинчи маротаба яғана қилинади ва ҳар бир уяда 1 тадан ўсимлик қолдирилади. Ўсимликлар қатор ораларини махсус юмшатгичлар билан 14—16 см. чуқурликда юмшатилади, қатордаги ўсимликлар оралари эса қўлда энгил чопиқ қилинади, сўнг маҳаллий ҳамда маъдан ўғитларни тавсия этилган меъёрга солиниб кетидан сув берилади.



Полиэ экинлари илдизлари жуда кучли ўсиб, тупроқнинг 3 метр чуқурликдаги қатламигача таралади. Шунинг учун ҳам полиэ экинлари қурғоқчиликка ўта чидамлилиги билан бошқалардан ажралиб туради.

Ўсув даври давомида полиэ экинларни бўз тупроқли ерларда ҳар гал гектарига 400—500 м³ ҳисобида 7—8 марта суғориш талаб этилади. Сизот суви юза жойлашган далаларда эса бўз тупроқли ерларга қараганда 5—6 марта камроқ суғорилади.

Ўсимлик майсалагандан сўнг биринчи чопиққа қадар экинлар 1—2 марта суғорилади. Биринчи енгил чопиқ тугаллангандан сўнг 20—25 кунгача сувдан қантарилади. Бу даврда ўсимлик илдизини чуқурроқ таралишига интилади, чопиқда илдизи кесилган бегона ўтлар тез қурийдилу бу орада экиннинг найчалашу — мева тугишун тезлашади. Навбатдаги сув иккинчи чопиқ олдидан берилади.

Полиэ экинлари ҳосил тўплаш даврида сувга талаби ошишини инобатга олиб тупроқ намлигини маромида ушлаб туриш талаб этилади, бунинг учун экин ҳар 10—12 кунда суғориб туриш лозим.

Полиэ экинларини органик ва минерал ўғитлар билан ўз вақтида ва меъёрида озиклантириш талаб этилади. Бир гектар майдонга 25—30 тонна органик ўғит берилганда 75 кг. азот, 75 кг. фосфор ва 50 кг. калийли ўғитлар билан озиклантириш лозим. Бунда йиллик меъёрга нисбатан калийли ўғитнинг ҳаммаси, фосфорнинг 70—75% асосий шудгорлашда органик ўғит билан бирга солинади. Фосфорли ўғитнинг қолган 25—30 фоизи ва азотнинг 50 фоизи экиш олдидан берилади, азотли ўғитнинг қолган 50 фоизи экинлар уч-тўрт барг чиқарганидан кейин эгатларга 10—12 см чуқурликка солинади.

Кунларнинг исиши кўплаб сабзавот, полиэ ва картошка экинларини ўсиш даврида зарарлайдиган асосий зараркунандалар оққанот, коларадо кўнғизи, полиэ шираси, ўргимчак кана, занг кана, карам

ширалари билан зарарланса, касалликлардан замбуруғли касалликлар (кўнғир доғланиш, сохта уншудринг ва вирусли) ўсимликларга зарар етказа бошлайди. Шунинг учун бу зараркунанда ва касалликларга қарши кураш тадбирларини ўз вақтида ўтказиш юқори сифатли ҳосил олишнинг асосий омилларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Оққанот ва қанотли ширалар очик майдонларга асосан иссиқхоналарда қишлаб ҳаво исиши билан дарчалар очилганда тарқалади. Уларни тарқалишнинг олдини олиш мақсадида иссиқхоналардаги ўсимлик қолдиқларини чуқурларга кўмиш ёки кимёвий препаратлар билан дорилаб йўқ қилиш тавсия этилади.

Эртаги экилган картошка ўсимлигини апрел ойининг охири май ойи бошидан бошлаб картошка куяси, коларадо кўнғизи зарарлай бошлайди. Шунинг учун картошка, помидор ва бақлажон экинлари зараркунандаларига қарши кўрсатилган препаратларнинг бирортаси билан —20% ли Маспиландан —0,02 л/га; 25% Цироксдан —0,16 л/га; ТАДЖдан —0,035 л/га; 30% ли Бензофосфатдан — 1,7—2,3 л/га; 20% Багирадан 0,05 л/га ёки 2,5% ли Децисдан —0,1—0,5 л/га ҳисобида 300—600 литр сувга аралаштириб пуркаш тавсия этилади.

Оққанот ва полиэ шираларига қарши 25% Апплауддан —0,5 кг/га, 25% ли Циперметриндан —0,3 л/га, 48% Калипсодан —0,1—0,15 л/га, 57% Фуфанондан —2,4 — 3,6 кг/га ёки 20% Моспиландан — 0,25—0,3 кг/га ҳисобида пуркаш лозим.



Ўргимчаккана, занг каналарга қарши очик ва ёпиқ майдонларда 10% ли Ниссорандан —0,1 кг/га, 57% ли Омайтдан —1,5 л/га, 20% ли Митакдан —2,5 л/га ҳисобида (600 л/га) сувга кўшиб пуркаш лозим.

Карамда карам ширасига қарши —2,5% ли Децисдан —0,3 л/га, 35% ли Золондан —1,6—2,0 л/га, 30% Бензофосфатдан 2,0 — 2,6 кг/га ҳисобидан пуркаш тавсия этилади.

Пиёзда Трипса қарши куйидаги дорилардан бири билан қарши курашиш лозим: 55% ли Циперфосдан —0,3 л/га, 20% ли Сумиальфадан —0,1 л/га, 50% ли Карбафосдан —0,6 л/га, 40% БИ-58 — 0,5—1,0 л/га ҳисобида пуркаш тавсия этилади.

Замбуруғли касалликлар (ризоктониози, фузариоз сўлиш, фитотфоз) помидор, баклажон, ширин калампир ва бошқа экинларни ўсиш ва ривожланиш фазаларида кучли зарарлайди. Барча ўсимликларни Илдиз бўғзида бироз ботиқ, кўнғир ёки қизғиш кўнғир доғлар пайдо бўлади. Илдиз тукчалари чириб туксиз бўлиб қолганда, барглари сарғаяди ва пасткиларидан бошлаб аста-секин қурийдилу. Ўсув даврида экинда касалликнинг биринчи белгилари кўриниши билан ўсимликларга профилактика учун Риддомил голд мц 68% с.д.г —2,5кг/га, Курзат Р —2,5кг/га, Превикур Sl—1.5л/га препаратларни биронтаси билан пуркаш тавсия этилади.

Сабзавот, полиэ ва картошка махсулотлари етиштиришда ўсимлик зараркунанда ва касалликларга қарши курашиш тадбирларини ўз вақтида, меъёрида, сифатли тартибда олиб борилиши умумий ҳосилнинг 35—40% ни сақлаб қолиш имконини беради.



Эртаги муддатда плёнка остига экилган — эртаги карам, гул карам, эртаги картошка ва ҳар хил кўкатлар ҳосилларини ўз вақтида ва сифатли йиғиб-териби олиш ҳам ўзига хос муҳим тадбир ҳисобланади. Эртаги сабзавотлар узок сақланмайди ва тез шикастланади натижада мева сифати пасаяди. Шунинг учун уларни қисқа муддат ичида истеъмолчиларга етказиб бериш зарур.

Р. ҲАКИМОВ,
қ.х.ф.н.,

Ф. РАСУЛОВ,
к.и.х.,

Сабзавот, полиэ экинлари ва картошкачилик ИТИ.



ЎРИШ МАШИНАЛАРИНИ УНУМЛИ ИШЛАТИШ

Сўнги йилларда мамлакатимизда аграр соҳанинг бошқа тармоқлари каби чорвачилик ҳам жадал раванқ топмоқда. Маълумки, чорва учун озуқа асосий масалалардан биридир. Бунда чорвадорлар ишини энгиллаштирадиган техника воситалари муҳим аҳамият касб этади.

Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида озуқа экинлар ҳосилини ўриш-йиғиштириш ишлари тракторлар билан агрегатландиган ўтўргичлар (КИР—1,5М; КРН—4,2; КС—Ф—2,15) хашак (КСК—100А, Марал—125, Е—282, Е—302), силос (КС—1,8 “Вихрь”; КПИ—2,4А; КПКУ—75) ва маккажўхори (КСКУ—6, ККП—3) ўриш комбайнлари, зичлаб-боғлагичлар (Маркант—155, ПС—1,6) ёрдамида амалга оширилади. Етилган озуқа экинларини қисқа муддатларда йиғиштириб олиш учун озуқа техникаларини тўғри созлаш ва мавсум давомида юқори унум билан ишлатиш талаб этилади.

Энг аввало, ўтўргичлар, зичлаб-боғлагичлар осиладиган тракторлар ва ўзиорар озуқа комбайнларининг двигателлари соз ҳолатда бўлиши зарур. Ўримга тушишдан олдин уларнинг техник ҳолатини яна бир бор текшириш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш лозим.

Ўтўргичлар. Фермер хўжаликларида энг кўп тарқалгани КИР—1,5 бўлиб, етилган ўтларни, пакана маккажўхори ва кунгабоқарни ўриш, майдалаш ва транспорт воситасига юклаш ишларини бажаради. Асосий ишчи органи барабан валига шарнирли бириктирилган 28 та пичоқдан иборат. Ҳамма пичоқларнинг массаси бирдай тенг бўлиши лозим. Поялар чала кесилганда пичоқ тиглари чархланади. Тиглари синиб кетган пичоқлар янгиларига алмаштирилади. Тўғри ва тескари кесувчи пичоқлар тиглари орасидаги тирқиш кенглиги 2-2,5 мм. орасида созланади. Бундан катта ёки кичик бўлса пояларнинг кесилиш ва майдаланиш сифатига путур етади. Ротор барабани майдаланган пояларни транспорт воситасига йўналтирувчи вентилятор вазифасини ҳам бажаради. Роторнинг айланиш частотаси энг камида 1500 айланиш/минут бўлсагина бу вазифа тўла адо этилади. Айланиш камайса, понасимон тасманинг таранглиги оширилади.

Ерга ётиб қолган ўтлар вертикал ўқ атрофида айланандиган пичоқли дисклар билан жиҳозланган ротацион КРН—4,2 қосилкаларда ўрилади.

Хашак йиғадиган комбайнлар. КСК—100 ўзиорар комбайни олдига қирқувчи аппарат ўрнатиб ўт ўрилади, йиққич ўрнатилиб, олдин ўриб ташлаб кетилган хашак йиғиб олинади. Ўт ёки хашак майдаланиб, транспорт воситасига юкланади.

Асосий узел ва механизмлар қуйидагича созланади.

Қирқиш узунлигини ростлаш. Бунинг учун узатувчи аппарат қутисининг валидаги юлдузчалар алмаштирилади.

Сегмент пичоғи ва қарама-қарши кесувчи пластинка орасидаги тирқиш кенглиги олдида 0,8 мм. орқада 0,3-2 мм. Бу кенгликлар пластинкани эгиш ёки болт бирикмасини тортиш ёрдамида ростланади. Тиглари ўтмаслашган сегментлар чархланади, синган бўлса янгиларига алмаштирилади.

Сегментнинг бармоққа нисбатан ҳолатини ростлаш. Пичоқ чекка ҳолатга келтирилади. Ўртадаги таянчнинг болти бўшатилади, таянч сегмент ва бармоқнинг ўқлари устма-уст тушгунга қадар сурилади. Болт тортилади. Таг томони едирилиб кетган, учлари синган бармоқлар ўрнига созлари ўрнатилади.

Жатка шнеги ва мотовилосини ростлаш. Шнек қанотининг қирраси ҳамда тепадаги ва пастдаги тозалагичлар

орасидаги 2-10 мм. ва 10-18 мм. масофалар шнек таянчини бўшатиш ва соловчи болт гайкасини бураш орқали ростланади. Мотовило ва қирқиш аппарати бармоқлари билан шнек сатҳи орасидаги тирқиш кенглиги (15—35 мм.) ни ростлашда таянчлар овалсимон тешиклар бўйлаб сурилади. Дарз кетган қанотлар пайвандланади, эгилган бармоқлар тўғриланади, жатка тубидаги ёриқлар пластинкалар билан ёпилади.

Майдаловчи аппаратни ростлаш. Майдалагич барабан ва тозалагич орасидаги тирқиш кенглиги (5-10 мм.) тозалагични тепага суриш, пичоқ тиғи ва қарама-қарши кесувчи брус қирраси орасидаги тирқиш (0,9-1,5 мм.) брусини барабанга яқинлаштириш билан ростланади. Носоз деталлар тузатилади.

Қирқиш баландлигини ростлаш. Пичоқларнинг қирқиш, йиққичнинг ерга нисбатан ўрнатилиш баландликлари жатка тагидаги сирпангич кранштейнидаги тешиклар ҳолатини ўзгартириш билан ростланади. Баландлик меъёрдан паст бўлса, пичоқлар ердаги тош, темир бўлакларига урилади



ва синади, ортиқ бўлса поялар тубида кўп қолиб кетади.

Силос комбайнлари. Маккажўхори, кунгабоқар каби силосбоп ўсимликларни ўриш, майдалаш ва юклаш ишларини бажаради. Сегмент пичоғи ва бармоқ орасидаги тирқиш кўпи билан 0,5 мм. Дала ажраткичининг ростлаш: поялар баландлиги 0,5 мм. гача бўлганда пастки кожух, бундан юқори бўлса, устки кожух ечиб олинади. Мотовило диаметри планкаларни бешта тешикдан керакласига маҳкамлаш орқали 1800—2800 мм. ораликда ўзгаради. Мотовилонинг айланиш тезлигини ростлаш учун юлдузчалар (Z=14, Z=20) алмаштирилади.

Тойлагич-зичлагичлар. Муфтларни созлаш. Карданли узатма муфтаси 0,58—0,62 кНм (58—62 кг.м), йиққич муфтаси 0,18—0,21 кНм (18—21 кг.м) буровчи моментга гайкалар ёрдамида пружиналарни сиқиб орқали созланади.

Маховик ва поводок орасидаги тирқишни созлаш: 0,2—0,6 мм атрофидаги бу тирқиш гайкани бўшатиш ва қистирмалар сонини ўзгартириш билан ростланади. **Зичлаш камераси қисмларини ростлаш.** Поршен рамкалари ва сирпангичлар орасидаги тирқиш кенглиги кўпи билан 0,5 мм. Қўзғалувчан ва қўзғалмас пичоқлар орасидаги масофа 0,4—2 мм.

Тойнинг зичлигини ва узунлигини ростлаш. Той зичлигини ростлаш учун винт механизми керагича буралади. Бунда битта тойнинг массаси 25 кг.дан ошмаслиги зарур. Тойнинг узунлиги хомутни суриш билан ўзгаради. Ўлчов гилдирагининг ёйида 800—1000 оралиғидаги рақамларга мос бўртиқлар бор. Керакли узунликдаги тойни олиш учун хомутнинг пастки қирраси мос рақам олдидаги бўртиққа тўғриланади.

Шундай қилиб, механизаторлар, МТП муҳандис-техниклари озуқа йиғиш машиналарини талаблар даражасида ростлашга эришсалар, уларнинг иш унуми ошади, сифатли ва кўп ем-хашак ҳосили йиғиштириб олинади.

М.ТОШБОЛТАЕВ, профессор, (ҚХМЭИ).

ЛАЛМИ ЕРЛАРДА КУНЖУТ ЕТИШТИРИШ

Республикамизнинг лалмикор майдонларида қадим замонлардан буён экиб келинаётган қимматбаҳо мойли экинлардан бири кунжут ҳисобланади. Унинг уруғи таркибидаги мой миқдори 55-60 % ни ташкил этади ва мойли экинлар ичида биринчи ўринни эгаллайди. Жувозда олинган кунжут мойи зайтун мойи билан тенглашади. Кунжараси тўйимлилиги ва углеводларга бойлиги сабабли чорва моллари учун юқори калорияли озуқадир. 100 кг. кунжарасида 132-136 озуқа бирлиги мавжуд.

Кунжутнинг илдизи ўқ илдиз бўлиб, тупроқнинг 1,5-2 м. қатламидаги намлик ва маъданли озиқа моддаларни яхши ўзлаштиради. Бу экин тупроқнинг унумдорлигига, структурасига ўта талабчан бўлиб юқори агротехнологияларни қўллашни талаб қилади. Кунжут экиладиган тупроқларнинг зичлиги ва ғоваклиги меъёр атрофида бўлиши, бегона ўтлардан тозаланган бўлиши зарур.

Кунжут экиладиган банд шудгор эрта баҳорда 20-22 см. чуқурликда плуглар билан ағдариб ҳайдалади. Апрель ойининг охири, май ойининг дастлабки ўн кунлигида, ёгингарчиликлар тўхтагандан сўнг, ясси плуглар (плоскорез) ёки чизел-култиваторлар билан 12-15 см. чуқур-

ликда ишлов берилиши ва кетма-кет ҳар икки йўналишда борона қилиниб, дарҳол мола босилиши зарур. Шундай қилинганда тупроқ-



даги намликнинг буғланиши кескин пасаяди.

Кунжут уруғини экишдан олдин ёки экиш билан бирвақтда тупроқ унумдорлиги ва ўтмишдош экин турига қараб 30-40 кг/га ҳисобида

ўзида азот сақлайдиган фосфорли ўғитлар тупроққа сепилади.

Кунжут уруғини экишнинг мақбул муддати ярим таъминланган текис қир-адирлик минтақада апрель ойининг охириги ўн кунлиги, май ойининг биринчи ўн кунлиги, тоғ олди лалмикор майдонларда эса май ойининг иккинчи ўн кунлиги ҳисобланади. Экиш меъёри гектарига 3-4 кг. ни, чуқурлиги эса 2,5-3 см. дан ошмаслиги мақсадга мувофиқдир.

Кунжут уруғи 14-15°C ҳароратда униб чиқа бошлайди, 16-18°C да эса ёппасига тўлиқ униб чиқади. Кунжут уруғи пишгандан сўнг ўта тўкилувчан бўлганлиги сабабли ҳосили қўл кучи ёрдамида йиғиштириб олинади.

**Х.ЮСУПОВ, Р.СИДДИҚОВ,
Б.ҲАЙДАРОВ,
М.ЖЎРАЕВ,**

*Дон ва дуккакли экинлар ИТИ
Фаллаорол илмий-тажриба
станцияси
илмий ходимлари.*

Тадқиқот

ҚҲЙЛАРДАГИ СТРОНГИЛЯТОЗЛАРНИ ДАВОЛАШДА АЛБЕНДАЗОЛНИ ҚЎЛЛАШ

Кўп йиллик илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, стронгилятоз касалликлар қўйчилик хўжаликларида катта иқтисодий зарар келтиради. Касаллик даврида қўйларнинг физиологик хусусиятлари пасаяди, дармонсизланади, овқат ҳазм қилувчи органлар системасининг иши издан чиқади, ҳайвоннинг ичи ўтади ёки қотади, ўсиш ва ривожланишдан орқада қолади, ориқлайди. Касаллик охирида ҳайвонлар узоқ ётади ва бутунлай дармонсизланади, натижада қони камайиб, эритроцидларнинг чўкиш реакцияси тезлашади.

Агар касаллик кучаймасдан олдин ҳайвонлар тўйимли ва сифатли озиқалар билан таъминланиб, яхши парвариш қилинса, даволаш йўли билан стронгилятозлардан тозаланса, мол тезда тузалиб кетади. Акс ҳолда, ўта ориқлаш ва қонсизланиш оқибатида, қиш ва баҳор мавсумларида 80% гача қўйлар нобуд бўлиши мумкин.

Кейинги йилларда қўйлар ораси-

да стронгилятоз касалликлар сезиларли даражада ўсганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Стронгилятоз касалликлари Республикамизнинг барча минтақаларида кенг тарқалган, кўпроқ ёш моллар орасида йил давомида учрайди.

Илмий тадқиқот ишлари Нуробод тумани "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги ҳудудидаги аҳоли қўйларида олиб борилди. Тадқиқот ўтказиш учун табиий зарарланган 20 бош қўй ажратиб олиниб, аналог қоидаларга асосланиб 10 бошдан 2 гуруҳга бўлинди.

Антигельминтик дори воситалари берилгандан сўнг 24-48 соатларда тажрибадаги ҳайвонлардан тезак намуналари олиниб, гельминтокопология текширув усуллари билан Фюллеборн ва Дарлинг усулларида текширилди.

Тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, тажриба гуруҳидаги қўйлардан тажриба бошида тезак намуналари олиниб гельминтокопро-

логик текширув усуллари ёрдамида инвазия интенсивлиги аниқланганда, маршаллагия авлоди вакиллари 32,4 нусхани, Гемонхус авлоди вакиллари 31,2 нусха, трихостронгилус авлоди вакиллари 32,6 нусха, Нематодирус авлоди вакиллари 33,6 нусха, Хаббертия авлоди вакиллари 29,4 нусхани ташкил этган бўлса, албендазол 2,5 % ли суспензияси берилгандан сўнг 24 соат ўтгач Маршаллагия авлоди вакиллари 11,1 нусхани, Гемонхус авлоди вакиллари 11,4 нусха, Нематодирус авлоди вакиллари 11,2 нусха, Хаббертия авлоди вакиллари 11,2 нусхани ташкил этди. 48 соат ўтгандан сўнг текшириш натижаларида маршаллагия, гемонхус, трихостронгилус, нематодирус ва хаббертия тухумлари топилмади.

Назорат гуруҳидаги текшириш натижалари шуни кўрсатдики инвазия интенсивлиги ўзгаришсиз қолганлигини гувоҳи бўлди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Албендазол-2,5%ли суспензияси стронгилятозларни даволашда 100% самара беради.

**Ж.САТТОРОВ, Т.ТАЙЛОҚОВ,
СамҚХИ.**

ЕРГА ҲАМ, ФЕРМЕРГА ҲАМ ФОЙДА

Тупроқ унумдорлиги паст бўлган ерларда кузги бугдойдан сўнг экиладиган такрорий экинлар

Мамлакатимизнинг турли тупроқ ва иқлим шароитларидан келиб чиқиб, тупроқ унумдорлигини сақлайдиган ва оширадиган, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини таъминлайдиган қишлоқ хўжалик экинлар турини тўғри танлаган ҳолда ерлардан самарали фойдаланиш ҳозирги кун талаби бўлиб қолмоқда.

Бу борада дуккакли дон ҳамда сабзавот экинларини экиш, ушбу экинларни асосан такрорий экин сифатида етиштириш ҳам мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Маълумки, дуккакли дон экинларидан кейин экиладиган деярли барча қишлоқ хўжалик экинлари яхши самара беради. Фермер хўжаликларидан беданинг ўрнини қоплаш вазифасини бемалол дуккакли дон экинлари бажариши мумкин. Шуни таъкидлаш лозимки, дуккакли дон экинлари соя, ловия, мошни эрта баҳорда ва ёз охирида, яъни, бир йилда икки марта экиш имкони мавжудлиги ҳам катта аҳамият касб этади. Улар биринчи навбатда тупроқ унумдорлигини яхшилашга, иккинчидан аҳолини қимматли, оқсилга бой маҳсулотлар ҳамда чорвачиликни тўйимли ем-хашак билан таъминлашга хизмат қилади.

Шунинг учун ҳам фермер хўжаликларидан тупроқлар унумдорлигини сақлаш ва ошириш учун ишлаб чиқаришда кенг қўлланилиб келинаётган ғўза-ғалла қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимида тупроқда имкон қадар кўпроқ миқдорда органик қолдиқлар қолдирадиган ҳамда тупроқ унумдорлигини тиклайдиган қишлоқ хўжалик экин турларини киритиш зарурлигини тақозо этаётганлигини эътиборга олган ҳолда, жорий этилаётган алмашлаб экиш тизимларини янги турдаги такрорий экинларни киритиш орқали такомиллаштириш талаб этилади.

Йўқотилган тупроқ унумдорлигини ошириш учун хўжаликларда имкон қадар эътиборни кузги бугдой ангизига экиладиган такрорий экинларга қаратиш, ўтмишдош экин сифатида ғўза ва кузги бугдойга тўғри келадиган, тупроқ унумдорлигини оширадиган, чорва учун тўйимли ем-хашак бўла оладиган дуккакли дон экинларни танлаш зарур.

Табииyki, ҳар бир фермер ўзи етиштираётган экиннинг ҳосили сифатли ва салмоқли бўлишини хоҳлайди ҳамда имкон борича кўпроқ даромад олиш йўллариини излайди. Ҳеч кимга сир эмаски, тупроқ унумдорлиги юқори бўлган далалардангина сифатли ва мўл ҳосил олиш мумкин. Мўл ҳосил олиш учун парваришlash даврида бериладиган маъданли ўғитларнинг самарадорлиги ҳам тупроқда органик моддалар етарли бўлган тақдирдагина юқори бўлади. Демак, ҳар бир фермер биринчи навбатда тупроқ унумдорлигини сақловчи ва оширувчи экинлардан фойдаланиши, экинларни алмашлаб экиш тизимларига риоя этган ҳолда уларни тўғри жойлаштириши зарур.

Мамлакатимизда кузги бошоқли дон экинлари йиғиштириб олинганидан кейин, уларнинг ўрнига такрорий экинлар етиштириш учун қулай имкониятлар бор. Айтайлик, бошоқли дон экинлари 15-20 июн муддатида йиғиштириб олинса, ундан кейин тўрт ой, яъни 120-130 кун иссиқ ва ҳароратли кунлар давом этади. Шу ойлари мобайнида 1600-1800 °C фойдали ҳарорат йиғиндисини заминимиз қабул қилади. Бу эса республикамизда кузги бошоқли дон экинларидан кейин такрорий экинлар экиш имкониятини беради.

Такрорий экинлар сифатида эътиборни дуккакли-дон ва мойли экинлардан мош, ловия, соя, кунгабоқар, ерёнғоқ, кунжут, зиғир, ёрма-дон экинларидан тариқ, маржумак, сабзавот-полиэ экинларидан карам, сабзи, шолғом, турп, пиёз, саримсоқпиёз, қалампир, бодринг, помидор, бақлажон, батат, қовун, тарвуз, картошка, ем-хашак ва дон экинларидан: маккажўхори, жўхори, судан ўти, шоли, сидерат экинлардан хашаки нўхат, хантал, рапс, перко, жавдар, тритикале ва бошқа экинларга қаратиш зарур.

Номлари юқорида келтирилган барча турдаги такрорий экинларни экиш учун ер тайёрлаш ишлари экин турларига боғлиқ. Масалан, дуккакли дон ва мойли экинлардан мош, ловия, соя, дон экинларидан маккажўхори, кўп ўримли жўхори, ем-хашак экинлардан хашаки нўхат, хантал, рапс, перко, жавдар, тритикале каби экинларни экиш учун бошоқли дон экинлари ўриб йиғиб олиниб, дала сомон қолдиқларидан тозалангандан сўнг далани энгил суғориб, ер етилганидан сўнг бугдойпоя қатор ораларини культиватор ёки чизель-культиватор ёрдамида юмшатиб, сабзавот сеялкалари ёрдамида экиш ишлари амалга оширилади. Қолган барча экин турларини экиш учун ер тайёрлашда далалар энгил суғориб олинганидан кейин оочлар ёрдамида 20-22 см. чуқурликда ҳайдалади, сўнгра борона қилинади. Ушбу такрорий экинларни республикамиз шароитида навларига қараб 1-5 июн-10 июл оралиқларида экиш мумкин. Такрорий экинларни жойлаштиришда даланинг сув билан таъминланганлик даражасига эътибор қаратиш лозим. Сув таъминоти оғир, кучсиз шўрланган, сизот сувлари ер юзасига яқин жойлашган ҳудудларда дуккакли дон экинларидан мош, ловия, мойли экинлардан кунжут, зиғир, ёрма-дон экинларидан тариқни экса бўлади. Қолган экин турларини имкон борича сув танқис бўлмаган ҳудудларда экиш мақсадга мувофиқдир.

Соя ўсимлигини такрорий экин сифатида республиканинг шимолӣ ҳудудларида экиш кўзда тутилганда унинг эртапишар Орзу, Му-тант-3, Олтинтож, Генетик-1, республиканинг жанубий вилоятлари шароитида Ойжамол, Нафис, Дўстлик каби навларини, мошнинг эса Победа-104, Радость, Наврўз, Қаҳрабo, Дурдона навларини экиш мумкин.

Ушбу экинларни такрорий экин сифатида республиканинг шимолӣ ҳудудларида (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилоятида) 10-30 июнда, марказий ҳудудларда (Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Ан-

дижон, Наманган, Фарғона вилоятларида) 15 июнь-5 июлда, жанубий ҳудудларида (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида) 15 июнь-10 июл муддатларида экиш яхши самара беради. Экиш меъёри сояда 60-70 кг/га, мошда 14-16 кг/га, ловияда эса 80-100 кг/га миқдорда экилади. Экиш чуқурлиги 4-5 см.ни ташкил этади.

Бундан ташқари, соя, ловия ва мош экинларини такрорий экин сифатида кузги бугдой ангизига экишда ресурстежамкор технологиялардан фойдаланиш ҳам яхши самара беради. Жумладан, кузги бугдой дон ҳосили йиғиштириб олингандан сўнг дала сомондан тозаланади ва енгил суғорилади. Тупроқнинг етилиши билан культиваторлар ёрдамида 14-16 см. чуқурликда

юмшатилиб, СОН-208 русумли сабзаёт экиш учун мўлжалланган сеялкалардан фойдаланиб ҳам экиш мумкин.

Ўсув даври давомида қатор орасига 2-3 марта ишлов берилади. Мош экини 1 марта, ловия ва соя экинлари эса 2-3 марта суғорилиб, чопиқ қилинади. Такрорий экин сифатида экилган соя, ловия ва мош экинлари соф ҳолда гектарига 50-60 кг. азот, 90-100 кг. фосфор ва 60-70 кг. калийли ўғитлар билан озиклантирилади.

Дуккакларнинг 75-80 %и пишганда ҳосили йиғиб олинади ва қурилади. Поялар эрталаб ёки кечкурун йиғилса дуккаги кам чатнайди ва шикастланмайди. Бунда йиғилган доннинг намлиги 14 фоздан ошмаслиги керак.

Умуман олганда, республикамизда аҳоли сонининг ўсиши, ер ва сув ресурслари каби табиий неъматларнинг чекланганлиги шароитида аҳолининг озиқ-овқат, жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабининг йил сайин ортиши ердан самарали фойдаланиб, суғориладиган майдонлардан бир йилда икки-уч марта ҳосил олишни, тупроқнинг мелиоратив ҳолати ҳамда унумдорлигини яхшилаш орқали экинлар ҳосилдорлигини оширишни, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришни тақозо этмоқда.

Б.ХАЛИКОВ,
ЎзҚХИИЧМ

Бош директори ўринбосари,
қ.х.ф.д. профессор

ҒАЛЛА ЎРИШ КОМБАЙНЛАРИДАН МАҚСАДЛИ ФОЙДАЛАНИШ ДОН ИСРОФГАРЧИЛИГИНИ КАМАЙТИРИШ ГАРОВИДИР

Маълумки, ғалла ўримида киришишдан олдин майдонларни ўрим-йиғимга сифатли тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бунда энг аввало далалар бегона ўтлар, айниқса, ғалла пояларига ўралиб ўсувчи (кўйпечак) ҳамда йўғон пояли (кўк шўра, қамиш, ғумай ва бошқалар) каби ширали бегона ўсимликлардан тозаланиши, имконият бўлса уларга қарши мавжуд гербицидлар билан олдиндан ишлов берилиши талаб этилади.

Бу муҳим агротехник тадбирни амалга оширишда фермер ва агрономларнинг эътиборсизлиги ҳамда дон ҳосили пишиб-етилгандан сўнг уларнинг поялари табиий ҳолда қуриб қолиши натижасида мавжуд бегона ўтларнинг шиддат билан ўсишига олиб келади.

Бундай майдонлардаги ҳосилни ўриб-йиғиб олишда комбайнларнинг донни янчиш ва тозалаш тизимларидаги иш сифатининг пасайиши ҳамда дон исрофгарчилиги белгиланган меъёрлардан ошиб кетиши мумкин.

Ҳозирги пайтда республикамизда етиштириладиган бошоқли дон ҳосилини йиғиштириб олишда жаҳоннинг етакчи "Кейс" ва "Класс" фирмаларида ишлаб чиқарилган замонавий, юқори унумли комбайнларидан фойдаланилмоқда (расм).

Маълумки, "Кейс" фирмасининг комбайнларида донни янчиш ва сомондан ажратиш олиш жараёни комбайнга нисбатан бўйлама ўрнатилган. Ғалла массасининг қўзғалмас галвир устидан спиралсимон ҳаракат билан катта тезликда ҳаракатлантирувчи ва ишқаланиш кучи ёрдамида донни бошоқдан ажратиш олувчи аксиал роторли янчиш тизими орқали амалга оширилади.

Бу тизимнинг асосий камчиликларидан бири янчиш жараёнида кўк ўтларни эзиши ва сиқиши нати-



жасида ширали масса ҳосил қилиниши, шу билан бирга унга ёпишган донларни ажратиш олиш имконияти паст бўлганлиги туфайли кўплаб донларнинг сомон билан бирга ўтиб кетиши оқибатида дон исрофгарчилигининг ошиши ҳисобланади.

"Класс" фирмасининг комбайнлари кўндаланг ўрнатиладиган барабанли янчиш ва тебранувчи-силкитгич тизими билан жиҳозланганлиги учун ҳосил бўлган ширали массани парчалайди ва юқорида кўрсатилган салбий ҳолатнинг олди олинади.

Ғалла ўриш комбайнларининг иш унуми ва сифатини ошириш ҳамда дон исрофгарчилигини камайитириш учун аксиал роторли комбайнлардан ўсимлик пояларига ўралиб ўсувчи (печак) ва йўғон пояли (қамиш, ғумай, кўк шўра) каби бир ва кўп йиллик бегона ўтлардан тозаланган майдонларда, барабанли комбайнлардан эса турли даражада ўт босган майдонлардаги ғаллани ўриб олишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

С.АЛИҚУЛОВ,
ТошДАУ.

СУВДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Сўнги йилларда сайёрамизда атроф-муҳит ва унинг ресурсларини, жумладан, энг муҳим неъматлардан бири – сувни муҳофаза қилиш, ундан самарали ва оқилона фойдаланиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Тошкент Ирригация ва мелиорация институти ташаббуси билан "Глобаллашув шароитида сув хўжалигини бошқариш муаммолари ва истиқболлари" мавзuida Халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда Марказий Осиё минтақаси, Европа давлатларидан бир қатор мутасадди ва мутахассислар, юртимизнинг сув хўжалигига алоқадор ташкилотлар ходимлари, илмий жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Халқаро илмий-амалий конференцияда сув хўжалигидаги долзарб муаммолар: соҳани инновацион ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, трансчегаравий дарё сувларидан оқилона фойдаланиш, гидротехник иншоотларнинг ишлаш тизимини ривожлантириш, соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш ва шу каби кўплаб масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, анжуманда Ўрта Осиё мамлакатлари ҳамкорлигида Сув хўжалиги дипломатияси Марказини Тошкент Ирригация ва мелиорация институти қошида ташкил этиш ва унда давлатлараро сув хўжалиги тизимида пайдо бўлаётган муаммоларни илмий ўрганиш, соҳада фаолият юритаётган кадрларни алмашлаб ўқитишни жо-



рий этган ҳолда тизимнинг ривожланишини таъминлаш, Сув истеъмолчилари уюшмаларининг моддий техник базасини такомиллаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида амалий чораларни янада кучайтириш каби қатор таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Дунё бўйича экологик муаммолар чуқурлашиб бораётган, сув ва ер ресурслари чекланган шароитда Ўзбекистонда мавжуд сув манбаларидан оқилона фойдаланиб, тежамкор технологияларнинг амалиётга изчил татбиқ этилаётган, жадал олиб борилаётган ирригация ва мелиорация ишлари, энг янги гидротехник иншоотларни қуриш, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, қўшни ва дунё мамлакатлари билан тажриба алмашиш борасида юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар хорижий меҳмон ва иштирокчиларда катта таасурот қолдирди.

Матбуот анжумани

НАСЛИ ЧОРВА — АСЛ ЧОРВА

Аграр соҳада чорвачилик жадал ривожланаётган тармоқлардан биридир. Бунда наслчилик ишларини илмий асосда ривожлантириш, маҳаллий чорва молларининг генофондини асраб-авайлаш ва кўпайтириш орқали маҳсулдорликни ошириш асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан "Наслчилик: амалиёт ва самара" мавзuida матбуот анжумани ташкил этилди. Мазкур тадбир пресс-тур шаклида ўтказилиб, унда оммавий ахборот воситалари ходимлари, вазирлик ҳамда Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси мутасаддилари, шунингдек, мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрган мутахассислар қатнашди.

Анжуман иштирокчилари дастлаб Қибрай туманидаги "Ўзнаслэлита" МЧЖ ҳамда "Барака — ҳалол нур" МЧЖ чорвачилик мажмуалари фаолияти билан танишдилар.



— Бу икки корхона мисолида мамлакатимизда чорвачилик маъданияти ўсиб, наслчилик ишларига алоҳида эътибор берилаётганини кўриш мумкин, — дейди Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси бошлиғи Дилшод Пирназаров. — Келгусида наслчиликда ишларимиз кўламини кенгайтириб, мамлакатимизда ана шундай корхоналар ҳамда аҳоли хонадонидида боқилаётган чорва моллари сонини кескин оширишга, наслини яхшилашга эришмоғиз лозим.

Ҳозирда чорвачиликнинг барча тармоқларида наслчилик мақомига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар сони 812 тани ташкил этиб, шундан 610 таси қорамолчилик йўналишида бўлиб, уларда қарийб 121,5 минг бош наслдор қорамоллар парвариш қилинмоқда.

Бугунги кунда наслчилик тоифасидаги хўжаликлардаги ҳар бош сигирдан бир кунда ўртача 20–30 килограммдан ортиқ сўт соғиб олинишига эришилмоқда.

Кейинги йилларда инспекциянинг селекция ютуқларини давлат экспертизасидан ўтказиш комиссияси томонидан 10 та селекция ютуқларини патентлаштириш учун давлат экспертизаси ўтказилди ва муаллифларга давлат патентлаштириш идораси томонидан патентлар берилди.

Матбуот анжуманида республикаимизда наслчилик ишларини яхшилаш, чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликларини ривожлантириш уларда насли қорамоллар подасини кўпайтириш, наслчилик ядросини шакллантириш ва кенгайтириш, қорамоллар маҳсулдорлигини ошириш борасидаги ютуқлар ва уларнинг самаралари ҳусусида кўплаб мисоллар, далиллар келтириб ўтилди. Мутасаддилар журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб беришди.

Жаҳонгир ПИРИМКҮЛОВ.

БАҚЛАЖОН

Экиш учун тавсия этиладиган навлар: Аврора, Замин F₁, Феруз.

Уруғ танлаш. Экиладиган уруғи тоза, юқори унвчан, касалликлардан ҳоли, синмаган, вазндор бўлиши зарур. Уруғлар бошқа ўсимликлар уруғлари ва аралашмаларидан тозаланади.

Ер тайёрлаш. Уруғ сепиладиган майдонлар ўтмишдош экин қолдиқлари ва бегона ўтлардан сифатли қилиб тозаланади. 1 сотихга 150–200 кг. (10 сотихга 1,5–2 т) чириган гўнг солинади. Ер 20–25 см. чуқурликда юмшатилади, йирик кесаклар майдаланиб, яшилаб текисланади ва суғориш эгатлари олинади.

Экиш муддати. Уруғлар қўлда сепилади. Сепилгандан уруғлар хаскаш билан тупроққа аралаштирилади. Бақлажон кўчатларини жанубий вилоятларда мартнинг III ўн кунлиги, марказий минтақада жойлашган вилоятларда апрельнинг II–III ўн кунлигида ва шимолӣ минтақаларда апрелнинг III ва майнинг I ўн кунлигида экиш тавсия этилади.

Парваришлаш. Ўсимликлар-

га биринчи ишлов бериш кўчатлар тўлиқ тутиб олгач бошланади. Бунда эгат ичи, пушта ва қатордаги кўчатлар орасининг тупроғи юмшатилади. Биринчи парваришладан 12–15 кун ўтгач, иккинчи сув берилади. Тупроқ етилгач, яна бир бора



чопиқ қилинади. Бунда ер бегона ўтлардан тозаланади, юмшатилади, тупроқ кўчатнинг атрофига босилади.

Ўғитлаш. 1 сотих майдонга тук ҳолда 7,6 кг. сульфат аммоний, 2,6 кг. аммофос, 1,6 кг. калий хлор ўғитлари берилади. 1 кг. аммофос ва 0,75 кг. калий хлор ҳайдовдан олдин 200 кг. чириган гўнг билан бирга солинади.

Сизот суви чуқур жойлашган ерларда ўсув даври мобайнида суғоришда ҳар гал 1 сотихга 5–6 м³

ҳисобидан 18–20, сизот суви юза, ўтлоқи ва ўтлоқи-ботқоқ тупроқли ерларда 12–15 марта суғорилади. Сизот суви чуқур жойлашган ерларда ҳосил етилгунча ҳар 8–12 кунда, ҳосил ёппасига пишганда эса 5–7 кунда суғорилади. Куз бошлангандан кейин экин камроқ суғорилади.

Касаллик ва зараркундаларга қарши курашиш. Колорадо кўнғизи ўсимликларга жиддий зарар етказади. Бу зараркунданга қарши курашда 10 сотихга препаратлардан Атилла супер 10 эм.к. (40 мл) ёки Каратэ 5% к.э. (10 мл) препаратларини қўллаш мумкин. Ўргимчакканага қарши к.э. (150 мл), Омайт 57% эм.к. (150 мл) ёки Ниссорон 5% эм.к. (30 мл), оққанотга Моспилан 20% н.к.к. (25 мл) препаратларини 60 литр сувда яшилаб аралаштириб пуркаш тавсия қилинади.

Ҳосилни йиғиштириш. Бақлажон техник жиҳатдан етилганда меваси йириклашади, пўсти тўқ бинафша ранга кириб, усти ялтираб туради. Айни шу вақтда меванинг эти нозик, тахирсиз ва уруғи қотмаган бўлади. Бақлажон ҳосили 6–7 кун оралатиб банди билан узиб олинади.

ТОКНИ ХОМТОК ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Хомток токни парвариш қилиш усулларида бири; кузги ва баҳорги ток кесишнинг давоми. Хомток қилинган ток ҳаво, ёруғлик ва кўёш нуридан тўла фойдаланади, касалликка кам чалинади; новда ва мевалари яхши ривожланади, пишиб етилади, ҳосил кўпаяди.


Ток, асосан, 2 марта хомток қилинади. Биринчи хомток-ток шўра чиқариб, ҳосилли ва ҳосилсиз новдалар фарқлана бошлагандан гуллагунга қадар («шўра хомток»), иккинчи хомток — ток гуллаб, гўралар мошдек бўлгандан («гўра хомток») қилинади.

Шўра хомтоқда кундадан ўсиб чиққан бақувват новдалардан 3–4 таси қолдирилиб (улардан қариган зангларни ёшартиришда фойдаланилади), қолганлари

кесиб ташланади, эндигина гулга кираётган ҳосилли новдаларнинг учини чилпиш ҳосилдорликни ва ҳосил сифатини оширади (новдалар вақтинчалик ўсишдан тўхтаб, озиқ моддалар шўра ва гулларнинг ривожланишига сарф бўлади).

«Гўра хомток»да биринчи хомтоқдан қолган ҳосилсиз, ортиқча зич ва ноўрин ўсган, асосий новдалар ва шу йилги новданинг қўлтиғидан ўсиб чиққан бачки новдалар олиб ташланади.

Хомтоқни ўтказиш ток нави, агротехника тадбирлари, обҳаво ва ер шароитларига боғлиқ. Кучли ўсувчи ток навлари хомтоқ қилинганда ортиқча новдалар олинади, сийраклаштирилади. Ток ўртача ўсиб, ҳосил



яхши бўлса, новдалари тараб, боғлаб қўйилади. Сусти ўсган токнинг барг ва новдалари оз бўлиб, уларни ортиқча сийраклаштириш ҳосилнинг офтобдан зарарланишига олиб келиши мумкин. Хомтоқда баргларни кўплаб ва палапартиш юлиб ташлаш ярамайди. Чунки, барг сийраклашса, ҳосилли новдаларга озиқ моддаларнинг келиши сусаяди, юлинган барг қўлтиғидаги куртак зарарланади. Хомтоқдан кейин қолдирилган новдалар тезда нам чипта билан бағазларга боғланади, акс ҳолда улар салгина шамолда ҳам синиб кетади.

ТОВУҚ ПАРВАРИШИ

Тиббиёт мутахассисларининг таъкидлашича, инсон соғлом бўлиши учун бир йилда ўртача 10 килограмм парранда гўшти ва 121 дона тухум истеъмол қилиши зарур. Чунки улар парҳез маҳсулотлари ҳисобланиб, инсон организми учун жуда фойдалидир.

Товуқ зотлари ва кроссларини танлаш. Аҳоли хонадонларида тухум йўналишидаги Ломанн (Германия), Декалп, Хайсекс (Голландия), Хай-Лайн (АҚШ) ва Родонит-3 (Россия) зотларини боқиш мумкин. Ҳозирда бозорларимиздаги тухумларнинг 70 фоизи Ломанн зотлари улушига тўғри келади. Улар жигарранг, оқ ва оч кулранг бўлиб, ушбу зотли паррандаларнинг биттасидан уй шароитида бир йилда 270 донагача тухум олиш мумкин.

Бройлер (инглизчада оловда қовуриш дегани) тез етиладиган гўштдор жўжа. Унинг гўшtidан асосан парҳез таомлар тайёрланади. Бройлер гўшти олиш учун жўжа қисқа муддатда етарли даражада семиртирилади. Бунинг учун оғир вазни ва тез етиладиган Росс-308,

Кобб, Хабборд F-15 бройлер кросслари, Корниш, Оқ плимутрок, Ньюгемпшир каби сертухум ва сергўшт зотли хўроз ва товукларнинг чатишишидан олинган дурагай жўжалардан фойдаланилади.

Оддий уй жўжаси асосан тухум йўналишида бўлади. Бройлер жўжа-



лари эса гўшт йўналишида боқилиб, 38-42 кунда тирик вазни 2,3-2,5 кг. га етади. Гўшт учун етиштирилган бройлер жўжалар технология бўйича 1-2 кун ичида сўйилиши шарт. Бу фурсат чўзилиб кетса, улар тирик вазнини тезда йўқотади. Шу боис, бройлерларни боқиш

вақти энг кўпи билан 5-6 ҳафтани ташкил этади.

Парранда гўшти тез ҳазм бўлиш хусусиятига кўра барча турдаги чорва моллари гўшtidан устун туради. Таркиби ҳар хил кимёвий элементларга бой. 2 ойлик жўжа гўшти таркибида 20 фоизга яқин оқсил, 10-12 фоиз ёғ бўлади. Бройлер жўжаси гўштининг ҳазм бўлиш коэффициенти 94-95 фоизга тенг.

Парваришlash. Паррандалар кўлбола катакларда ёки ерда боқилади. Улар, асосан, куруқ аралаш емлар билан озиқлантирилади. Бир бош товук учун бир йилда ўртача қуйидаги миқдорлардаги аралаш ем талаб этилади (кг): катакларда боқилиб тухум берадиганлари учун - 50; гўшт олинадиганлари учун - 65; 2 ойгача бўлган бройлер жўжалар учун - 4,7; тухум олишга мўлжалланган 5 ойликкача жўжалар учун - 11,8.

Жўжа очириш учун тухум олишда 8-12 та товукқа 1 та хўроз қўйилади. Хўрозлар 2-3 йил сақланади. Товуклар — томорқадан чиқадиган буғдой қолдиқлари, маккажўхори, сабзавот маҳсулотлари, қовун-тарвуз пўчоқларини танламасдан ейди.

СУТИ МИНГ ДАРДГА ДАВО

Эчки аҳоли хонадонларида сут, гўшт, жун, тивит, териси учун боқилади. Эчки ўзига ўлат, чечак ва сил касалликларини юқтирмаслиги, оқсил ва енгил ўзлаштирилувчи ёғларга бой сут бериши билан эътиборли. Эчки сутида мис, рух, марганец, йод каби микроэлементлардан ташқари камқонликнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга бўлган кобальт моддаси нисбатан кўп учрайди.

Шуниси эътиборлики, эчки сутининг таркиби жиҳатидан она сутига жуда яқин туради.

Зотлари: Жайдари (қора жунли), Ангор эчкиси, Оренбург зотлари боқилади.

Ўртача 9-10 йил (баъзилари 17 йилгача) яшайди, хўжалиқда 7-8 йил фойдаланилади. Улоқлари 5-8 ойлигида жинсий етилади, 14-18 ойлигида қочирилади. Бўғозлик даври 5 ойга яқин. Хонаки зотларининг кўпи серпушт: ҳар 100 бош урғочи эчкидан 150-250 бош улоқ олинади. Яхши озуқа шароитида асраб боқилганда йилига 2 марта болалайди. Така-

ларининг тирик вазни 60-65 кг. дан 100 кг. гача, урғочилариники 40-60 кг. Серсут зотларидан йилига ўртача 450-550 литргача сут соғиб олинади. Сутининг ёғлилиги 3,8-4,5%. Такалардан 4-6 кг, урғочилардан 3-5 кг. дан жун қирқиб олинади. Сертивит зотларидан 0,2-0,5 кг. дан 2 кг. гача тивит тараб олиш мумкин. Яхши боқилган катта ёшдаги эчки 20-28 кг. гўшт ва 4-6 кг. ёғ, 7-10 ойлик эчкилар эса 12 кг. гўшт ва 1,5 кг. ёғ беради.

Парваришlash. Эчкилар озуқага талабчан эмас: экин қолдиқ-

лари, сабзавот-полиз чиқиндилари, бута ва дарахт барглари билан озиқланаверади.

Куз ва қиш фаслида бир кунда ҳар бир бош эчкига 0,5 кг. табиий ўт ва 300-400 г. ем берилади. Хонадон соҳиблари ёз даврида қишлоқ учун ҳар бир бош эчки ҳисобига 150-200 кг дағал хашак ва 30-40 кг концентрат озуқа гамлашлари лозим.

12-13-бетлардаги материаллар “Аҳоли томорқа хўжаликларидики қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича қўланма” китобидан олинди.



ИШНИ ГУЛЛАТГАННИНГ БАХТИ ГУЛЛАЙДИ

Юртимиз — ер юзида жойлашган давлатлар орасида географик жиҳатдан қулай жойлашганлиги билан ажралиб туради. Мамлакатимиз узра тўрт фаслнинг ўз вақтида алмашинуви бу заминда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сифатига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда деҳқон ва фермер хўжаликлари билан бирга юртдошларимиз ҳам ўзларининг томорқаларидан самарали фойдаланиб, мўл-кўл маҳсулотлар етиштиришмоқда.

Бу борада Наманган вилоятида ҳам талайгина диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда.

— Туманимизда 20092 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди Уйчи туманидаги "Файрат" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдували ака Раззоқов. Кўпгина фуқароларимиз иссиқхоналар, боғдорчилик,



3. Низомов ва МФЙ раиси А. Раззоқов билан.

кўчатчилик ва чорвачиликни йўлга қўйиб, мўмайгина даромадни қўлга қилиштиришмоқда.

Биз ушбу маҳалладаги Кесканёр кўчаси томон йўл олдик. Кўча бошида салқинлаб турган отахон билан кўришдик. Салом-алиқдан сўнг ўзларини Зайниддин Низомов деб таништирдилар ва хонадонлари сари бошладилар. Хонадон шинам, айниқса, 10 сотихча келадиган ҳовли ажойиб тарзда боғга айлан-тирилган.

— Мана шу ҳовли бизни бир неча йиллардан буён ўз неъматини билан сийлайди — деб гап бошлади мезбон. — Одамларга ҳам ҳайрон қоламан. Электрдан қарзман, газдан қарзман, солиқдан қарзман деб идорама-идора югуришади. Ундан кўра томорқангдан унумли фойдалан. Барчасидан бир йўла қутулсан. Мана тўрт туп ёнғоқ, бир тупи мевасидан олинган даромад хонадонимизни бир йиллик солиқдан халос қилади. Эрта баҳорда гилос сотишни бошлаймиз, сўнг ўрик, шафтоли, беҳи, анор, хурмо, бодом ва узум. Кеч кузгача қўлимиз қўлимизга тегмайди. Бу ҳовлидаги мевалар 8 млн. сўм атрофида даромад келтиради. Бундан ташқари, ҳар йили 8 бош кўчқор боқаман. Бу ҳам йилига 9,5–10 млн. сўм деган гап. Ҳозир 75 га кирдим. Шу вақтга қадар 5 ўғил 1 қизни уйли-жойли қилдим, буларнинг барчаси шу томорқа туйфайли.

Ота билан хайрлашиб, қўшни хонадон томон йўл олдик. Дарвозани 65 ёшларни қоралаган онахон очиб бизни хонадонларига таклиф қилдилар.

— Хонадонимизда ўғлим, келиним ва икки нафар набирам билан истиқомат қиламиз, — деб сўз бошлади Ҳамроҳон ая Мадаминова. — Айрим одамларнинг 10–15 сотих томорқаси бор, лекин ҳовлисига кирсангиз, ишга иштиёқ тугул, ҳатто битта кетмони ҳам йўқ. 10 сотих ҳовлидан йилига уч марта ҳосил оламиз. Сентябрь ойида исмалоқ экамиз. Февраль ойи охирида ҳосилни сотиб тугатамиз ва март ойи бошларида ўрнига помидорнинг Картошкапалак, ТМК, Темп каби навларининг уругини плёнка остига сепамиз. Бўш қолган майдонга картошка экиб чиқамиз. Жорий йилда аҳолига 30 000 помидор кўчатларини етказиб бердик. Апрель ойининг охирига бориб бўш қолган майдонларга бақлажон, помидор, булғор қалампири экамиз. Қарабсизки йил давомида 10–15 млн. сўм даромад олиш имкони туғилади. Хонадонимиздаги мевали дарахтлар ва чорва моллари ҳам қўшимча даромад келтиради. Менинг фикримча, интилиб яшган инсон кам бўлмайди.



Ҳамроҳон ая Мадаминова келини билан.

Ҳамроҳон ая ва Абдували ака билан хайрлашиб вилоятга донғи кетган Олимжон ота Умаров билан кўришиш мақсадида қўшни Учқўрғон туманига йўл олдим. Яшиқобод қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Элатон маҳалласида Олимжон отанинг ўғли Файзулла кутиб олди. Менинг мақсадимни англагач, ота ҳузурига бошлади. Маълум бўлишича, ота бир-икки йилдан буён юра олмас эканлар. Уларнинг хоналарига кирар эканман, китобларга тўла жавон эътиборимни тортди. Кўришиб ҳол-аҳвол сўрашгач, ўзлари ҳақида шундай дедилар:

— Асли касбим энгил саноат инженери. Бир неча йил Марғилонда ипакчилик корхонасида ишладим, сўнг қишлоғимизда "Орзу-94" хусусий корхонасини ташкил қилиб, ат-

лас ишлаб чиқардик. Мана, ҳозир нафақаданман. 1997 йил лимоннинг фойдали хусусиятлари ҳақида ўқиб қолдим. Шундан сўнг лимончиликка ҳавасим ортиб, 24 туп лимон кўчатини харид қилиб, томорқамда парваришлай бошладим. Ҳовлимизнинг 12 сотихини иссиқхоналар ташкил қилади. Ҳозирда лимоннинг



Олимжон ҳожи ва ўғли Файзулла.

3 хил, апелсиннинг 2 хил, мандариннинг 3 хил навларини етиштириш билан машғулмиз. Аелим Манзура Умарова ва тўрт нафар фарзандимиз билан 2000 туп кўчат етиштириб, туманимиз аҳолисига етказиб бердик. Ўғлим Файзулла маҳалламизда шу соҳага қизиққанларга кўчатни текин тарқатиб, парваришлаш сир-саноатларини ўргатмоқда. Кўчатлар гулини чанглантириш учун 7 қути асалари парваришлаймиз. Бу ҳам қўшимча даромад. 2016 йилда ўртача 30 млн. сўм даромад олдик. Жорий йилда кўчатлар сонини 50 000 тага етказишни режа қилганмиз. Меҳнат қилган ҳеч қачон кам бўлмайди. Менинг оёқларим ўзимга бўйсунмайди, лекин ҳаракатдан тўхтамайман. Болаларимга ҳам меҳнат инсонни халқ ичида обрў-эътиборли қилади, деб уқтираман. Лекин тўрт мучаси соғ бўла туриб меҳнат қилмасдан кўча чангитиб юрганларни ёки турли хил идоралар олдида ёрдам сўраб турганларни кўрсам жаҳлим чиқиб кетади. «Барака — ҳаракатда, сен ҳам, меҳнат қил, томорқангга эътибор қарат, кам бўлмайсан», деб насиҳат қиламан.

Олимжон Ҳожи ота билан хайрлашар эканман, кўнглимда мана шундай меҳнатсевар отахонларимиз бор экан, ёшларимиз улар ортидан бориб, юртимиз равнақига ўз ҳиссаларини қўшиб боришаверади, деган ўй кечди.

Ўз мухбиримиз.

Жаннатмакон юртимизда азал-азалдан деҳқончиликнинг барча тармоқлари ривожланган. Мозийга назар ташлар эканмиз, номи оламга машҳур боғларимиз шуҳратига гувоҳ бўламиз. Қадимги боғдорчилигимизда қадриятлар мужжасам. Хонадонда ўғил фарзанд дунёга келганда 40 туп терак ёки ота томонидан мевали дарахт экиш, мерос сифатида кўчат экиш, етти ёшлигида боланинг ўз қўли билан кўчат ўтказиш каби анъаналаримиз ҳозиргача сақланиб қолган.

Тойлоқ туманининг Янгиравот қишлоғида истикомат қилувчи уста деҳқон Исроил акани ота хонадонидан топдик.

— Падарибузрукворим Исмоил ота уста боғбон бўлганлар. Ўша даврларда одамлар очарчиликдан ҳадиксираб яшашган. Тугилганимда менга атаб оқ марварид тут эканлар. Ҳозирда унинг мевасидан барча набира-эваралари бахраманд. Ёшлигим ўтган ҳовли мени ҳар доим ўзига тартади. Отамдан қолган дарахтлар мени ҳар доим эзгуликка чорлайди, — дейди Исроил ака — Биз зироатчилик, соҳибкорлик нони билан вояга етдик.

Исроил ака ўрта мактабни тугатиб, деҳқончиликка ёшлиқдан берган меҳри боис, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг агрономия факультетини тугатиб, сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг Самарқанд илмий-тажриба станциясига ишга киради. Сабзавот, полиз ва картошка уруғчилиги билан шуғулланади. 8 фарзандни тарбиялаб, олий маълумотли қилди. Уларнинг аксарияти қишлоқ хўжалиги соҳасида самарали меҳнат қилмоқда. Бараканинг бош бўғини — томорқадан фойдаланиши бевосита Исроил аканинг назоратида. Даромад ҳавас қилса арзиғулик.

Алишер — оилада олтинчи фарзанд. У Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг агрономия факультетини, кейин шу олий даргоҳнинг сабзавотчилик йўналишида магистратурасини тугатиб, сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти аспирантурасида таҳсил олди. "Картошка янги навларининг бирламчи уруғчилигини такомиллаштириш" мавзусида илмий изланишлар олиб бормоқда.

— Аввало, отамерос касбни эгаллаганимдан мамнунман, — дейди Алишер Исмоилов шукроналик билан. — Ишдан чарчаган кезларимда отам мен учун эккан 32 ёшли ёнғоқ дарахти соясидан бахраманд бўлиб, умрингдан бир кун қолганда ҳам кўчат эк, деган халқимиз ақидасининг нақадар пурмаънолигини ҳис этаман. Ҳозир Самарқанд илмий-тажриба станциясида ишлашим билан бир қаторда, сабзавот, полиз ва картошка уруғчилиги билан шуғулланаман. Ўтган йили 8 сотихли томорқадан 90 млн сўм даромад олдим.

Янгиравот — деҳқонлар қишлоғи. Уларнинг кўпчилиги қишлоқ хўжалик экинлари уруғчилиги билан шуғулланишади. Мамлакатимизнинг кўплаб ҳудудларида янгиравотлик уруғчилар томонидан яратилган уруғлардан экилади. Самарқанд илмий-тажриба станциясининг директори Шавкат Жабборовнинг қишлоқ аҳолисига бу борадаги ишларга амалий кўмакчи эканини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Унинг қимматли маслаҳатлари асосида яратилган тажриба — уруғчилар ҳамкорлигида юртимиз хонадонларига, деҳқон-фермер хўжаликларига жорий этилиб, пировардида мўл-кўлчиликка ҳисса қўшмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз аҳолисининг картошкага бўлган эҳтиёжини тўла қондириш, киши жон бошига 55-60 кг. дан картошка етиштириш, ҳосилдорликни ўртача 28-30 тоннадан ошириш борасида олиб борилаётган ишларнинг самараси ўлароқ 1991 йилда картошка майдони 10 минг гектардан 2016 йилда 90 минг гектар майдонга ортиб, ялпи ҳосил 351,2 тоннадан 2,5 млн тоннага етишида

ишлаб чиқарувчилар билан бир қаторда олимларимиз, жумладан, изланувчи-тадқиқотчи Алишер Исмоиловнинг ҳам ўзига яраша ҳиссаси бор.

Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтида яратилган янги эртапишар, Қувонч-16/56М, ўрта-эртапишар Бахро - 30, ўрта-эртапишар Ҳамкор - 1150 ва Бардошли - 3 навларнинг бирламчи уруғчилигини такомиллаштириш мақсадида Булунгур, Жомбой, Тойлоқ ва Ургут туманларида ўтказилган тажрибаларда юқори сифатли уруғликлар тайёрлаш — технологи-

ялар асосида мазкур навлар парваришланганда ўсув даври 72-75 кун, тугунаги овалсимон, сарғиш Қувонч - 16/56М навидан 36-38 т/га, вегетация даври 81-85 кунлик, тугунаги думалоқ, сариқ Бахро - 30 навидан 38-40 т/га, 82-86 кунлик, тугунаги овалсимон, сариқ Ҳамкор - 1150 навидан 39-40 т/га, 90-92 кунлик, тугунаги қизғиш рангли Бардошли - 3 навидан 40-42 т/га ҳосил олинди.

Изланувчи-тадқиқотчи ўтган қишлоқ хўжалиги йилида маҳаллий картошка уруғликларини кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшгани ҳолда Қувонч - 16/56М навидан 6,5 тонна, Бахро - 30 навидан 4 тонна, Ҳамкор - 1150 навидан 6 тонна ва Бардошли - 3 навидан 10 тонна сифатли тугунаклар тайёрлашга эришди.

Зеро, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш, ҳар бир қарич ердан, тўкинлик бешиги - томорқадан самарали фойдаланиш, асосийси илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш барака манбаидир.

Ўз мухбиримиз.

БОҒБОНЛАР СУЛОЛАСИ



ҲИМОЯЧИЛАР БОШ БЕКАТИ

Қишлоқ хўжалиги экинларидан салмоқли ва сифатли ҳосил етиштиришда ўсимликларни касаллик, зараркунанда ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш муҳим аҳамият касб этади.

"Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари давлат комиссияси (Давлат кимё комиссияси) фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 4 январдаги қарори асосида юқори самарали, экологик жиҳатдан хавфсиз ва кам захарли кимёвий ва биологик препаратларни қўллаш ҳисобига қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини сақлаб қолишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини амалга оширишда Давлат кимё комиссияси фаол иштирок этиб келяпти.

Маамлакатимиз ҳамда четда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги кимёвий воситаларини рўйхатдан ўтказиш, қўллаш ва қайта рўйхатдан ўтказишда илмий-техникавий ҳужжатлар дастлабки экспертизасини амалга ошириш, уларнинг биологик самарадорлиги, токсико-гигиеник ва экологик хоссаларини аниқлаш юзасидан синовлар ташкил этиш, "Ўзбекистон Республикасида пестицидлар ва бошқа агрокимёвий, агробиологик препаратлар ҳамда маъдан ўғитларни синаш ва рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги" Низом талаблари асосида амалга ошириш комиссиясининг асосий вазифалари бўлиб ҳисобланади.

Регистрант (буюртмачи) томонидан берилган буюртма дастлаб Давлат кимё комиссияси ишчи гуруҳи томонидан ўрганилади ва жорий йил синовлар иш режасига киритиш учун, келишув мақсадида, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига тақдим этилади. Синовлар республикамизнинг камида 2 та, турли тупроқ-иқлим шароитли вилоятларида Низом талабларига кўра ҳамда қонуннинг 12-моддасига асосан икки йилдан ошмаган муддатда қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқарилар маркази ҳамда республика Фанлар Академияси тизимидаги институтларда ўтказилиб, маълумотлар Давлат кимё комиссияси Ишчи гуруҳига киритилади. Гуруҳ мутахассислари томонидан улар умумлаштирилиб Давлат кимё комиссиясининг йиғилиш хулосасига кўра препаратлар

комиссия аъзоларининг учдан икки қисми томонидан овоз олганда рўйхатга киритиш учун таклиф этилади ҳамда 5 йиллик муддат билан рўйхатга киргизилади.

Рўйхатга олинганлик муддати ичида препаратни қўллаш билан боғлиқ бирон бир нохуш ҳолат қайд этилмаса, у кейинги муддатга қайта рўйхатга киритилади. Рўйхат ҳуқуқий, расмий ҳужжат ҳисобланиб, унда келтирилган препаратларни ишлатишдаги меъёр ва мезонларга хўжалик юритувчи барча субъектлар қатъий риоя этиши лозим.



Давлат кимё комиссияси томонидан тавсияномалар, услубий кўрсатмалар, рисодалар, қўлланмалар нашр этиб борилади. Хусусан, сўнгги йилларда "Мевали дарахтларнинг *Erwinia amylovora* (Burrill) бактерияси кўзгатадиган куйдирги касаллигини қайд қилиш, ҳисобга олиш ва аниқлаш бўйича услубий кўрсатмалар", "Интенсив боғларни замбуруғли касалликлардан ҳимоя қилиш", "Сабзавот ва полиз экинларини зараркунанда ҳамда касалликлардан ҳимоя қилиш юзасидан тавсиялар" чоп этилди ва фойдаланувчиларга етказиб берилди.

Маълумки, кейинги йилларда республикамиз худудига аввал маълум бўлмаган, аммо ўта хавfli зараркунанда ва касалликлардан қовун пашшаси, картошка ва помидор куяси, мевали дарахтлар бактерия куйдирги касаллиги кабилар кириб келиб, қишлоқ хўжалик ўсимликларига катта талофат етказётганлиги боис, Давлат Кимё комиссиясининг ташаббуси билан номлари келтирилган зараркунандалар ва касалликка қарши 10 дан

ортиқ турдаги, самарадорлиги юқори бўлган кимёвий ва биологик ҳимоя воситалари, феромон тунқичлар рўйхатга олинди ва қўллаш учун тавсия этилди.

Давлат кимё комиссияси аъзолари ва унинг ишчи гуруҳи мутахассислари республикамиз қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислохотларга ўз улушларини қўшиш, ўсимликларни ҳимоя қилиш тизимида фойдаланиш учун юқори самарали, атроф-муҳит ҳамда инсонлар соғлиғига нисбатан хавфсиз воситаларини излаб топиш, синаш ва рўйхатга киритиб, тавсия этиш борасида фаолият кўрсатиб бормоқда.

- 2016 йилги тайёрланган рўйхатдаги 418 та инсектоакарициднинг 17 таси, 122 та фунгициднинг 4 таси, 183 та гербициднинг 12 таси, 26 та дефолиант-десикантнинг 11 таси, ҳамда ўсимликларнинг ўсишини бошқарувчи препаратларнинг 73 тасидан 18 таси, 7 та микробиологик биопрепаратдан 4 таси олимларимиз томонидан яратилган бўлиб, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмоқда, — дейди Давлат кимё комиссияси Ишчи гуруҳи бош мутахассиси Дилмурод Нурмуҳаммедов. - Ўғтиборли томони шундаки, рўйхатга киритилган воситаларда ўзимизда тайёрланаётганларнинг салмоғи ортиб бормоқда. Уларнинг самарадорлиги хорижникидан қолишмасдан ва ҳатто афзаллик жиҳатлари кузатиламоқда. Биргина "AGROKIM" МЖЧ ишлаб чиқарилган "Альфа Нур" сус.к., микробиологик биопрепарати зарарли чигирткаларга нисбатан 0,5-1,0-1,5 л/га сарф-меъёрида ЎҲҚИТИнинг тажриба даласида 70,1-85,7% биологик самара кўрсатди ва фойдаланиш учун тавсия этилди.

Ҳозирги деҳқон-фермер, мутахассис ва ҳатто томорқачи — ишлатиш учун ўсимликларни ҳимоя қилиш, руҳсат этилган препаратлар хусусиятларини мукамал билиши шарт. Шундагина қишлоқ хўжалиги экинлари касаллик, зараркунанда ва бегона ўтларига қарши кураш ишларига барҳам берилгани ҳолда мўл ва сифатли ҳосил асраб қолинади.

Файзулло МИРЗАЕВ

ОДАМЛАР ОРАСИГА КИРИБ БОРАЙЛИК

Юртимиздаги етакчи суғурта компанияларидан саналган "Ўзагросуғурта" акциядорлик жамияти универсал суғурта ташкилотларидан бири бўлиб, ўз миждошларига 100 дан ортиқ суғурта хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Жамият зиммасидаги масъулиятлар қаторида қулай ва эҳтиёжларни қондира оладиган суғурта хизматларини тақдим этиш орқали жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг фаровонлигини ошириш, жумладан, мамлакатимизнинг қишлоқ ҳудудларида сифатли суғурта ҳимоясини таъминлаш, агросаноат соҳасининг ривожланишига қўмаклашиш масалалари алоҳида қайд этилган. Мухбиримиз ана шуларни ҳисобга олган ҳолда акциядорлик жамиятининг Жиззах вилоят филиали бошлиғи Олим Умрзоқовга бир неча саволлар билан муурожаат қилди.

– Даставвал, жамоангиз томонидан ўтган 2016 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот бериб ўтсангиз.

– Жамоамиз ҳукуматимиз томонидан 2016 йил учун белгиланган устувор вазибаларни бажариш, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган топшириқлар, шунингдек, асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва мақсадли параметрларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича қарийб барча йўналишларда эътирофга лойиқ ютуқларни қўлга киритди. Жумладан, кўрсатилган хизматлар ҳажмини янада ошириш борасида амалга оширилган кенг қамровли ишлар натижасида ҳисобот даврида 96 минг 384 нафар миждош билан шартнома тузилди ва уларнинг аксарияти суғурта ҳимоясига олинди. Олиб борилган ишлар якунига кўра, энг асосий кўрсаткич – суғурта мукофотлари тушуми режаси 123,5 фоизга уддаланди. Бу белгиланган режадан 1 миллиард сўм ортиқ, демакдир. Ҳамкорларимизга 2 миллиард 600 миллион сўмдан ортиқ суғурта товонлари тўлаб берилди. Бундай ижобий кўрсаткичлар жамоамиз аъзоларининг уюшқоқлиги, уларнинг

миждошлар билан аввалдан мавжуд суғурта турлари ва янги жорий этилганлари ҳақида олиб борган кенг қамровли тушунтириш ва таърибот ишлари туфайли қўлга киритилди, десам муболаға қилмаган бўламан.

– "Ўзагросуғурта" АЖ ўз номига яраша аграр соҳа, жумладан, қишлоқ хўжалиги субъектлари билан ҳам мустаҳкам алоқалар ўрнатиши зарур бўлади, шундаймасми?



– Албатта, биз бу борада ҳам маълум ишларни амалга оширишга ҳаракат қиляпмиз. Бугунги кунда вилоят ҳудудидаги 6 минг 800 тадан ортиқ фермер хўжалиқларига суғурта хизмати кўрсатамиз. Ўтган йили соҳа вакиллари билан тузилган шартномалар асосида 605 миллион сўмлик суғурта мукофоти тушумига эришилди. Бурноғи йил ҳисобига эса, пахта ва ғалла камҳосиллиги суғуртаси бўйича 217 та фермерга салкам 850 миллион сўмлик суғурта товони тўлаб берилди. Шунингдек, лизингга берилган қишлоқ хўжалиги техникалари, экинзорлар, чорва моллари, қишлоқ тадбиркорлари мол-мулкни суғуртага тортиш борасида олиб бораётган ишларимиз ҳам ўз самарасини бермоқда. Бироқ бу соҳада ҳали амалга оширадиган ишларимиз жуда кўп. Чунончи, юртимизда аграр соҳанинг ривожланиши,

шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, маҳаллий ва хорижий истеъмолчиларга етказиб бериш суръатлари шиддат билан ўсмоқда. Президентимиз ва ҳукуматимизнинг ташаббуси ва қўмағи билан аграр соҳадаги тадбиркорлик ривожланаётир. Бу эса биздан фаол бўлиш, замондан орқада қолмаслик, суғурта бозоридаги ўрнимизни янада мустаҳкамлашни тақозо қилади.

– Суҳбатимизни долзарб йўналишга бурдингиз. Маълумки, бизда кўпчилик юртдошларимиз суғурталаш ва суғурта бозори ҳақида етарлича маълумот ва тушунчаларга эга эмас. Шунинг учун ҳам аксарият одамларимиз бу соҳага унчалик қизиқиш билдиришмайди. Бундай ҳолатни бартараф қилиш, суғуртани ҳаётимиз ва фаолиятимизнинг зарурий, узлуксиз бўғинига айлантириш учун нималар қилиш керак, деган фикрдасиз?

– Жамоамизда 20 нафардан ортиқ малакали мутахассис фаолият кўрсатади. Энг аввало ана шу ходимларимиз мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев бот-бот такрорлаб келаётганидек, одамлар орасига кириб бориши керак. Соҳамиз вакиллари мулкрий кўринишидан қатъи назар, ҳар бир меҳнат жамоаси, керак бўлса, ҳар бир хонадон ва фуқаро билан алоқа ўрнатиши зарур. Мутахассисларимиз оддий аҳолининг "Суғурта нима, унинг афзалликлари қаерда, ростдан ҳам фойдаси борми?" деган саволларига аниқ-лўнда, халқона тилда жавоб беришга тайёр бўлишлари лозим. Ана шундагина ишимизда барака бўлиб, соҳамиз ривож топади, Энг муҳими, халқ ишончини оқлай оламиз

– Суҳбатингиз учун раҳмат!

**Худойберди КАРИМОВ
суҳбатлашди.**

Суратда: "Ўзагросуғурта" АЖ Жиззах вилоят филиали мутахассислари (ўнгдан чапга) Алишер Орзиқулов, Рустам Ачилов ва миждош Олим Кенжаевлар янги суғурта турини муҳокама қилишмоқда.

Муаллиф олган сурат.

АҲОЛИГА КЎМАК ВА ҚУЛАЙЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасинининг 2016 йил 28 январдаги йиғилиш баёнига асосан, "Ўзпахтасаноат" акциядорлик жамияти тизимидаги омухта ем, пахта кунжараси ва шелухасини сотишга ихтисослашган масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Озуқа-ем таъминоти" корхоналари ташкил этилди.

Уларнинг зиммасига Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси савдоларидан амалдаги тартиблар асосида омухта ем, пахта шроти ва пахта чигити шелухасини сотиб олиш ҳамда ҳудудлардаги фермер хўжаликлари, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиги эгалари тасарруфидаги чорва молларининг бош сонини ҳисобга олган ҳолда тақсимлаб, тизимли етказиб бериш вазифалари юклатилган.

— Корхонамиз янги ташкил этилгани ҳамда барқарор фаолият кўрсатишимиз учун маблагга бўлган эҳтиёжимиздан келиб чиқиб, "Агробанк" АТБнинг Тошкент вилояти минтақавий филиалидан 3 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредит олдик, — дейди "Тошкент озуқа-ем таъминоти" масъулияти чекланган жамияти директори Дилшод Маннонов. — 2016 йилнинг февраль ойидан бошлаб, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг барча ҳудудларида махсус ем шохобчалари ташкил этилди.

Бугунги кунда жамият таркибида 16 та филиал ва 137 та махсус шохобча фаолият юритиб келмоқда. Ўтган йилда жами 198 та янги иш ўрни барпо этилган бўлиб, ишга қабул қилинганларнинг 28 нафари аёл ва 25 нафари коллеж битирувчидир.

"Ўзпахтаёғ" Акциядорлик жамияти ва "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси томонидан Тошкент вилояти учун Республика товар-хомашё биржаси орқали сотилиши кўзланган пахта шроти, пахта чигити шелухаси ва омухта ем маҳсулотларининг корхоналараро миқдори тўғрисидаги жадвали ҳар ойнинг 5 санасигача бериб борилади.

Ушбу маълумотларда кўрсатилган ем маҳсулотлари миқдори вилоятдаги барча шартли мол бош сонига

тенг тақсимланиб, ойма-ой туман ва шаҳарлар кесимида биржа савдоларидан харид қилинадиган озуқа-ем маҳсулотлари тақсимоти ишлаб чиқилади ва вилоят ҳокимлиги томонидан тасдиқланади. Мазкур тақсимотда I ойда I шартли мол бош сонига тўғри келадиган миқдор белгилаб берилади.

"Тошкент озуқа-ем таъминоти" МЧЖ тақсимотга асосан, филиаллар кесимида ем маҳсулотларининг харид қилиниши бўйича кунлик жадвал ишлаб чиқиб, Республика товар-хомашё биржасига тақдим этиди ва брокерлар орқали ушбу жадвалга кўра харид қилинади.

Биржадан харид қилинган ем маҳсулотлар белгиланган 20% устама ҳақ ҳисобидан савдо шохобчасига қатъий тартибга кўра бириктирилган истеъмолчиларга рўйхат асосида етказиб берилмоқда. Бунда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиги эгалари тасарруфидаги чорва моллари сони тўғрисида маҳалла фуқаролар йиғинлари ва ҳудуд ветеринария хизмати маълумотлари, фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари тасарруфидаги чорва моллари сони тўғрисида статистика маълумотлари асос қилиб олинади.

Вилоят статистика бошқармаси томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, бугунги кунда ҳудудда 776386 шартли мол бош сони мавжуд.

Шохобчаларда белгиланган нархларда сотилилаётган ем маҳсулотлари билан бирга, аҳоли талабини қондириш мақсадида дағал хашак сотиш ҳам йўлга қўйилган. Маҳсулотларни узоқ тоғли ҳудудларга етказиб бериш мақсадида 3 та КАМАЗ русумли автотранспорт воситаси кўчма дўкон сифатида аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда.

Ем маҳсулотларини етказиб бериш бўйича вилоятимиздаги авто-

транспорт корхоналари орасида танлов ўтказилди ва улар билан белгиланган тартибда шартномалар тузилиб, махсус рухсатномалар берилган.

Истеъмолчиларга қулайликлар яратиш мақсадида шохобчалар барча керакли анжомлар, савдо қилиш терминаллари билан тўлиқ таъминланган бўлиб, ўтган йилда жамиятимиз томонидан жами 42 минг тоннага яқин, шундан 20378 тонна пахта шроти, 18742 тонна шелуха ва 2820 тонна омухта ем маҳсулотлари истеъмолчиларга етказиб берилди.

Республикаимизда чорвачиликни янада ривожлантириш, наслчилик ишларини яхшилаш, сервис хизматларини кўрсатиш сифатини ошириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, ички истеъмол бозорига арзон ва сифатли чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш устувор йўналишлардан бири эканлигини ҳисобга олган ҳолда, жамиятимизда сигирларни сунъий уруғлантириш бўйича хизмат кўрсатувчи 15 та пункт ташкил этилди. Барча пунктларда малакали техник-осеменаторлар шартнома асосида фаолият кўрсатмоқда. Ишга қабул қилинган яна 2 нафар коллеж битирувчиси Тошкент аграр университетида малака ошириш бўйича қисқа муддатли ўқишга сафарбар этилди.

2016 йилда вилоятда жами 25000 бошдан зиёд сигир сунъий уруғлантирилган бўлса, 2017 йилда ушбу хизмат ҳажмини кўпайтириш мақсадида қўшимча яна 15 та пункт ташкил этилиши режалаштирилган. Яъни жорий йилда шу орқали 15 та янги иш ўрни барпо этилади.

Шунингдек, иш режамизга кўра, 2017 йил давомида 36000 бош сигирни сунъий уруғлантиришга эришишни ўз олдимизга мақсад қилганмиз.

Бундан ташқари, жамиятимиз томонидан аҳолини парранда гўшти билан таъминлаш мақсадида, 20 минг бош парранда боқишга мўлжалланган цех барпо этиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Мазкур цех жорий йилнинг 2-чорагида тўлиқ ишга туширилиши кўзда тутилган бўлиб, пировардида қўшимча яна 14 та янги иш ўрни яратишга эришилади.

Халқимиз хизматига бел боғлаган фидойи ҳамюртларимизнинг келгуси ишларига муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Яшнарбек ҲУСАНОВ.

ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИ ЯНАДА ЧАРОҒОН БЎЛАДИ

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида қўлга киритилаётган улкан ютуқлар, таҳсинга сазовор бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, элимиз ижтимоий ҳаётининг кун сайин юксалиб бориши ёқилғи-энергетика ресурсларига бўлган талабнинг ортишига олиб келиши, шубҳасиз. Шундай экан, бу борада Толимаржон Иссиқлик электр станциясида босқичма-босқич амалга оширилаётган модернизация жараёнлари, ишга солинаётган мавжуд имкониятлар, ўз самарасини бера бошлаган янгиланишлар хусусида сўз юритишни лозим топдик.

Мустақиллик йилларида қурилиши тугалланган "Толимаржон ИЭС" да 1-сонли энергоблок 2004 йилнинг 18 ноябрида муваффақиятли ишга туширилиши натижасида, 800 мегаватт қувватга эга, Ўзбекистонда, қолаверса, Марказий Осиёда ягона — энг катта энергоблок ҳисобланган йирик корхона фаолият кўрсата бошлади. Қашқадарё вилоятининг Нишон туманида жойлашган мазкур станция айни пайтда мамлакатимизнинг жанубий ўлкалари — Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд ва Бухоро вилоятларига 220 ва 500 кВ кучланиш тармоқлари орқали электр энергияси етказиб бермоқда.

— Корхонамиз ҳудудлар инфратузилмасини тубдан яхшилашда, иқтисодий тармоқларининг самарали ривожланишида муҳим омил бўлаётгани, — дейди "Толимаржон ИЭС" унитар корхонасининг директори Абдусами Нормўминов. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 14 июлдаги "Толимаржон ИЭСни ҳар бирининг қуввати 450 МВт дан бўлган иккита буг-газ қурилмаларини қуриш ҳисобига кенгайтириш" инвестицион лойиҳасини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, қатор ишлар амалга оширилди.

Янги, тежамкор технологияларга асосланган, замонавий ушбу лойиҳани амалга оширишда маҳаллий имкониятлар билан бир қаторда кредит шартномалари асосида Тикланиш тараққиёт жамғармаси томонидан 240,86 млн. доллар, Осиё Тараққиёт Банкидан 327,71 млн. доллар, Япониянинг ЈСА молиявий агентлигидан 293, 21 млн. доллар миқдоридан чет эл инвестициялари ҳам жалб этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 7 мартдаги "Толимаржон ИЭС"ни ҳар бирининг қуввати 450 мегаваттдан бўлган иккита буг-газ қурилмаларини қуриш ҳисобига кенгайтириш" инвестицион лойиҳасини амалга оширишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар" тўғрисидаги қарорига кўра, "Hyundai Engineering and Construction and Daewoo International Corporation" хорижий компаниялар консорциуми билан умумий қиймати 861 782 321 АҚШ доллари эквивалентида бўлган шартнома имзоланди.

2013 йилда бошланган қурилиш-монтаж ишларининг самараси ўлароқ, 2016 йилнинг август ойига келиб 1-сонли, 2016 йил декабрь ойида 2-сонли буг-газ қурилмасининг ишга туширилиши ва ўз навбатида қўшимча ўрнатилган қуввати 900 мегаваттни ташкил этиши натижасида станциянинг умумий қуввати айни вақтда 1700 МВтга етгани муболағасиз эътиборга молик.

Корхонамизда модернизациялаш юзасидан тизимли ишларнинг муваффақиятли амалга оширилгани ҳисобида 2017 йилнинг 1 чорагида 3166,7 млн. кВт.соат электр энергияси ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб

беришдек шарафли вазифани бажаришга эришдик. Ўз навбатида корхонада янги ишга туширилган қурилмалар негизида 125 та янги иш ўрни яратилганини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Лойиҳани амалга ошириш жараёнида 750 нафардан кўпроқ чет эллик (Жанубий Корея, Япония, Филиппин, Ҳиндистон, Бангладеш, Ливан, Украина ва Россия) мутахассислар, 2000 дан ошiq маҳаллий мутахассис ва ишчилар қатнашди.

Асосий технологик жиҳозлар Япониянинг "Mitsubishi Heavy Industries" ва Fuji Electric Systems, Жанубий Кореянинг "Doosan" ва "Hyosung", Хитой давлатининг "ABB" компаниялари томонидан етказиб берилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги "2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни қайта шакллантириш, модернизациялаш ва диверсификациялашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги" қарорига биноан қўшимча яна 2 та 450 МВт қувватга эга буг-газ қурилмаси қурилиши билан кенгайтириш" кўзда тутилган.

Келгусида республикамиз жанубий вилоятлари ишлаб чиқариш саноатининг барқарор ривожланишини ҳамда Сурхондарё, Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро ва Қарши магистрал каналдаги 7 та насос станциялари каскадининг электр энергиясига бўлган талабини узлуксиз ва ишончли таъминлашга эришиш биринчи галдаги вазифамиз ҳисобланади.



Лойиҳа амалга оширилгандан кейин станциямизнинг ишлаб чиқариш қуввати 2600 МВт ни ташкил қилиши кўзда тутилган. Йиллик электр энергияси ишлаб чиқаришнинг 18 миллиард 700 миллион киловатт-соатга етказилиши — ҳозиргига қараганда ишлаб чиқаришнинг 3,2 баравар кўп ёки 22 % га ортишидан далолат беради. Бу саъй-ҳаракатлар, пировардида ўнлаб янги иш ўринлари яратилиши билан бир қаторда, йилига 1 миллиард кубометрдан ортиқ табиий газ ёқилғиси тежаб қолишга эришилади.

Энергетика тизимига барқарор равишда электр энергияси етказиб бераётган "Толимаржон ИЭС" унитар корхонасининг ишлаб чиқариш қуввати яқин йилларда яна бир неча баробар оширилиши ёқилғи-солиштирма сарфи меъёрини ва ташқи атроф-муҳитга етказиладиган зарар миқдорини камайтиришга эришиши билан бирга, келгусида хорижий мамлакатларга электр энергиясини экспорт қилиш, яъни мамлакатимиз энерготизимининг экспорт салоҳиятини янада оширишга хизмат қилиши айниқса, қувонарлидир.

Д. ҲУСАНОВА.

ЙИЛҚИЧИЛИКНИНГ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДА ТУТГАН ҶОНИ

От инсоннинг ҳамроҳи, мадаккори. Халқимиз «От йигитнинг қаноти», деб бежиз айтмаган.

Тарихдан маълумки, одамларнинг оғирини енгил, мушкулени осон қилишда отнинг алоҳида ўрни бор. Дарҳақиқат, от ҳамisha ҳаётда одамнинг таянчи ҳисобланган. От билан ер ҳайдалган, дон экиб, юк ташилган, зироат янчилган. Чўпонлар қўй ва подаларини боқишда, савдогарлар мол-мулкени ташишда отдан фойдаланишган. Илгари ғарбдан шарққача қанчадан-қанча йўллар отда босиб ўтилган.

Отларнинг меҳнатсеварлиги, инсонга вафодорлиги ва ҳамдардлиги ҳақида бекорга китоблар, асарлар, турли хил мақол ва маталлар, сон саноксиз эртақлар тўқилган эмас. Аслида, дунё халқлари ижоди отлар тасвири туширилган қоя тошлардан бошланган. Ниҳоят асарларда, адабиётларда, ҳамма ерда отнинг ўрни бор.

Қадимда туркийлар қуёш гардунини кўтариб юривчи фаришта алуc номли от суратида деб билганлар. Ҳатто, дулборжин имлосидаги қадимги туркий битиктошларда, мисол учун, «Кўл тегин», яъни шахзода Кўл Тегин битик тошида ҳам от ҳақида маълумотлар бор.



Ўзбекистонда қадимдан ва ҳозир ҳам от шайдолари, билимдонлари ва ҳомийлари бўлганлигидан фахрланамиз. Бобомиз Амир Темур тинчлик мақсадида дунё кезганда оти билан ном қозонган. Қадимий солномаларда соҳибқирон бобомизнинг болаликдан отни жуда яхши кўрганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган.

Отларда эшитиш, кўриш, ҳид ва таъм билиш хусусиятлари яхши ривожланган. Кўп овозлар ичида ўз эгасининг товушини ажратади. Маъносини тушунади. Бир неча юз метрдаги ёввойи ҳайвонни ҳидидан сезади, ўзининг ётадиган жойини, ўз эгасини ҳидлаб топа олади, 500 метргача масофадаги нарсаларни бемалол кўра олади, шу билан бирга кечаси ҳам кўриш қобилияти яхши.

Отлар ер қимирлашини, сел келишини 2-3 соат олдин сезади. Ҳеч бир ҳайвон йўққи, отдек суза олмайди.

Халқ хўжалиги талабларига мувофиқ бу тармоқни қуйидаги асосий йўналишларда ривожлантириш мақсадга мувофиқ деб уйлаймиз:

1. Ҳозирги давр ишлаб чиқариш шароитларида хўжалик доирасида яқин масофаларга юк ташиш, кичик-кичик участкаларда ер ҳайдаш, боғ-ток ораларига, томорқаларга ишлов бериш, фермаларда ем-ҳашак тарқатиш, мол боқиш, гўнг чиқариш, далачилик ва ўрмон хўжаликларидagi ишларни от кучи билан бажариш машина

билан бажаришга қараганда иқтисодий жиҳатдан анча арзонга тушади.

2. Маҳсулот олишда: от гўшtidан тайёрланган тансиқ таомлар (қазни, бўйин тожиси, тўғри ичагидан қарта) халқимизнинг сеvimли овқати ҳисобланади. От гўштининг ёғи организмда тез эрийди. Таркиби тўйинган ва тўйинмаган ёғ кислоталаридан ташкил топган.

Ёғ кислоталари организмда холестерин моддасининг чўкиб қолишига йўл қўймайди.

Бия сути — кимёвий таркиби бўйича она сутига яқин туради. Унинг ёғи махсус бактерицид хусусиятига эга. Бия сутидан қимиз тайёрланади, унинг шифобахшлигини тиббиёт фани илмий асослаб берган.

Қимиз сил касаллигини даволашда, ошқозон-ичак ва асаб системаси фаолиятини яхшилашда энг муҳим дори ҳисобланади. Ҳозирги кунда етим ва қаровсиз қолган чақалоқларни овқатлантиришда бия сутидан порошок қилиниб фойдаланилмоқда.

3. От спорти — чиройли ўйин бўлиб, чавандоз билан отнинг узоқ вақтлар машқ қилишлари натижасида амалга ошириладиган ҳақиқий санъатдир.

Ўзбек халқи қадимдан от спорти шуғулланган, шунинг учун ҳам Республикада биронта анъанавий халқ сайли ёки тантанаси миллий от ўйинларисиз ўтмайди.

От ўйини инсондаги матонатни ва жасоратни кучайтиради. У билан шуғулланган инсон иродаси юксак бўлиб шаклланади.

4. От саяҳатлари — бу инсонга эстетик роҳат бағишлайдиган, организмга ижобий таъсир кўрсатадиган мускуллар (мушаклар) нинг асаб системасини мустаҳкамлайдиган оммавий тадбирдир. Отда юриш одамларнинг соғлигини мустаҳкамлайди. Кўп касалликларнинг олдини олишда, даволашда муҳим рол ўйнайди. Масалан: аденума, ошқозон-ичак, ўт қоғи, юрак, қон босими, артероз касалликларининг олдини олишда ва соғломлаштиришда. Беморни отга миндириб даволаш учун от устида мувозанатни сақлашга алоҳида эътибор қаратмоқ керак.

5. Саноат учун биологик ва қўшимча маҳсулотлар тайёрлашда отларнинг қонидан медицинада муҳим аҳамиятга эга бўлган шифобахш, касалликлар (қоқшол, қорасон, ботулизм, ич кетиш ва бошқалар)нинг олдини олувчи препаратлар тайёрланади. Махсус аппаратлар ёрдамида отлардан ошқозон шираси олиниб, ёш ҳайвонларни даволашда ишлатилади.

Бўғоз бия қонидан тайёрланган қон зардоби (СЖК), бўғоз биянинг қони (КЖК) чорва моллари, серпуштлигини оширишда фойдаланилса, от гўнги ҳам қимматли органик ўғит сифатида жуда кенг қўлланилади.

6. Мавжуд от зотларини такомиллаштириш, янги гуруҳ ва зотларни яратиш. Отларни экспорт қилиш, яъни жаҳон бозорига сотиш хўжалик учунгина эмас, мамлакатимиз учун ҳам валюта ишлаш имконини беради.

Шуни айтиш керакки, от минганлар ташвишу-ғамдан йироқ, соғлом ва узоқ яшайди. Бу ҳаётий тажрибаларда синалган ҳақиқатдир. Буни англаб етган ривожланган мамлакатларнинг фуқаролари қўш-қўш автоулов, ҳатто, шахсий самолётга эга бўла туриб ҳам, оила аъзолари билан от миниб сайр қилишади. Эътибор беринг: техника ва от, от ва техника ёнма-ён, бир-бирига уйғун. Бири иккинчисини сиқиб чиқармайди, шу боис техника ривожланган мамлакатларда йилқичиликка эътибор катта.

Юқорида келтирилган жиҳатларни ўзида мужассам этган от ноёб жонзотдир.

Д.ХОЛМИРЗАЕВ, профессор.

ҚОНУН ФЕРМЕРНИ ҚЎЛЛАЙДИ

— Айтингни, фермер хўжалиги томонидан ижарага олинган ер майдонини ихтиёрийлик асосида камайтирса бўладими? Агар мумкин бўлса, унинг тартиби қандай?

— Фермер хўжалиги фаолияти давомида эҳтиёжи мавжуд бўлган тақдирда ижарага олинган ер майдони ҳажмини ўзгартириши (кўпайтириши ёки камайтириши) мумкин. Ер-сув ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш ва фермер хўжалигининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида ер майдони ҳажмини ўзгартириш масаласига татбиқан қонун ҳужжатларида фермер хўжалигининг ер майдонини мақбуллаштириш атамаси қўлланилади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ, фермер хўжалигининг ер майдонини мақбуллаштириш икки хил усулда, яъни ихтиёрийлик асосида ёхуд маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ташаббуси билан амалга оширилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 январдаги 22-сон қарори билан тасдиқланган “Фермер хўжалигининг ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 3-бандига мувофиқ, фермер хўжалиги ер майдонини камайтиришни назарда тутган ҳолда, ихтиёрийлик асосида уни мақбуллаштириш фермер хўжалиги раҳбарининг туман (шаҳар) ҳокимига берилган аризаси асосида амалга оширилади.

Ўзининг ер майдонини (кенгайтирган ҳолда) камайтириш ёки кенгайтириш мақсадида уни ихтиёрийлик асосида мақбуллаштиришни хоҳловчи фермер хўжалиги давлат мулки бўлган ер майдонларини узоқ муддатли ижарага бериш танловида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қатнашиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15 декабрдаги 362-сон “Фермер хўжаликларини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 2016 йил 1 январдан бошлаб мамлакатимизда фермер хўжаликларини юритиш учун ер участкаларини бериш ва уларни олиб қўйиш ҳудудий фермерлар кенгашлари ва ер участкалари бериш (реализация қилиш) комиссияларининг хулосасига кўра, халқ депутатлари туман Кенгашларининг қарори асосида амалга ошириладиган тартиб жорий қилинди.

Мазкур тартибдан келиб чиқиб, туман (шаҳар) ҳокими ариза тушгандан сўнг, уч кун муддатда ҳужжатларни туман фермерлар кенгашига тақдим этади. Туман фермерлар кенгаши икки кун мобайнида аризаларни кўриб чиқади ва уларни кўриб чиқиш натижалари юзасидан хулоса чиқаради. Туман фермерлар кенгаши хулосаси аризалар билан биргаликда, тегишли хулосани олиш учун ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман (шаҳар) комиссиясига юборилади.

Комиссия тақдим этилган ҳужжатлар асосида фермер хўжалиги ер майдонини ихтиёрийлик асосида мақбуллаштириш масаласини бир ҳафта муддатда кўриб чиқади. Бунда Комиссия фермер хўжалигига биркитилган ер майдонини яхлит ҳолда кўриб чиқади.

Кўриб чиқиш натижалари бўйича Комиссия қарор қабул қилади, ушбу қарор протокол билан расмийлаштирилади ва барча ҳужжатлар, шу жумладан, туман фермерлар кенгашининг қарори билан биргаликда кўриб чиқиш учун халқ депутатлари туман Кенгашига юборилади.

Халқ депутатлари туман Кенгаши энг яқиндаги сессияда Комиссия томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади. Ушбу қарор туман (шаҳар) ҳокимига юборилади.

Туман (шаҳар) ҳокими халқ депутатлари туман Кенгашининг ижобий қарори асосида бир ҳафта муддатда ихтиёрийлик асосида фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш тўғрисида қарор қабул қилади. Бунда бўшаб қолган ер майдони олиб қўйилади ва келгусида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда талабгорларга танлов асосида берилади.

Шуни унутмаслик керакки, ихтиёрийлик асосида амалга оширилган мақбуллаштиришдан сўнг, фермер хўжалигида қолган ер майдони “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини назарда тутилган минимал миқдордан кам бўлмаслиги керак. Яъни деҳқончилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжалиги учун ижарага бериладиган ер майдонининг энг кам ўлчами пахтачилик ва ғаллачилик йўналиши учун – камида 30 гектар, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинлар етиштириш учун – камида 5 гектар бўлади. Фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштиришда ер майдони контурлари яхлитлигининг бузилишига йўл қўйилмайди.

Туман (шаҳар) ҳокимининг ихтиёрийлик асосида фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш тўғрисидаги қарори ер майдонларини бериш (реализация қилиш) вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси) комиссиясига кўриб чиқиш учун юборилади, Комиссия ўн кун мобайнида туман (шаҳар) ҳокимининг қарорини тасдиқлайди ёки уни рад этиш тўғрисида асосланган қарор чиқаради.

Туман (шаҳар) ҳокимининг фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш тўғрисидаги қарори ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси) комиссияси томонидан тасдиқлангандан сўнг, туман (шаҳар) ҳокими ва фермер хўжалиги раҳбари ўртасида тузилган ер майдонини узоқ муддатли ижарага бериш шартномасига ўзгартириш киритилиши белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

Дилмурод ҲУСАИНОВ,
Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги юридик бошқармасининг етакчи мутахассиси.

ДЕҲҚОН МАДАДКОРЛАРИ

Сувни ернинг қон томирига менгзашади. Ҳақиқатдан ҳам сув бор жойда ободлик ва фаровонлик ҳукм суради. Шунинг учун ҳам инсонлар асрлар давомида ердан мўл ҳосил олиш мақсадида каналлар ва зовурлар қазиб, сув келтиришган. Ушбу соҳа вакиллари эса “Сув келтирган элда азиз”, деб ҳурмат қилишган. Бу анъана ҳозирги кунда ҳам давом этиб келмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида Давлат дастури асосида амалга оширилган тадбирлар натижасида Фарғона вилоятининг 108 минг гектар экин майдонининг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Ўртача ва кучли шўрланган майдонлар 22 минг гектарга, ер ости сув сатҳи икки метргача бўлган майдонлар 23 минг гектарга камайди. 18 минг 200 гектар майдоннинг сув таъминоти яхшиланишига эришилди. Қуворнарлиси, лойиҳалар амалга оширилган ҳудудлардаги фермер хўжаликларида пахта ҳосилдорлиги 2—3 центнерга, бошоқли дон экинлари ҳосилдорлиги ўртача 3—4 центнерга оширилишига муваффақ бўлинди.

Албатта, ушбу кенг кўламли ишларни ишларни амалга оширишда “Сирдарё-Сўх” ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига қарашли Давсувмахсуспудрат давлат унитар корхоналари ишчи-ходимларининг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда.

— Бизнинг корхонамиз Учқўприк, Олтиариқ, Риштон ва Ёзёвон туманларида жойлашган 5000 гектар экин майдонига хизмат кўрсатади. — дейди “Боғдод давсувмахсуспудрат” давлат унитар корхонаси раҳбари Хасанбой Кенжаев. — Аҳоли, деҳқон ва фермер хўжаликларига сувнинг ўз вақтида, йўқотишларсиз етиб боришини таъминлаш бизнинг асосий вазифамиз. Жорий йилги кузги-қишки мавсумда 500 км. масофада 9 млрд. сўмлик механик-тозалов ишлари амал-

га оширилди, қилинди. Ҳудуддаги 1 та насос станцияси реконструкция, 1 та бетон каналнинг 2 км. масофасида бетон ётқизиш ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилди.



— Жамоамизда 81 нафар ишчи-ходимлар бир-бирлари билан аҳил ва иноқ меҳнат қилишади — дейди корхона бош ҳисобчиси Бехзоджон Усмонов. — Албатта, белгиланган вазифаларни ўз вақтида амалга оширишда замонавий техникаларнинг ўрни бекиёс. 18 та замонавий экскаватор, 2 та бульдозер, 16 та яшаш учун барча шароитлар мужассам бўлган вагонлар, ва 2 та автокран билан 2 та самосвал ишчиларимизнинг самарали иш олиб боришларида камарбаста бўлмоқда. Техникаларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида 1 та ёқилғи ташиш ва 1 та техникаларга хизмат кўрсативчи “Исузу” русумли автоулов доимо хизматда. Жорий йилда 700 километр масофада механик тозалаш ишларини олиб бориш режалаштирилган. Корхона ишчилари устозшогирд анъанасига содиқ қолган ҳолда кўп йиллик тажрибага

эга бўлган “Шухрат” медали соҳиби экскаваторчи Меҳмонали Остонақулов ва Алижон Абдуалиевлар билан тажриба алмашиб боришади. Бу эса ўз ўрнида ёшларда касбга садоқат ва меҳр туйғусини шакллантирмоқда.

— Корхонамизда ишчиларимиз учун барча қулайликлар яратилган. — дейди корхона бош механиги Аҳроржон Тожибоев. 0,02 гектар иссиқхонада турли хил кўкатлар, помидор ва бодринг етиштирамиз, 0,5 гектар майдонга интенсив боғ барпо қилганмиз. Шунингдек, ҳар куни икки маҳал иссиқ овқат ташкил қилинган. 5 нафар малакали мутахассисларимиз техникаларга хизмат кўрсатиш устахонамизда меҳнат қилишади. 2012 йил техникаларнинг ёқилғи насосларини таъмирловчи дастгоҳ ўрнатилди. У тўлиқ компютерлаштирилган бўлиб, ҳозирги кунда водий вилоятлари ичида фақат бизнинг корхонамизга мавжуд. Ёш мутахассисимиз Элмурод Хамдамов қисқа вақт мобайнида бу

дастгоҳ сирларини пухта ўзлаштириб, нафақат корхонамиз ишларини, балки қўшни тумандаги ҳамкасбларимизнинг ҳам оғирини енгил қилиб келмоқда.

Корхонанинг муваффақиятларида раҳбар Хасанбой Кенжаевнинг ҳиссаси катта. 2010 йил Андижон Давлат қишлоқ хўжалик институтини тамомлаб, корхонада иш бошлаган бўлсада, ўз касбига бўлган меҳри уни ҳамкасблари орасида иззат ва ҳурматга сазовор қилди. Ҳозирги кунда корхона раҳбари сифатида фаолият юритиб, ишчилар ишончига эришди. Ҳа, “Меҳнатидан элни баҳраманд қилган одам — қадр топади” деб шунга айтсалар керак-да.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: (чандан) ёш уста Элмурод Хамдамов, Бехзоджон Усмонов ва Муҳаммадқодир Алиқуловлар замонавий дастгоҳнинг имкониятлари ҳақида суҳбатлашишмоқда.

ХОРИЖГА ЙЎЛ

Мамлакатимизда мева-сабзавот маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш ҳамда ички истеъмолни шундай маҳсулотлар билан тўлдириш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Наманган вилоятида ҳам 2017 йил аҳоли томорқаларида, деҳқон ва фермер хўжаликларида экиладиган сабзавот, полиз ва картошка экинларининг ҳисоб-китоби аниқланган.



Шунингдек, ушбу майдонларга талаб этиладиган уруғлик, минерал ўғит, ёқилғи ҳажмлари аниқланиб, улар билан фермер ва аҳоли хўжалиklarини таъминлаш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланган.

— Республикаимизда экспортга ихтисослашган корхоналарнинг ташкил этилиши агрофирмаларнинг кенг қўламли ишларни амалга ошириши учун замин яратди, — дейди Тўрақўрғон туманида жойлашган "Боймирзаев Бекмирза" боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги раҳбари Ёқубжон Боймирзаев. — Хўжалигимиз 2006 йили 3 гектар майдонда боғдорчилик йўналишида фаолият бошлаган эди. Йиллар ўтгани сайин барча соҳаларда бўлгани каби боғдорчиликка эътибор кучайди. Айни пайтда экин майдонимизнинг 0,5 гектарыга хурмонинг "Ромашка" навини экиб, парвариш қилмоқдамиз. Маълумки, бу нав жуда серҳосил. Ҳосили катталашгани сайин навдалари пастига эгилиб, синиб кетиш ҳолати кузатилади. Натижада ҳосил увол бўлади. Бу салбий ҳолнинг олдини олиш мақсадида биз кўчатлар орасига сим бағазалар тортиб чиққанмиз. Мақсад ҳосилни нест-нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш. 1 гектар майдонга гилоснинг "Волавой" навини экилган, қолган 1,5 гектар ерда ўрикнинг эртапишар "Боғшамол" ва "Қандак" навлари барча агротехник қоидаларга амал қилинган ҳолда парвариш қилинмоқда. Хўжалигимизда 12 нафар доимий ишчи меҳнат қилади. Ҳосил йиғиштириш мавсумида ишчилар сони икки, уч баробарга кўпаяди. Кўчатлар орасидан унумли фойдаланиш мақсадида турли хил кўчатлар, полиз ва сабзавот экинлари етиштирамиз. Йил давомида икки марта ҳосил оламиз. Қулупнайнинг "Кобра" навини ўтган йилнинг августидан экиб, январнинг иккинчи ўн кун-

лигида плёнка остига олдик. Натижада апрель ойида биринчи маҳсулотимизни ички бозорларга олиб чиқишга муваффақ бўлдик. Саримсоқпиезни куз ойларида экиб, барча керакли озукаси билан озиклантирамиз ва эрта баҳордан май ойининг бошларигача бозорга олиб чиқиб, харидорларга етказиб берамиз. Экинлардан бўшаган майдонларга мош ва ловия экилади. Давлатимиз томонидан яратилган имкониятлардан фойдаланиб, ўтган 2016 йилда 50 000 долларлик маҳсулотимизни чет элга экспорт қилдик. Жорий йилда 150 000 долларлик маҳсулот учун Россия давлати билан шартнома имзолашга эришдик.

Мана, 11 йилдирки, Ёқубжон ака "Тўрақўрғон соҳибкорлари" агрофирмасини бошқариб келмоқда. 242 гектар экин майдонининг 150 гектари тоқзорлардан иборат бўлса, қолган майдонларда хурмо, олма, ўрик, бодом каби мевали дарахтлар парвариш қилинади. Агрофирманинг 500 нафардан зиёд боғбонлари ўзаро маслаҳатлашиб, 330 000 АҚШ доллариллик маҳсулотни экспортга жўнатишга аҳд қилишган. Ушбу экспортдан тушган даромад ҳисобидан меваларни қайта ишловчи ва қуритувчи цех ва маҳсулотларни сақлаш учун совуқхона қуриш ишлари бошлаб юборилган. Мева, полиз ва сабзавот маҳсулотларининг кўп миқдорда етиштирилиши халқимиз дастурхонининг тўқинлигини белгиловчи муҳим омиллардан бири эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Зеро, бу маҳсулотларнинг аҳоли саломатлигини таъминлашда ҳам ўз ўрни бор.

Ўз мухбиримиз.

Суратларда: Ё. Бекмирзаев хурмо навдалари маҳкамланган сим бағазаларни кўздан кечирмоқда; (чапдан) Ё. Бекмирзаев, Мадрахимов Акмалжон ва Султонов Абдулбоқилар саримсоқпиез экилган майдонда.



ЕРГА МЕХҲР ҚЎЙГАН ЭЛДОШЛАР

Бу йил деҳқончилик йили бўлади, ўйлади Кўпал ота кенгликларга боқаркан, осмонни тўлдириб бир турфа чизик бўлиб учаётган турналардан нигоҳини узмай. У доимо табиат билан ошно, саховатли она еримизнинг бўйини ҳис қилиб, далалар ҳавосидан баҳра олишни хуш кўради.

* * *

- Хонқанинг Намуна қишлоғида деҳқон оиласида тарбияландим. Жамоа хўжалигида 22 йил бош ҳисобчи бўлиб ишладим. Республикада биринчилардан бўлиб оила пудратига ўтиб, 1997 йилда 3 гектар ерга сабзавот экинлари экдик, - дейди Кўпал ота Мавлонов. - Бугун имкониятлар даври юз очди. Ватанга меҳр бўлакча, буларнинг бари давлатимиз раҳбарининг одилона сиёсати сабаблидир. Ҳар ким меҳнат қилса, ўз тўкинлигини, ризқ-рўзини яратади.



2005 йилда "Омон" фермер хўжалиги ташкил қилиниб, 55 гектар ерга пахта, галла, сабзавот экинлари экилди. Кўпал ота 2007 йилда нафақага чиққач, хўжалик раҳбарлигини интилувчан, ўзи

каби янгиликни тўғри қабул қила оладиган ўғли Мадёр Кўпаловга топширди.

Йилдан йилга ишда ва ҳаётда ўзгаришлар бўлиб, хўжалик туман ва вилоятда тилга тушди. 2016 йили 12 гектар ерга галла экилиб, гектаридан 70 центнердан ҳосил олинди. 35 гектар ерга пахта уруғи қадалиб, давлатга режадаги 30 центнер ўрнига 39,5 центнер ҳосил топширилди.

2,5 гектар ерда 60 тонна сабзавот экинлари — картошка, пиёз, сабзи, помидор етиштирилди, 50 тонна сифатли қовун-тарвуз маҳсулотлари эса арзон нархларда аҳоли истеъмолига чиқарилди.

Хўжалик йилига умумий 200 млн сўм фойда кўрадиган бўлса, шундан соф фойда 60 млн. сўмни ташкил қилиб, бу маблағга техника сотиб олинмоқда, хўжалик эҳтиёжини таъминлаш масалаларига ишлатилмоқда.

5 ўғилу 5 қизни тарбиялаб вояга етказган, 25 нафар неварга, 4 нафар чеварани ҳам суйиб-эркалаб бугунги кунларга шукроналар айтаётган ота маҳалладаги ҳар бир ишда, тўй-маракада бош-қош. Кенжа ўғли Мадёр билан кундалик ишларни режалаштираркан, бир олам орзулар қанотида учади. Айтилган тилаклар, албатта, ижобат бўлғусидир. Фермер хўжалиги аъзолари озуқа экинларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, яъни сара уруғликлардан экиш, экспортга маҳсулот чиқариш, даромадни кўпайтириш йўллари изламоқда.

Умидли деҳқоннинг нигоҳлари яна учаётган турналарга кўчди.

**Оқ қанотли хуррам учган турналар
Олислардан эзгу хабар келтирар.
Деҳқон кузи келса, тўлиб хирмонлар,
Ўзбекистон халқи яйраб, тўй берар!**

Суратда: Кўпал ота невараси Шерали, фермер ўғли Мадёр билан янги режалар ҳусусида суҳбат пайтида.

Йўлимизда давом этиб, Хонқа туманининг "Саида Искандарова" фермер хўжалигига етиб келдик.

Хўжалик раҳбари Улғбек Турдиев 1966 йили зиёли оилада туғилиб, Эллиқалъа туманидаги қишлоқ хўжалиги техникумини техник-муҳандис ихтисослиги бўйича тугатган. Илк меҳнат фаолиятини жамоа хўжалигида механик-диспетчер вазифасидан бошлаган, кейинчалик газначи, бош механик вазифаларида ишлади. Янгиликларга ўч йигитни янги ислохотлар ўзига жалб қилди. 2004 йилда ўз фермер хўжалигини тузиб, 51 гектар ерга пахта, галла экди. Бугунги кунда уруғлик пахта етказишда хўжалик илгорлар сафидан жой олди. 2016 йилда 31 гектар ерга экилган пахтадан режадаги 28 центнер ўрнига 41 центнердан ҳосил йиғиб олинди. 17,7 гектар ерга экилган галла ҳосили 70-75 центнерни ташкил этди.

— Аслида ерга қаров керак, ерни вақтида суғориб, шўрини ювиб, бир текис экиб, ишлов бериб, озиқлантириб борилса, натижа яхши бўлади, - дейди фермер. - Бизга давлатимиз томонидан катта эътибор ва имтиёзлар яратилган. Гап ҳар бир ишни ўз ўрнида бажара олишимизда қолди. Тармоқларимизни кенгайтирмоқчимиз. Боғдорчилик, ипакчилик, сабзавотчилик йўналишларида иш олиб бормоқдамиз. Бу йил чорвачиликка эътибор қаратамиз, мавжуд боғларни яна кенгайтириб, қўшимча 1 гектар янги олма боғ қиламиз, шу жумладан, сабзавот ва полиз ерларимизни ҳам кенгайтиришни мўлжаллаб турибмиз.



Яхши ниятлар доимо солиҳ амаллар билан безалиши муқаррар. Хўжаликда ҳар йили 5,5 қути ипак қурти боқилиб, 260 кг. ипак етиштирмоқда.

Атрофи сўлим гужумлар билан ўралган ҳовузга эга, кўркамгина 70 ўринли дала шийпонида ўтиришнинг ўз гашти бор, гармселдан пана, ҳавоси тоза. Хўжалик сувчиси Ўткирбек Исмоилов ва тракторчилар Ибодулла ва Жасур Каримовларни айни шу ерда тушлик пайтида учратдик.

— Ўтган йили соф фойдамиз 84 млн. ни ташкил қилди. Бу маблағга ўғит сотиб оламиз, қолганига яна битта "Нексия" харид қилишни мўлжаллаб турибмиз, - дейди фермернинг турмуш ўртоғи Жавҳар Қозоқова атрофга меҳр билан қараб кўяркан.

Жавҳарой ўқитувчилик касбини эъзозлаб келмоқда. Ишдан бўш пайтлари далада болалари билан бирга меҳнат қилади. Уларнинг фарзандлари бугун олий маълумотли, шарафли касблар эгаси. Алишер Искандаров муҳандис, Саида Искандарова онасининг йўлини танлади — ўқитувчи, Искандар Искандаров эса Тошкент Ирригация ва мелиорация институтининг 4 курс талабаси. Оиладаги тотувлик яратувчанлик ишларида мукамаллик яратиши табиий.

Суратда: — Майин баҳор шамоли эсган дала таровати ўзгача, — дейди фермер Улғбек Турдиев.

ОТАХОННИНГ ИЖОБАТ БЎЛГАН ДУОЛАРИ

Тонгни завқ билан қаршилаб дуога кўлини очган отахон бугунги қилинадиган ишларни бир-бир хаёлидан ўтказар экан, хаёлга толди. Аллоҳга шукур, фарзандлари ўзидай деҳқончиликка кўнгил қўйиб, ҳар қайсиси бир хўжаликка бош бўлди. Оиланинг кичик фарзанди Рамзиддинхон фермерликни бинойидай эплаяпти.



Фермеримиз банк ва бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, 2012 йилда Германиянинг КЛАСС фирмасида чиққан “АКЦИОН” ер ҳайдов тракторини лизинг асосида сотиб олди. Бугун бу улов ерларни бир текис шудгорлашда асқотмоқда. Раҳматхон ота шу ўйлар ичра мамнунлик билан само узра тўлқинсимон нақш ясаб ўтаётган булутларга назар солди. Улар салобатли кўкка беғуборлик бағишлар, мовийликда оппоқ рангли елканлар сузиб бораётгандек кўринарди. Бу улуғворлик қут-барақадан нишона. Кеча ким эдик, бугун ким бўлдик? Бу сўзни раҳматли биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов кўп эслатардилар. Улуғликка, ибратга элтгувчи умр йўллари-нинг ойдin ва равон бўлиши учун қандай яшамоқ керак?

Бугун “Олтин қир неъматини” фермер хўжалиги аъзолари ерга уруғ қадашдан олдин тadbир ўтказаяётгани боис ҳамма шийпон атрофига йиғилган эди. Бир томонда кўм-кўк буғдойзорлар, иккинчи томонда эса боғ-роғ ва унинг ораларига экилган беда ҳидига тўйинган мусаффолик дилга ҳузур бағишлайди.

И.Ҳайдаров номли фермер хўжаликлари кенгашига қарашли бу ерлар асосан насос орқали суғорилади. “Олтин қир неъматини” ўзига хос номга эга. Уни 2007 йилда Раҳматхон ота Соипов ташкил қилди, 62 гектар ерга пахта, ғалла экиб, оғир шароитда иш бошлади. Аввало ер тилини ўрганди, техникаларни шай қилиш, суғориш учун насослар қуриш, керакли ўғит-озуқа билан таъминлаш каби муаммолар қаторлашиб турарди. Ҳаммаси аста-секин, тинимсиз меҳнат эвазига ўз ўрнига тушди. Ҳозирги кунга келиб эса хўжалик атрофдаги фермерларга техника хизматини йўлга қўйди.

2015 йилда ота нафақага чиқди, бу даврда хўжалик 297 гектар ерга эга эди. Ислоҳотлар ўтказилиб, ерлар уч қисмга бўлинди ва асосий хўжаликка оиланинг кичиги Рамзиддинхон Соипов раҳбарлик қила бошлади. Рамзиддинхоннинг болалиги ҳам далаларда — отасининг ёнида ўтди. Шу боис 2012 йилда Тошкент Қишлоқ хўжалиги институтини деҳқончилик ва боғдорчилик йўналиши бўйича тугатган йигит Пскент туман фермерлар кенгашида мутахассис бўлиб ишлади. Бўш пайт топди дегунча отаси ёнига чопди, падари бузрукворига дала ишларида ёрдам берди, хўжалик юритиш ва муаммолар ечимини топишни ўрганди. Шу сабабли хўжаликка бош бўлганда ҳеч қандай қийинчилик сезмади.

2016 йилда 69 гектар ерга экилган ғалладан режадаги 24 центнер ўрнига 45-50 центнердан ҳосил олинди. Бугунги кунда 73 гектар ерга экилган ғалла кўм-кўк бўлиб, кўзни яшнатиб турибди.

— Ўтган йили 45 гектар ерга экилган пахтадан белги-

ланган 25 центнер ўрнига 34 центнердан ҳосил олдик, — дейди Рамзиддинхон суҳбат орасида. — Бу йил 42 гектар ерга уруғ қадаямиз. Ҳосилга замин ҳозирловчи сувчиларимиз Топил Абдувалиев, Низом Абдужабборов, Со-бир Ражабовлар, тракторчи Ҳусниддин Деҳқонов бор экан, юқори ҳосил олишимиз муқаррар.

9 гектар ерда боғдорчилик ишлари ҳам қизғин. Боғ айни гулларга бурканаётган бу паллада олхўри, олма каби мевали кўчатлар таги бир текис қилиб чопилган. Дарахтларга ишлов берилган.

Шийпон атрофи ҳам кўркамлик касб этган, боғ-роғ, ҳовуз қулайлик яратган бу масканда 150 ўринли ётоқхона аллақачон мавсумга шай қилиб қўйилган. Ҳозирги кунда далада 37 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаяпти, мавсумда эса 100-200 одамга жой тайёрлаш керак бўлади. Хўжалик аъзолари эҳтиёжи учун 4 уя асалари, 30-40 та кўй-кўзи, 10 та соғин сигир боқилмоқда. Раҳматхон ота отларни хуш кўради, шу боис 12 та от ҳам парваришланаёпти.

Ҳар йили кўкламда 4 қути пилла боқилиб, давлатга 250 кг. дан майин тола етказиб берилмоқда.

“Кўшқанот лочини” хўжалигини Тўлқинхон Рашадхон, “Покиза маскан” хўжалигини Беҳзодхон Абду-жабборов бошқармоқда. Бу оғанилар ҳам Раҳматхон отадан ўрганган тажрибалар бўйича иш олиб боришяпти. Ушбу фермер хўжаликларининг ҳар бирида 85 гектардан ер майдони бўлиб, шундан 55 гектаридаги ғалла бугун баравж ўсмоқда, 6 гектарга сабзавот, 25 гектар ерга пахта экиляпти. Бу хўжаликлар Пскент туманида ўз ўрнига, ўз мавқеига эга. Улар илғорлар сафидан жой олиб, белгиланган режа ва топшириқларни ўз вақтида удаламоқдалар. Раҳматхон ота ўзи бошлаган хайрли ишларини давом эттираётган кўш қанотлари — ўғиллари ва жиянлари Расулхон, Рамзиддинхон, Тўлқинхон, Беҳзодхонлардан мамнун. Иш бошқарувчи Иброҳим Улуғбоев билан бирга уларнинг ишларини кузатади, керак жойда маслаҳат беради. Унинг далаларга қаратилган нигоҳларида шукроналик, саодат, меҳр нурлари порлайди. Ота-хон билан хайрлашар эканмиз, у кенг далаларга тикилгача юракдан сўзлай бошлади: Бизникидай бағри кенг, баҳри кенг, тинч Ватан қайда бор? Қилаётган ишимиз халққа наф келтирса, мақсадимизга етган бўлаемиз. Фасллари тароватли, одамлари меҳнаткаш ва меҳр-муҳаббатли юртимиз ҳамиша тинч бўлсин.

Кўш саҳифани ўз муҳбиримиз

Ш.ЖАББАРОВА тайёрлади.

Суратда: (чапдан) тракторчи Ҳусниддин Деҳқонов, фермер Рамзиддинхон Соипов, иш бошқарувчи Улуғбек Иброҳимов, фермер Тўлқинхон Рашадхон, тракторчи Муҳиддин Ҳамдамовлар.

ДАЛАЛАР МИРИШКОРИ

Пойтахт вилоятининг Пискент тумани бўйлаб юрар эканмиз, деҳқонларнинг шарафли ишларидан мамнун бўлдик. Бугун машаққатли меҳнат оғушидаги халқ экиштикиш билан машғул, у янги ҳосилга замин ҳозирламоқда. Бир текис суғорилган далалар ёки ям-яшил буғдойзорлар ўзига хос бўй таратади.



Пискент тумани худудида жойлашган "Исоқбой Дадаматов" фермер хўжалигига ташриф буюрдик. Хўжалик раҳбари Исоқбой Дадаматов оғир, босиқ одам. Уни буғдойзорда учратдик.

1952 йилда Пискент туманида ишчи оиласида туғилиб ўсган Исоқбой ака мактаб таҳсилдан сўнг 10 йил савдо соҳасида иш олиб борди. Кейинчалик 1989 йилдан 1995 йилгача жамоа хўжалигида ишчи бўлиб ишлади. Худди шу йилларда жамоа хўжалик раҳбари Раҳматхон Соипов билан ҳамқадам бўлди, устоз-шоғирд тутинди.

— Қишлоқ хўжалигига кириб келишимга устозим Раҳматхон ака сабаб бўлдилар, — дейди фермер. — У кишидан деҳқончиликни, экин экиш сирларини, ер тилини ўргандим. Ерга қанча керакли ўғит, озуқасини берсангиз ҳосил ҳам шунга яраша бўлади.

Даврлар ўзгариб, янги хўжаликлар тузила бошлагач, устозининг "Сенинг ўрнинг далада", деган сўзи хаёлини тарк этмади. 1995 йили янги хўжалик ташкил этди. 10 гектар ерга уруғлик пахта ва уруғлик галла эқди. Оила аъзолари билан ишга киришди. Турмуш ўртоғи Мақсуда Омонова ва болалари унинг бу ташаббусини қўллаб-қувватлади.

— Авваллари қийинчиликлар ҳам кўп бўлди, куну тун далада эдик. Устоз бошлаган йўллардан юриб кам бўлмадим. Бугун тинч, деҳқонга улкан имкониятлар яратилган замонада барча оғирликлар ортда қолди, — дейди Исоқбой ака.

"Исоқбой Дадаматов" фермер хўжалиги ҳозирги кунда 103 гектар ер майдонига эга. Хўжаликда 40 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Аъзолар учун шароитлар етарли, улар ҳаётидаги муаммолар эътиборга олиниб, камхарж оилаларга ўз вақтида ёрдам бериб борилади.

2016 йилда 53 гектар ерга уруғлик галла экилиб, режадаги 35 центнер ўрнига 60 центнердан ҳосил олинди. 38 гектарга экилган пахтадан ҳам

юқори ҳосил етиштирилди. Режа 29,9 центнер ўрнига 35 центнерга адо этилди.

— Бу йил 38 гектар ерга экилган уруғлик галламиз бир текис униб чиқди, Тангри мададкор бўлса, 60 центнердан ошириб ҳосил оламиз. Мана қаранг, — дейди фермер галлазорларга кўз ташлаб. — 45 гектар ерга чигит экаяпмиз, мўлжалимиз 40 центнер.

Сувчилар Сирож Давлатов, Хофиз Гайдаров, тракторчи Бакир Абдумўминов каби фидойилар бор экан, хўжалик ишида унум ва ривож бўлади.

Мевага кираётган 10 гектар боғнинг 2 гектари узумзордан иборат. Фермер ундан ҳам бу йил даромад қилмоғи аниқ. Оиланинг каттаси Жамшид Дадаматов хўжаликда ҳисобчилик қилиш билан бирга, асалари боқишни ҳам хуш кўради, унинг 15 уя асалариси бор.

— Асал минг дардга даво дейишади, — дейди у. Хўжаликда 15 бош зотдор қорамол, 60 бошдан зиёд қўй-қўзи, 10 бош зотдор қорабайир отлар парваришланмоқда. Мавсумда кўпаядиган ишчиларнинг иссиқ овқатларига ишлатиш учун ҳар йили 60-70 бош парранда боқилади.

2014 йилда Самарқандда бўлиб, "Оҳалик боғлари" хўжалиги иш тажрибасини ўрганиб қайтган фермер янги режаларни ният қилган. Мавжуд боғлардаги меваларни қайта ишлаш корхонаси, савдо шохобчаси қуриш ишлари унинг бугунги вазифасидир. Бунинг учун имконият бор, албатта. Хўжаликнинг ўтган йилги умумий даромади 416 миллион сўмни, соф фойдаси 95 млн. 217 минг сўмни ташкил этди.

— Ўғилларим бугун оғиримни енгил қилишяпти, — дейди Йўлдош Мирзааҳмедов, — Жамшид билан Жасур хўжаликда, ёнимда ишлаяпти, қизим Чарос ҳам оилали, бахтли яшайди, ҳисобчиликни касб қилди. Раҳматли Биринчи Президентимиз Ислон Каримов айтганларидек, еримиз бор, сувимиз бор, тинч ҳаётимиз бор, биз ҳеч кимдан кам эмасмиз.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: фермер Йўлдош Мирзааҳмедов.

ЭЗГУ НИЯТЛАР ҚАНОТИ

Андижон ўзбек қишлоқ хўжалигига кўплаб миришкор деҳқонлар, чорвадору соҳибкорлар етиштириб берган жаннатмонанд гўша ҳисобланади. Қаҳрамонимизнинг отаси раҳматли Исматулла Қобилов агрономликдан вилоят ҳокимининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари вазифасигача бўлган шарафли йўлни босиб ўтди. Ўзининг илми, фидокорона меҳнати билан халқ орасида ном қозонди.



— Ўрта мактабни тугатгандан сўнг Андижон муҳандислик иқтисодиёти, кейин Тошкент юридик институтини тугатдим. Агро илми отам Исматулла Қобиловдан — ишлаб чиқариш шароитида эгаллаш, эл-юрт тўқинлигига ҳисса қўшиш мақсадида "Кўҳна водий ишончи" фермер хўжалигига бошчилик қила бошладим. Отамнинг ўғитлари ва илмий асосларга таяниб иш юритганлигим боис, қувончли натижаларга эришиб келаяпман. Ишонч билдириб мени Олтинқўл туман фермерлар кенгашига раис этиб сайлашди. Эндиликда фермер хўжалиги қошида ўз фаолиятини бошлаган "Қишлоқхўжалик-хизматтаъминот" марказини шакллантириб, агросаноатнинг барча соҳаларига сервис хизмати кўрсатишни йўлга қўймоқчиман, — дейди Отабек Қобилов.

Фермер хўжалиги ташкил этилибдики, қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиниб, зиммаларидаги режалар ортиги билан урдаланиб келинмоқда. Ўтган йили хўжалик миришкорлари 28 гектар майдонга уруғлик учун буғдойнинг "Таня" нави супер элита уруғидан экиб, гектаридан 75 центнердан хирмон кўтардилар. Давлатга сифатли уруғлик дон сотиш режаси 121% га бажарилди. 36,6 гектар майдонга ғўзанинг уруғлик учун экилган "Ўз ПИТИ 201" навининг элита уруғидан гектаридан режадаги 33 центнер ўрнига 42 центнердан ҳосил олиниб, йиллик режа 127% урдаланди. Хўжаликни кўп тармоқлилика айлантириш бўйича изчил амалга оширилаётган тадбирларнинг самараси ўлароқ, чорвачилик, балиқчилик ва боғдорчилик барқарор

тармоққа айланади. Ушбу соҳаларни ривожлантириш заманида қайта ишлаш корхоналари фаолият кўрсата бошлайди. 10 сотихлик иссиқхона ҳажми 1 гектарга кенгайтирилади.

"Қишлоқхўжаликхизматтаъминот" марказида яқин келажакда 9 та лаборатория ва 10 дан ортик бўлимлар фаолият кўрсатиб, ўсимликларни касаллик, зараркунанда ва бегона ўтларга қарши, шунингдек, юқори даражада ўсиш ва ривожланишини таъминлашда биологик воситалардан фойдаланишга катта эътибор қаратилиб, уларнинг айрим турларини шу жойнинг ўзида ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

— Худудда табиий мувозанатни шакллантирмасдан, тупроқда мукамал микроорганизмлар мажмуасини яратмасдан туриб, салмоқли ва сифатли ҳосил етиштириш мумкин эмас, — дейди агро илм амалиётчиси, — шу боис, хўжалиқда тупроқнинг табиий унумдорлигини ошириш бўйича илмий-амалий ишларни жорий этмоқдамиз. Ноанъанавий рудаларни қўллаш бўйича тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда изланишлар олиб бораёпмиз. Бу борада, албатта, соҳанинг билимдонлари, олимлар билан ҳамкорликлар ўрнатганмиз.

Ғалла-пахта навбатлаб экиш тизимида, бошоқли экинлардан бўшаган майдонларда тупроқнинг физик-химик хоссаларини яхшилаш мақсадида дуккакли дон экинлари, кўкат экиш, шунингдек, тупроқ унумдорлигини кўтаришга наф бериш билан бир қаторда юқори даромад манбаи ҳисобланган хориждан келтирилган экинларни ҳам экишга кенг

ўрин берилмоқда. Пировардида, хўжаликнинг тупроқлари қуввати ошиб, мўл-кўл ҳосил етиштиришга замин яратмоқда.

Замонавий, файзли дала шийпонида фермер хўжалигининг ишчи-хизматчиларига самарали меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитлар мужассам. Шунинг учун хўжалик аъзоларининг ўз ишларига муносабатлари аъло даражада. Юртимизда нишонланадиган байрамлар алоҳида тайёргарлик билан тантанали ўтказилади. Хўжалик бошлигининг жамоанинг ҳар бир вакили муаммосини ўзиники деб қабул қилганлиги, иш ҳақларининг вақтида бериб борилиши, зарурат бўлган вақтларда уларни қўллаб-қувватлаб турилганлиги боис, ишчи-хизматчиларнинг хўжалиқда муқим ишлашлари учун асос бўлмоқда.

Саховатпешалик Отабек табиатининг асосини ташкил қилади. Туманда ўтказиладиган байрам тадбирларида "Кўҳна водий ишончи" фермер хўжалиги жамоаси албатта фаол иштирок этади, — дейди туман фермерлар кенгаши раиси Бегали Қобулов. — Агар бирор фуқаро биздан кўмак сўраб мурожаат қилса биринчи бўлиб, ҳимматли фермер Отабек Қобиловга юзланамиз. Ёш бўлса-да, унинг маслаҳатига таяниб иш тутадиган фермерлар кўп учраб туради. Унинг иқтидори нафақат ўзи учун, балки олтинқўллик барча қишлоқ хўжалиги ходимлари учун хизмат қилмоқда. Бир сўз билан айтганда, биз билимдон, саховатли фермер Отабек Қобилов билан фахрланамиз.

Ўз мухбиримиз.

ИЛҒОРЛИК ИНТИЛИШДА

Қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини узлуксиз ошириб бориш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтиришда уруғчилик алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис, тармоқни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири серҳосил ва юқори сифатли уруғлик билан таъминлаш, мавжуд бўлган генофонддан унумли фойдаланиш ва уни сақлаб қолиш, фан ва техника ютуқларини амалиётга татбиқ этишдан иборатдир.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалик экинлари, хусусан, пахта-ғалла уруғларини тайёрлаш масъулияти асосан фермер хўжаликлари зиммасига юклатилган. Наманган вилоятида пахта ва бошоқли дон экинлари уруғларини етиштиришнинг ҳадисини олган миришкор деҳқон, уруғчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари кўплаб топилади. Наманган туманидаги "Дўстлик" ордени соҳиби Сайдулло Абубакиров бошчилигидаги "Олтин замин ифтихори" гўза ва ғалла уруғчилиги фермер хўжалигида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир.

Фермер хўжалиги ташкил этилган дастлабки йиллардан оқ гўза ва ғалла етиштиришдаги илғор тажрибалари, шунингдек, хўжалик жойлашган тупроқ-иқлим шароитининг уруғ етиштиришга мослиги ҳисобига танлов ғолиби бўлган. Ўтган йиллар давомида миришкор жамоа зиммаларидаги режаларини ортиги билан уддалаб, гўза-ғалла уруғчилиги хирмонига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Ортада қолган қишлоқ хўжалик йилида жамоа 47 гектарга гўзанинг С-6524 навининг элита уруғидан экиб, давлатга 206 тонна ўрнига 226 тонна сифатли уруғлик пахта сотгани ҳолда, ҳосилдорликни гектар бошига 45,5 центнерга етказди. Қатор йиллар давомида буғдойнинг "Таня" навининг супер элита уруғидан экиб, ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам ишончли ҳосил — гектаридан 70-75 центнердан сифатли уруғлик дон етиштириб келмоқда.

Жорий йилда ҳам заршунослар 50 гектар майдонга буғдойнинг "Таня" навининг супер элита уруғидан экиб, белгиланган агротехник тадбирларнинг ўз вақтида сифатли

ўтказилишини таъминлаб келмоқдалар. Парваришланаётган ғалланинг агробиологик ҳолати кўзни қувонтиради. 48 гектардаги "С-6524" навининг элита уруғидан экилган гўза ниҳоллари баравж ривожланмоқда.

2016 йилда замонавий молхона қурилиб, ишга туширилди. Боқилаётган 25 бош зотдор қорамолнинг 10 боши соғин сигирлар бўлиб, уларнинг ҳар биридан 20-25 литрдан сут соғиб олиниб, шартнома асосида сутни қайта ишлаш корхоналарига етказиб берилмоқда.

— Мавжуд қорамоллар сонини яқин келажакда 100 бошга етказиш ва сутни қайта ишлаш цехини ишга тушириш нияти билан меҳнат қилмоқдамиз, — дейди Сайдулло ака. — Шунингдек, паррандачилик ва қўйчиликни ҳам барқарор тармоққа айлантириш бўйича амалий ишларни бошлаб юборганмиз. Фермер хўжалиги ташкил этилган вақтда 20 киши билан иш бошлаган бўлсак, ҳозирда жамоада 35 киши меҳнат қилмоқда. Тикувчилик цехи ишга тушиши билан ишчилар сони 50 тага етказилади. Кўп тармоқлилик давр талаби. Биз бу борада ҳам илғорлар қаторида бўлишимиз учун барча имкониятларимиз етарли.

Фермер хўжалигида инсон омилнинг талаблар даражасида эканлиги ҳамда иш ҳақларининг ўз вақтида бериб борилаётганлиги сабабли ишчи-хизматчиларнинг меҳнатга муносабатлари таҳсинга лойиқ. Ўтган йили қуриб фойдаланишга топширилган замонавий дала шийпонида талаблар даражасидаги барча шароитлар мужассам.

Сайдулло ака уста деҳқон сифатида доимо илғорлар сафида бўлди. Ерга меҳр бериб ишлаш, фан ютуқ-

лари ва илғорлар тажрибаларидан фойдаланиш йиллар давомида ўз самарасини бериб келмоқда. Шу сабабли унинг етакчилигидаги "Олтин замин ифтихори" жамоаси нафақат вилоятда, балки республика-мизда ҳам юқори ҳосилли фермер хўжаликлари қаторида туради.

— Гўза уруғчилигида навнинг 1000 донасининг оғирлигига эътибор қаратиш лозим. Мазкур кўрсаткичнинг камайиб кетмаслиги учун биринчидан, агротехник тадбирлар — ўғитлар нисбати бузилишига йўл қўймаслик, иккинчидан — уруғчилик тартиби ва териш қоидаларига риоя қилиниши керак, — дейди фермер. — Каллийли ўғитлардан фойдаланишни унутмаслигимиз керак. Тажрибали деҳқонлар етиштириладиган ҳосилнинг 50 фоизи уруғлик чигитга, қолган 50 фоизи агротехникага боғлиқ деб бежиз айтишмаган.

Уруғлик пахта етиштирувчи уруғчилик фермер хўжаликларида махсус комиссия томонидан апробация ўтказилгандан сўнг, уруғлик пахта-ни териб олиш тартибига қаттиқ риоя қилиш талаб этилади. Уруғлик пахта камида 65-70% кўсақлар очилиши билан теримчилар махсус тайёргарликдан ўтгач, гўза тупининг асосан 3-ҳосил шохидан бошлаб 8-ҳосил шохларидан териб олинади. Бунда уруғчилик хўжалигининг йўналишига қараб, уруғлик авлодлар (репродукция) бўйича алоҳида терилиши шарт.

Териб олинган уруғлик пахтани хирмонларда қуришиб, ундан кейин пахта заводларига топширилиши шарт. Уруғлик пахтани терувчи ҳар 10 та теримчи устидан битта назоратчи қўйилиши лозим

Сифатли уруғ етиштириш асл деҳқоннинг иши. Уста деҳқон Сайдулло Абубакиров сингари фермерлар сафини кенгайтириш давр талабидир. Эл-юрт тўқинлигига ҳисса қўшиш истагидаги ҳар бир уруғчилик билан шуғулланадиган деҳқон, фермернинг заҳматли меҳнати Ватанга, халққа бўлган садоқатнинг ифодасидир.

Файзулло МИРЗАЕВ

ҲАМКОРЛИҚДА ҲИКМАТ КЎП

Юртимизда аграр соҳанинг ислоҳ қилиниши, ер ва сув ресурсларидан унумли фойдаланиш ҳамда фермер хўжалиklarининг истиқболи йўлида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, халқимиз дастурхонининг тўкинлиги ва эл фаровонлигида ушбу соҳа вакиллариининг ҳиссалари катта.

Шўрланиш даражаси юқори майдонларга агротехник қоидаларга амал қилган ҳолда ишлов берилиши ва маҳаллий ўғит билан озиклантирилиши натижасида ушбу майдонлар ўз ҳолатини тиклаб, яна унумдор майдонлар сафидан жой олмоқда.

— Бугуннинг фермерлари аниқ мақсад мақсад сари интилаётган инсонлардир, — дейди Фарғона вилояти Ўзбекистон туман Фермерлар кенгаши раиси Иномхўжа Бузруков. — Улар мана шу эзгу мақсад йўлида меҳнат қилишмоқда. Туманимизда 18000 гектар экин майдони мавжуд бўлиб, 870 нафар фермер хўжалиklари меҳнат қилишади. 120 нафар фермер хўжалиklари пахта ёки ғалла етиштиришса, 210 нафар хўжалик кўптармоқлилик йўналишида ўз фаолиятларини давом эттиришмоқда. Хўжалиklar таркибида қўшимча тармоқларнинг юзага келиши қўшимча даромад манбаи бўлиши билан бирга, қишлоқ ёшларининг доимий иш билан таъминланишига ҳам сабаб бўлмоқда. Туманимиз фермер хўжалиklари ўртасида соғлом рақобат мавжуд бўлиб, ўзаро мусобақадosh саналишади. Мана шу беллашувлар натижасида туманимизда ҳосилдорликнинг ўсиб бориши кузатилмоқда. Масалан, "Жўрақўзи, Ботиржон, Қизилбоғ саховати" фермер хўжалиги раҳбари Ботиржон Исақов билан "Рисолат, Муроджон, Ёдгори" фермер хўжалиги раҳбари Одинахон Собировалар бу борада бошқа хўжалиklarга ўрнак бўлишмоқда.

— Хўжалигимиз 2007 йил ташкил топган, — дейди Ботиржон Исақов. — Ўша йиллари 10 нафар доимий ишчиларимиз билан 32 гектар экин майдонида пахта ва ғалла етиштирар эдик. 2008 йил 6 бош маҳаллий қорамол билан чорвачилик йўналишини жорий қилдик. Астойдил қилинган меҳнат ўз самарасини берди. Йиллар ўтгани сари экин майдонимиз 77,3 гектарга кенгайди, доимий ишчиларимиз 70 нафарга етди. Қорамолларимиз ҳам 40 бошга кўпайди. Жорий йилда 37 гектар майдонга ғалланинг уруғлик "Гром" навини эдик. Давлатга сотиш режаси ҳар гектар май-

дондан 37 центнер белгиланган бўлса-да, биз 100 центнерли ҳосилни кўзлаб турибмиз. 40,3 гектар майдонга пахтанинг "Султон" навини эяпмиз. Ўтган 2016 йил шу навадан ҳар гектар майдондан 50 центнердан хирмон кўтарганмиз, жорий йилда 52 центнердан ҳосил олишни мўлжал қилганмиз. Бунинг учун жамоамизда имкониятлар етарли. Замоनावий ру-



сумдаги қишлоқ хўжалик техникаларининг барча тури хизматимизга шай. Маслаҳатли тўй тарқамас деганларидай ишчи-ҳодимларимиз билан кенгашиб чорва хўжалигимизни насли чорвачилик даражасига олиб чиқишни ҳамда куёнчилик хўжалиги ташкил қилишни режалаштирганмиз. Натижада яна 15-20 нафар ёшлар доимий иш билан таъминланади. Бир неча йиллардан буён Одинахон Собирова билан ҳамкорликда иш олиб борамиз. Чунки бу аёл туманимизнинг таниқли деҳқони бўлиш билан бирга 1300 гектар майдонга хизмат кўрсатувчи "Соҳибкор" ММТПни бошқарадилар.

— 1976 йил Тошкент Давлат халқ хўжалиги институтини тамомлаб, собиқ "Соҳибкор" ширкат хўжалигида ҳисобчи бўлиб иш бошлаганман, — дейди Одинахон Собирова. — Иш фаолиятим давомида бош ҳисобчи лавозимига қадар бўлган йўлни босиб ўтдим. 2007 йил 52,2 гектар экин майдони билан хўжалигимизни ташкил этдик. Ишни экин майдонларини бегона ўтлардан тозалашдан бошладик. Изланганга — толе ёр, дейди халқимиз. Йиллар давомида сидқидилдан қилинган меҳнатимиз туфайли экин майдонларимиз ҳам кенгайиб 60 гектарга етди. Давлатимиз

яратган имкониятлардан фойдаланиб қўшимча тармоқлар жорий этиб бордик. Бу ишларни амалга оширишимизда Ботиржоннинг ҳам ҳиссаси бор, чунки мен деҳқончиликни яхши ўрганган бўлсам, бу йигит тадбиркорликда уста. Мана шу кенгашиб қилинган ишларимиз натижасида чорвачиликни йўлга қўйдим. Ҳозирда 200 бош насли Ҳисори қўй, 18 бош Гольштин зотли қорамол ва 5 бош Қорабайир зотли отларимиз бор. Малакали чўпонимиз Набижон Ҳасанов ва туманимиз зооветеринария бўлими ходимлари чорвамиз саломатлигидан доимо хабардор бўлиб боришади. Тажрибали тикувчи қизимиз Зурахон Рахмонова 6 нафар қишлоғимиз қизлари билан тикувчилик цехимизда турли ўлчамдаги кийим-кечақлар тикиб, халқимизни хурсанд қилмоқда. Хўжалигимиз дала шийпони худудидида 10 сотих майдонга иссиқхона барпо этганмиз. У ерда помидор, бодринг ва турли хил кўкатлар етиштирамиз. Ишчиларимиздан ортганини туман базорига олиб чиқиб, арзон нархларда сотишни йўлга қўйганмиз. 6,5 гектар майдонда сабзи, картошка ва пиёз каби сабзавот маҳсулотлари етиштирамиз. Жорий йилда 26,4 гектар майдонга ғалланинг

"Таня" навини экиб парваришлаяпмиз. Ғалламизнинг ривожланишидан кўнглимиз тўқ. Ҳар гектар майдондан давлатга сотиш режаси 37,4 центнер этиб белгиланган бўлса-да, биз 60 центнердан ҳосил олишни мақсад қилганмиз. 27,2 гектарга пахтанинг "Султон" навини эдик. Бу нав бизнинг экин майдонларимиз ҳолатига жуда мос экан. Чунки сувсизликка, касалликка чидамли бўлиши билан бирга, ҳосилдорлиги ҳам анчагина юқори. Хўжалигимиз барча турдаги қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминланган. Механизаторимиз Ҳомиджон Абдурахмонов хайдов тракторини бошқарса, Мирзаодил Юсупов қатор орасида юриш ҳадисини олган. Сувчиларимиз Ҳолмуҳаммад Мамажонов ва Ҳасанбой Сидиқовлар ёш сувчиларга экинларни қондириб суғориш ишларини ўргатиб боришади.

Хўжалик раҳбари ўз олдига янада кўпроқ қишлоқ ёшларини иш билан банд этишни мақсад қилган. Жорий йилдан хўжалик қошида мева ва сабзавотларни қайта ишловчи цехни ишга тушириб, насли қўйчиликни янада ривожлантирса, яна 40 нафар қишлоқ ёшлари доимий иш билан таъминланади.

К. ЭРГАШЕВ.

ОТА КАСБИНИ УЛУҒЛАБ

Поп тумани ҳудуди Наманган вилоятининг қарийб ярмини ташкил қилади. Бу эса туманда меҳнат қилаётган деҳқон ва фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулотлар салмоғи бевосита вилоят миқёсида каттагина ўрин тутишини билдиради.

— Туманимизнинг 910 та фермер хўжалиги аъзолари 28487 гектар экин майдонида меҳнат қилишади. — дейди туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Қаҳрамон Курбонов. — Шундан 539 фермер хўжалиги 24402,1 гектар майдонда пахта ва ғалла етиштирса, 371 фермер хўжалиги чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ҳамда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланади.

— Туманимизда кўп тармоқли фермер хўжаликларни ташкил қилиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш чоратадбирлари Дастури ишлаб чиқилган, — дейди туман фермерлар кенгаши раиси Сойибжон Йўлдашев. — Ушбу Дастур ижроси бўйича 2016 йилда 120 фермер хўжаликларида 141 та лойиҳа бажарилиб, якунда 556 та янги иш ўринлари яратилди. Жорий йилда кўп тармоқли фермер хўжаликлари сонини 10 % га ошириб, 133 фермер хўжаликларида жами 147 та лойиҳа режалаштирилган. Бу борада фермерлар билан келишган ҳолда 60 та бўш ишчи ўрнини яратишни режалаштирганмиз. Доимий иш билан таъминланаётганларнинг асосий қисмини коллеж битирувчилари ташкил қилади. Келажак авлодни касбга йўналтириш бизнинг энг устувор вакифларимиздан ҳисобланади. Мана шундай ҳаракатларимиз туфайли кўплаб ёшларимиз ўзлари фермер хўжалиги раҳбари бўлиб фаолият юритишмоқда. Масалан “Поп Жавоҳири” фермер хўжалиги раҳбари Жавоҳир Юсупов бунга ёрқин мисол бўла олади.

— Ўғлим Жавоҳир болалигидан деҳқончиликка алоҳида меҳр билан қарайди. — дейди Турсунали Қосимов. — Асли касбим жисмоний тар-

бия ўқитувчиси бўлса ҳам, фермерлик ҳаракати мени бефарқ қолдирмади. 2003 йил 80,6 гектар экин майдони билан хўжалигимиз фаолиятини бошлаган эдик. Экин майдонларини тозалаш, маҳаллий ўғит жамғариш ишларида 45 нафар до-



имий ишчиларимиз мен билан бир қаторда туриб астойдил меҳнат қилди. 2011 йил ўғлим туманимиздаги “Транспорт ва алоқа” коллежини тамомлаб, ёнимга кирди. Тўрт йил ёнимда юриб иш ўрганди, хўжаликда иш бошқарувчилик қилди. Мана шу давр ичида турли тажрибалар ўтказиб, пахта ва ғалладан юқори ҳосил олиш сир-синоатларини ўрганди. 2015 йил алоҳида хўжалик ташкил қилишда ёрдам беришини сўраганда ҳайратимни яшира олмадим, юзида ўзига бўлган ишонч акс этиб турарди. Ўша йили 34,3 гектар экин майдони билан “Поп Жавоҳири” фермер хўжалиги ташкил бўлди.

— Гарчи ёш бўлсам-да радио ва телевидениеда ўз тенгқурларимнинг ватанимиз равнақи учун кўшаётган ҳиссаларини кўриб, нима учун мен ҳам улар каби ҳиссамни кўшмаслигим керак”, — деган фикр хаёлимдан ўтди. Ер — суйганни суяди — дейишади. Халқимиз билиб айтиди. Тўғрида, ерга меҳр бериб, унга агротехник тадбирларни ўз вақти-

да ўтказиб, озуқаси ва сувини керакли миқдорда берсангиз, у ҳам ўзининг саховатини аямайди. Жорий йилда 16,6 гектар майдонга ғалланинг “Таня” навини экканмиз.

Давлатга сотиш режаси ҳар гектар майдондан 37 центнер этиб белгиланган бўлса-да Жавоҳир ишчилар билан 60,5 центнердан ҳосил олиш учун барча керакли агротехника тадбирларини амалга оширяпти. 17,7 гектар майдонга пахтанинг “Анджон-35” навини экиб, ҳозирги кунда маҳаллий ўғит билан озиқлантириш ишларини амалга оширмоқда. Жамоа келгусида ҳар гектар майдондан режадаги 32,4 центнер ўрнига 40 центнердан ошириб ҳосил олишни мақсад қилган.

Ўтган 2016 йилда у Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Йилнинг энг яхши ёш фермери” кўрик танловида қатнашиш бахтига муряссар бўлди. Бу тадбирнинг тасаввурини бутунлай ўзгартириб юборди. Фермерлик фақат пахта ва

ғалла етиштиришдан иборат эмас, балки ҳозирги замон билан ҳамнафас бўлиб, жамиятимизда жуда кўплаб соҳаларда фаолият юритиши керак, — деган таассурот билан қайтди. У ердаги тенгқурлари томонидан яратилган интенсив боғлар, насли чорва ва паррандахоналарни кўриб, у ҳам ўз олдида хўжалик таркибида боғдорчилик ва чорвачиликни ташкил қилишни мақсад қилиб қўйди. Ҳаракати ёмон эмас. 3 гектар ерда боғдорчилик ташкил этиб, олма, олча, бодом, гилос кўчатларини парвариш қиляпти. Қорамол, қўй ва паррандаларни кўпайтириш учун бор эътиборини қаратаяпти.

Мамлакатимизда яратилган шароитлардан унумли фойдаланётган Жавоҳир Юсупов каби иқтидорли ёшларимиз беназир она Ватанимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида етук кадр бўлиб етишиб, юртимиз равнақига ўз ҳиссаларини кўшишларига аминмиз.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: (чапдан) Ж. Юсупов ва отаси Т. Қосимов ғалла кўчатларини кўздан кечиришмоқда.

ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ

Паррандачилик - қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, аҳолининг арзон гўшт ва тухум маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда ўз ўрни ва салоҳиятига эга. Кейинги пайтларда нафақат паррандачилик корхоналари, балки аҳоли орасида ҳам тухум етиштиришга ихтисослашган товўқлар боқиш урфга кира бошлади. Натижада аҳолида ўз оиласини тухум ва гўшт билан таъминлашдан ташқари, мўмай даромад олиш имконияти ҳам юзага келди.



— Паррандачиликни етти хазинанинг бири, деб бежиз айтишмаган, — дейди Андижон туманида фаолият юритаётган "Макс-Эффект" МЧЖ га қарашли паррандачилик фабрикаси раҳбари Шухратжон Соқиев. — Паррандачилик ўта эҳтиёткорлик ва масъулиятни талаб қилади. Мен асли тадбиркорман. 2015 йили шу соҳа вакиллари билан суҳбатлашиб, менда паррандачилик фабрикаси ташкил қилиш истаги пайдо бўлди. Туманимизнинг Қўнжи ҚФЙ худудида замонавий қулайликларга эга бўлган 180 000 бош парранда боқишга мослаштирилган бинолар қуришга киришдик. Бино битгач, Туркия давлатидан зарурий технологияларни олиб келиб жойлаштирдик. Бу ускуналар хоналар ҳавоси тозалигини, намлик даражасини ва иссиқлигини меъёردа сақлаш билан бирга, товўқларни озиклантириш ҳамда тухумларни лентада бир



жойга йиғиш вазифасини ҳам бажаради. 2016 йили Аталик-Ломан паррандахонасидан 1 кунлик 65 000 бош зотли Ломан-Браун зотли жўжаларни олиб келиб, 10 нафар малакали мутахассислар билан иш бошладик. Паррандахоналар озодалиги, ёруғлиги ва гигиеник қоидаларга қатъий амал қилдик. Зооветеринаримиз Козимжон Исақов жўжаларни мунгазам кўриқдан ўтказиб, касалликларга қарши вак-

цинация ишларини ўз вақтида амалга оширди. 2016 йилнинг охирига келиб товўқларимиз сони 130 000 бошдан ошди. Ишчиларимиз билан кенгашиб паррандахонани кенгайтиришга қарор қилдик. Жорий йилнинг апрель ойи охирига яна 65 000 бош зотли жўжа олиб келишни режалаштирганмиз. Доимий ишчилар сони ҳам ошиб, бугунги кунда 40 нафарга етди. Уларнинг асосий қисми коллеж битирувчиларидир. Озодбек Каримжо-

нов, Дилноза Ўрозова, Музаффаржон Нишонов каби малакали товўқбоқарларимиз ўз тажрибаларини ёш йигит-қизларга ўргатиб келишмоқда. Ҳар бир ишчимиз бажарган вазифасига қараб, ойига 800 000 сўм атрофида иш ҳақи олади. Бир кунда ўртача 100 000 дона тухум маҳсулоти етиштирамиз Маҳсулотларимизни асосан Тошкент шаҳри ва Андижон вилояти бозорларига арзонлаштирилган нархлар-

да етказиб бераймиз. Ҳозирги кунда яна янги паррандахоналар қуриб ишга тушириш учун ҳозирлик кўряймиз. Жорий йил охирига бориб паррандаларимиз бош сонини 250 000 тага етказишни режалаштирганмиз. Бу режамиз амалга ошса, яна 10 нафар қишлоқ ёшлари доимий иш билан таъминланади. Меҳнат бор жойда даромад ҳам бўлади. Орттирган даромадларимиз ҳисобидан қишлоғимиздаги кам таъминланган оилаларга ва қишлоқ йўлларини таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш ишларига хомийлик ишларига ҳам йўналтирамиз. Бу кўрсаткичлар замонавий технологияларнинг самардорлиги ва ишчиларимизнинг ўз касбларига бўлган меҳр-муҳаббатларида деб биламан.

Ҳа, юртимиз мустақиллигининг мустаҳкамланиб бориши натижасида мана шундай фабрикалар ва корхоналар қад ростлаб, порлоқ келажак сари олға қадам ташламоқдамиз.

Биз Андижон вилоятидаги биргина ибратли иш ҳақида хикоя қилдик холос. Аслида эса бундай ишлар нафақат Андижонда, балки бутун республикада кенг кўламда амалга оширилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Суратларда: корхона раҳбари Соқиев Шухратжон иш устида; ходимлар маҳсулот сифатини текширмоқда.

ЯШИЛЛИК ИЖОДКОРЛАРИ

ёки манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш марказининг фаолияти хусусида

Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш маркази Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 2 мартдаги қарорига асосан ташкил этилган. Ҳозирги кунда илмий муассасада 4 нафар фан доктори ва 8 нафар фан номзоди, шунингдек, ёш олимлар ва илмий ходимлар хизмат қилмоқда. Марказ тизимида 12 та тажриба хўжалиги бўлиб, бугунги кунда ушбу хўжаликларда етакчи олимлар ва илмий ходимлар томонидан ўрмон хўжалигининг турли йўналишларида,



хусусан, тоғ ва чўл ҳудудларидаги экологик муҳитни яхшилаш, ҳимоя ўрмонзорларини барпо этиш, ўрмон мелиорацияси ишларини олиб бориш ҳамда Республикамининг кўкаламзорлаштириш тармоқларида ҳар хил турдаги манзарали дарахт ва бута кўчатларини етиштириш, пистачиликни ривожлантириш, доривор ўсимликларни етиштириш ва кўпайтириш усуллари ишлаб чиқиб, уларни амалиётга татбиқ этиш бўйича кенг қўламли илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Илмий муассасада сўнгги йилларда 100 дан ортиқ амалий ва инновацион лойиҳалар амалга оширилди ва юқори натижаларга эришилди.

2008-2014 йиллар давомида тоғ мелиорацияси бўлими олимлари томонидан Республикамининг тоғли ҳудудларини ўрмонлаштиришда қўлланиладиган дарахт кўчатларини етиштиришнинг янги технологиялари ишлаб чиқилди. Ушбу янги технологиялар асосида тоғли ҳудудларда экилган нина ва япроқ баргли дарахт ва бута турлари, хусусан, қрим қарағайи, бандли эман, Корольков дўланаси ва Сиверс олмаси кўчатларининг кўқарувчанлиги 85-90% га, уларнинг ўсиб ривожланиши эса 1,5-2 баробарга оширилди.

Муассасанинг чўл мелиорацияси бўлими илмий ходимлари томонидан Орол денгизининг қуриган тубида ҳар хил турдаги чўл ўсимликларидан ҳимоя ўрмонзорларини барпо этиш бўйича бир қатор услублар, жумладан ўчоқли (очаговый) ва қисқа йўлакли услублар ишлаб чиқилди. Ушбу услублар ёрдамида экилган чўл ўсимликлари уруғларининг унвчанлиги 75-80% га ва ўсимликларнинг ўсиши эса 2 баробарга оширилди.

Шунингдек, сўнгги йилларда Марказ илмий ходимлари томонидан Республикамининг ҳар хил шароитларида ёғочбоп ва тез ўсувчи дарахтларни етиштиришда бир қатор илмий изланишлар олиб борилди. Хорижий мамлакатлар, жумладан, Туркия, Италия, Франциядан олиб келинган дурагай терак турларини кўпайтириш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқилди. 2012-2014 йиллар давомида илк бор Республикамининг шимоли-ғарбий туманларида, жумладан, Хоразм вилоятининг шўрланган ҳудудларида Туркиядан олиб келинган бир нечта дурагайли (Болле, Бопре, Дорш-кампе) теракларнинг етиштириш усуллари ишлаб чиқилди ва амалий тавсиялар берилди.

Бундан ташқари, муассасамизнинг манзарали дарахт ва бута ўсимликларини етиштириш ва агрокимё бўлими илмий ходимларининг илмий тадқиқотларидан республикамининг шаҳар ва туман марказларини кўкаламзорлаштиришда ноёб ва манзарали дарахт ва бута турларидан лола дарахти, қрим қарағайи, жўка, оқ қайин, Сурия гибискуси кўчатларини етиштиришнинг янги агротехник усуллари ишлаб чиқилди.

Ҳозирги кунда Марказ фаолиятини янада ошириш ва хорижий давлатларнинг етакчи ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида хорижий ҳамкорлар билан Марказий Осиё минтақаларида пистачиликни ривожлантириш, ёнғоқ мевали ўрмонларни барпо этиш, селекция ва генетикаси бўйича илмий лойиҳалар ишлаб чиқилди. Натижада, селекционер олимлар томонидан мамлакатимизнинг аридли тоғ минтақалари шароитига мос бўлган хандон пистанинг 8 дан ортиқ навлари ва шакллари яратилди ҳамда иқлимлаштирилди. Бу навлар асосида Республикамининг Фарғона ва Жиззах

вилоятларидаги ўрмон хўжаликларидан 100 гектардан ортиқ майдонларда писта плантациялари барпо этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 19 январдаги 5-сонли баёнининг "2015-2017 йилларда Ўрмончилик соҳасини ривожлантириш, доривор ва озқабоб ўсимликлар хом ашёсини етиштириш, тайёрлаш ва қайта ишлашни янада кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар дастури" ижросини таъминлаш мақсадида бугунги кунда муассаса олимлари томонидан республи-



камининг турли иқлим ва тупроқ шароитларида доривор ўсимликларни кўпайтириш, иқлимлаштириш ва етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича инновацион лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, 2015 йилда муассасамиздаги ишларни янада ривожлантириш мақсадида "Доривор ўсимликлар деҳқончилиги" ва "Молекуляр генетика, селекция ва уруғчилиги" лабораториялари ташкил этилди.

Ҳозирги вақтда Республикамининг барча вилоятларида жойлашган шаҳар марказлари ва қишлоқ атрофларини ободонлаштириш ҳамда аҳоли яшайдиган ҳудудларнинг иқлим ва тупроқ шароитини яхшилашда ҳудуднинг иқлим ва тупроқ шароитига мос келадиган манзарали дарахт ва бута турларини танлаш борасида ҳам изланишлар давом эттирилмоқда.

Б.ТҶХТАЕВ,

МБ ва ЎХРИИЧ директори, б.ф.д.

Ч.ТУРОПОВ,

директор ўринбосари,

Б.МАМУТОВ,

Катта илмий ходим,

Ш.ОМОНОВ.

ЭКИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ҒЎЗА НАВЛАРИ КЎСАКЛАРИНИНГ ОЧИЛИШ ДИНАМИКАСИ

It was proved that after autumnal plough, making cotton crop's furrows 90 cm is one of the main agrotechnologies in the growth of cotton crop.

Фарғона вилоятининг ўтлоқи соз тупроқлари шароитида ўтказилган тадқиқотларимизда қўлланилган агротадбирларнинг ғўза навлари кўсақларининг очилиш динамикасига бевосита таъсири борлиги кузатилди. (1-жадвал). 2012-йил шароитида ғўза навлари кўсақларининг очилишини аниқлаш бўйича кузатувлар 17 августда бошланиб, ҳар 2 кунда (курнора) давом этирилди ва кўсақлар 40,0-43,8 % очилиши 29 августга га тўғри келди.

Ғўза навларининг кўсақлари очилиш жадаллиги аввало уларнинг биологик хусусиятларига боғлиқлиги бизнинг тажрибаларда яна бир бора исботланди.

Чигит якка қаторда 60x18-1 тизимда 90-95 минг/га кўчат қалинлигида экилган (1, 6) вариантлар-

Ғўза навларининг чигитлари 60x11-1 тизимда 145-150 минг/га кўчат қалинликларидида экилган (2, 7) вариантларда юқоридаги кўрсаткичлар мутаносиб равишда 3,0-3,0 ва 40,0-38,1 % ни ташкил қилиб, фарқланиш эса 1,9 % га тенг бўлди. Қолаверса бу кўчат қалинлигида ғўза навларининг кўсақлари 90-95 минг/га га нисбатан 0,8 ва 1,7 % га камроқ очилиб, кўчат қалинликларининг ортиши билан ғўзанинг ривожланиш даражаси ва кўсақлар очилишининг пасайишини кўрсатади.

Энди ғўза навлари 90x12-1 ва 90(60x30)-15-1 тизимда 90-95 ва 145-150 минг/га кўчат қалинликларидида ўстирилган (3, 4 ва 8, 9) вариантлардаги кўрсаткичларига келсак, кузатувнинг охирида (29 август) кўсақларнинг очилиши

Демак, 60 см. ли қатор оралиғида экилганга нисбатан 90 см. ли қилиб экилганда юқори натижалар олиниши аниқланди. Шунингдек, ҳар иккала ғўза навлари кўсақларининг очилиш жадаллиги уларнинг чигитлари пуштага экилганда кузатилди ва кузатувнинг охирида 43,8 ва 42,4 % очилганлиги аниқланди. Бу кўрсаткичлар юқоридаги барча вариантларникидан 2,8-3,8 % га кўпроқ бўлганлиги кузатилди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Фарғона вилоятининг ўтлоқи соз тупроқлари шароитида ғўзанинг Андижон-36 нави кўсақлари Султон навиникига нисбатан 1,0-1,5 % га тезроқ очилиши кузатилди. Нисбатан юқори натижалар ғўза навлари кузда пушта олиниб экилганда олинди ва кузатувнинг охирида 43,8-42,4 % га тенг бўлганлиги

1-жадвал. Экиш усуллари, тизимлари ва кўчат қалинликларининг ғўза навлари кўсақларининг очилишига таъсири, (%) 2012 й.

Т/р	Экиш усуллари	Экиш тизимлари	Назарий кўчат қалинлиги, минг/га	Кузатув муддатлари						
				17.08	19.08	21.08	23.08	25.08	27.08	29.08
Андижон-36 ғўза нави										
1	Якка қаторда экиш	60x18-1	90 – 95	3,2	12,0	17,6	27,8	30,3	34,5	40,8
2	Якка қаторда экиш	60x11-1	145 – 150	3,0	10,1	15,1	26,5	30,1	33,1	40,0
3	Якка қаторда экиш	90x12-1	90 – 95	4,1	13,1	18,2	28,3	32,8	35,6	41,8
4	Кўш қаторда экиш	90 (60x30)-15-1	145 – 150	3,8	12,1	17,3	27,8	31,3	34,3	40,2
5	Пуштага экиш	90x12-1	90 – 95	6,0	14,6	19,8	28,9	35,1	37,6	43,8
Султон ғўза нави										
6	Якка қаторда экиш	60x18-1	90 – 95	3,1	12,1	16,8	28,1	30,1	35,3	39,8
7	Якка қаторда экиш	60x11-1	145 – 150	3,0	11,0	15,9	27,1	30,0	34,5	38,1
8	Якка қаторда экиш	90x12-1	90 – 95	4,0	13,8	18,0	29,1	32,0	36,0	40,8
9	Кўш қаторда экиш	90 (60x30)-15-1	145 – 150	3,9	12,0	17,1	27,2	31,3	34,1	40,3
10	Пуштага экиш	90x12-1	90 – 95	6,1	13,8	19,7	28,9	34,5	37,0	42,4

да ғўза навларига мутаносиб равишда кўсақларнинг очилиш тезлиги 17 августда 3,2 ва 3,1 % ни, 12 кундан кейин эса 40,8 ва 39,8 % ни ташкил қилди. Ғўзанинг Султон навининг кўрсаткичлари Андижон-36 никига нисбатан 1,0 % пастроқ бўлганлиги аниқланди, бу ҳолат Султон навининг иссиқталаб эканлигини кўрсатади.

41,8-40,2 ва 40,8-40,3 % га тенг бўлди. Бу кўрсаткичлар бир-биридан 1,6 ва 0,5 % га якка қаторда 90-95 минг/га кўчат қалинликларидида экилган вариантлар фойдасига фарқланади. Лекин 60 см. қатор оралиғида экилганларга нисбатан ғўза навларига мутаносиб равишда 1,0-0,2 ва 1,0-2,2 % га юқори бўлганлиги аниқланди.

аниқланди. Демак, кузги шудгордан сўнг ғўза ўстириладиган майдонларда 90 см. кенгликда пушта олиш ғўзанинг ўсиб-ривожланишини тезлатишдаги асосий агротехнологиялардан бири экан.

Н. ЎРАЗМАТОВ,
мустақил тадқиқотчи,
ПСУЕАИТИ Фарғона илмий тажриба
станцияси.

АДАБИЁТЛАР

1. Йўлдошев С.Х. и др. Факторы урожайности хлопчатника. Изд-во. Фан. - Ташкент. 1982. - С. 165.
2. Исломов У.Р. Разработать технологии возделывания хлопчатника на гребнях на слабозасоленных почвах Джизакской области. Диссертация на соис. канд.с-наук. - Ташкент. 1994, - С. 142.

КАРТОШКА НАВЛАРИ БИРИНЧИ ЙИЛ КЛОНЛАРИДА ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ЎРГАНИШ

Ҳозир республикамызда картошканинг Тўйимли, Ақриб, Сарнав, Серҳосил, Пском, Кўксарой, Қувонч - 1656, Баҳро - 30, Ҳамкор - 1150 ва Бардошли-3 каби бир нечта навлар яратилган ва давлат реестрига киритилган. Лекин бу — навларнинг бирламчи уруғчилигини самарали ташкил этилмаганлиги учун улар катта майдонларга экилмаяпти.

Республикамыз учун хос бўлган ёзнинг юқори ҳарорати ва ҳаво намлигининг пастлиги ҳамда уруғлик сифатини кескин пасайтирувчи вирус касалликларининг кенг тарқалганлиги муайян тупроқ-иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилган экиннинг ўзига хос уруғчилиги тизими ва схемасининг қўлланилиши талаб этилади.

Картошка янги навларининг жа-

ди. Тадқиқотлар бундай усулда етиштириш учун Ўзбекистоннинг Зарафшон воҳаси шароити учун картошканинг Қувонч 1656 м, Баҳро 30, Ҳамкор 1150 ва Сантэ навлари баҳорги ва ёзги муддатларда етиштириш учун яроқли эканлигини кўрсатди.

Ёзда янги ҳосили қовлаб олинган туганаклари билан қайта экиш уруғчилик схемасини икки марта жадал-

кор -1150 нави ўсимликларнинг ўсув даври давомийлиги узунроқ бўлди. Бу нав ўсимликларнинг униб чиқишдан то палак сарғайишгача бўлган даври 86 кунни ташкил қилди, Баҳро -30 навининг вегетация даври эса 79 кунни ташкил қилди. Стандарт сифатида олинган Сантэ навида эса бу кўрсаткич 83 кун давом этди.

Фенологик кузатишлардан олинган натижалардан шуни хулоса қилиш мумкинки, ўсув даврининг давомийлигига қараб Қувонч - 1656 навини тезпишар, Баҳро -30 навининг ўртапишар, Ҳамкор -1150 навини эса ўртапишар навлар деб хулоса қилиш имконини беради.

Ҳосилдорлик ва ҳосил структура-си. Навларнинг эртаги муддатда етиштирилгандаги ҳосилдорлик кўрсаткичлари шуни кўрсатадики, бу муддатда етиштирилганда энг юқори кўрсаткич Баҳро -30 навидан олинди. Бу нав ҳосилдорлиги гектаридан ўртача 35,3 тоннани ташкил қилган бўлса, Ҳамкор -1150 навида бу кўрсаткич 32,6 тоннани, Сантэ навида 34 тоннани ва Қувонч - 1656 навида 31 тоннани ташкил қилди.

Ҳосил структураси маълумотларининг кўрсатишича, майда (вазни 30 граммдан кичик) туганаклар чиқимининг пастлиги ва йирик (вазни 80 граммдан катта) туганакларнинг чиқими кўплиги буйича энг юқори кўрсаткич Баҳро -30 навида кузатилди.

Олинган натижалар ўрганилган ҳамма навлар ҳам Тойлоқ тумани шароитида баҳорги муддатда етиштириш учун мос эканлигини, уларнинг ҳаммаси ҳам тавсия этилган технология қўлланилганда гектаридан 30-35 т. ҳосил бера олишини кўрсатади.

**А.ИСМОЙЛОВ,
Ш.ЖАББОРОВ,
Ф.ОБЛОҚУЛОВ,
Х.БЕКМУРОВОДА,
СамҚХИ.**

Баҳорги муддатда экилган картошка навларининг биринчи йил клонларида ўтказилган фенологик кузатиш натижалари.

Экиш 18.03. схема, 70x25 см

1-жадвал

№	Нав номи	Фазалараро даврлар давомийлиги, кун ҳисобида				
		Экиш- униб чиқиш	Униб чиқиш-шоналаш	Шоналаш-гуллаш	Гуллаш-палак сарғайиш	Униб чиқиш-палак сарғайиш
1	Сантэ	23	34	11	38	83
2	Қувонч - 6/56 м	21	33	9	34	76
3	Баҳро -30	24	33	8	38	79
4	Ҳамкор - 1150	27	32	11	43	86

даллашган бирламчи уруғчилиги технологиясини такомиллаштириш мақсадида 2016 йил баҳорги ва ёзда янги қовлаб олинган туганаклари

лаштириш имкониятини яратади.

Баҳорги муддатда тавсия этилган технологиялар асосида картошка етиштирилиши картошка биринчи

Картошка навларининг биринчи йил клонларида навлар ҳосилдорлиги ва ҳосил структураси. (2016 йил баҳорги муддатда етиштирилган)

2-жадвал

Навлар	Ҳосилдорлик, т/га	Ҳосил структураси, грамм %		
		< 30 г	30 – 80 г	> 80 г
Ҳамкор 1150	32.6	6.0	77.2	16.8
Сантэ	34.0	6.3	76.7	17.0
Баҳро -30	35.3	5.8	72.8	21.4
Қувонч 1656 м	31.0	7.2	78.1	14.7

билан қайта экиш асосида ўтказилган тадқиқотлар ўрганилган навларни ёзда янги қовланган туганаклари билан қайта экиб, уруғлик картошкadan юқори, сифатли ҳосил етиштириш мумкинлигини исботла-

йил клонларидан Сантэ, Қувонч 1656 - м, Баҳро -30 ва Ҳамкор 1150 навлари гектардан 30-35 т. ҳосил олишни таъминлади.

Жадвалдан кўриниб турибдики, ўрганилаётган навлар орасида Ҳам-

АДАБИЁТЛАР

1. Абдукаримов.Д.Т, Остонақулов.Т.Е, Эргашев.И.Т, Луков.М.К. "Ўзбекистонда картошка селекциясига оид тавсиялар" Самарқанд,2005

2. Остонақулов.Т.Е , Ҳамзаев.А. "Ўзбекистонда картошкачиликнинг илмий асослари" Тошкент, 2008

3. Остонақулов Т.Э., Отамуродов Э.О., Нишоннов Н.Т., Остонақулова А.Т. - Картошкани иккиҳосилли экин сифатида ўстиришга оид тавсиялар. Тошкент, 2003.

БЕНТОНИТЛИ КОМПОСТЛАР ВА УЛАРНИНГ ОЗИҚАВИЙ ТАРКИБИ

There described data on the improvement of nutrient elements at the compost storage prepared by Khovdag bentonite and local organic fertilizers.

Компостлар — тайёрлаш ва сақлаш жараёнида агрокимёвий таркиби ўзгаради. Уч ой сақланганда таркибидаги озиқ моддаларнинг тўпланиб ошиб бориши компостларни тайёрлашдаги қўшилган асослар ва сақланиш муддатларига кўра ўзгариши тадқиқотларда кузатишган.

Илмий изланишларда тупроқда гумус ва умумий азот миқдорининг ортиб бориши мос ҳолда кўшимча равишда гектарига 40 т. гўнг солинганда ғўзадан 5,9 ц/га юқори ҳосил олинган. Тупроққа маъдан ўғитлардан ташқари органик ўғитлар солинмаса, гумуснинг миқдори ва таркиби ўзгариб, сифати ёмонлашади. Демак, деҳқончиликда тупроқни органик моддаларга бойитиб, кучли гумус қатламини яратишга қаратилгандагина маъдан ўғитларнинг самараси ошади

Ноанъанавий органоминерал компостларни тайёрлашда уларнинг асослари, ховдак бентонит лойқаси ва турли гўнглarning ўзаро нисбатлари ва жараён давомийлигига кўра, таркибидаги озиқа элементларининг ўзгариши ўзига хос бўлди.

Ярим чириган қорамол гўнги жараён бошланишдан аввал мавсумнинг бошида таҳлил қилинганда намлиги 54,7 %, куруқ моддаси 45,3 %, кули 23,1 %, органик моддаси 22,2 % ва таркибидаги озиқа моддалари: умумий азот 0,42 %, фосфор 0,21 % ва калий 0,49 % ни ташкил қилган. Намлик даражаси сув билан етарли ҳолатга келтирилиб тайёрлаш технологиясига кўра, тўрт ой давомида устки қисми 10-15 см. тупроқ билан зич ёпиб қўйилганлиги сабабли жараён охирида олинган намуналар таҳлил этилганда қорамол гўнги таркибида намлиги 53,4 %, куруқ моддаси 46,6 %, кули 24,0 %, органик моддаси 22,6 % ва таркибидаги озиқа моддалари: умумий азот 0,45 %, фосфор 0,23 % ва калий 0,53 % ни ташкил қилган. Оддий қорамол гўнгини технологияга асосан тўрт ой давомида етарли намлик ва ҳароратда сақлаш натижасида микробиоло-

гик, агрокимёвий ва термик жараёнлар қулай кечиши натижасида озиқа моддалар йўқолиши камайиб, озиқа элементларнинг миқдори ошиб борган.

Органик ўғитлар тақчиллигини юмшатиш, уларнинг миқдорини кўпайтириш, сифати ва самарасини яхшилаш усулларида бири захираси мўл бўлган бентонит лойқаси ва турли органик ўғитлар асосида компостлар тайёрлаш анча арзон бўлади. Чунки бундай компостлар гўнгларга нисбатан тупроқда микроорганизмлар ёрдамида жуда тез парчаланаяди ва таркибидаги углерод жадал оксидланади.

Тадқиқот ишида 1:0,4 нисбатда 15,0 т. ярим чириган ҳолдаги қорамол гўнги ва 6,0 т. бентонит ҳамда 10,0 т. қўй гўнги + 6,0 т. бентонит лойқаси асосида компост тайёрлаш жараёни ва сақланиш муддатларига кўра, тўрт ой давомида сақланиб, ҳар ойда намуналари таҳлил қилиб борилди.

Таҳлиллар натижасига кўра, амал даври бошида қорамол гўнги ва бентонит асосида тайёрланган компостнинг намлиги 52,2 %, куруқ моддаси 47,8 %, кули 24,7 %, органик моддаси 23,1 % ва таркибидаги озиқа моддалари: умумий азот 0,44 %, фосфор 0,22 % ва калий 0,52 % ни ташкил қилган. Орадан уч ой ўтгандан сўнг компостларни сақлаш давомида қулай ҳарорат, микробиологик ва агрокимёвий жараёнларнинг жадал кечиши ва органик моддаларнинг парчаланishi натижасида умумий озиқа элементлар миқдори ошиб, намлиги 52,8 %, куруқ моддаси 47,2 %, кули 24,1 %, органик моддаси 23,1 % ва умумий азот 0,48 %, фосфор 0,25 % ва калий 0,57 % ни ташкил қилди ва бошланғич даврдигига нисбатан озиқ элементларининг тўпланиши, жумладан, азот 0,04 %, фосфор 0,03 % ва калий миқдори 0,05 % кўпайганлиги аниқланди.

Компостларни тайёрлашда органоминерал кўшимчаларни имкон қадар иқтисод қилиш мақсадида, ярим чириган ҳолдаги қорамол

гўнги ўрнига 10,0 т қўй гўнги ва 6,0 т бентонит лойқаси асосидаги органик озиқани сақлаш муддатидан сўнг олинган таҳлиллар натижасига кўра, намлиги 53,1 %, куруқ моддаси 46,9 %, кули 24,0 %, органик моддаси 22,9 % ва озиқ моддалари: умумий азот 0,43 %, фосфор 0,22 % ва калий 0,53 % ни ташкил қилган, тўрт ойдан сўнг компостнинг таркибидаги озиқ элементлари 0,04; 0,02 ва 0,05% га ошганлиги кузатишди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, компостларни тайёрлашда ёз ойлари турли нисбатдаги аралашмалар етарли ҳарорат ва намликда сақланса, таркибидаги кул миқдори қисман ортиши ва органик модда миқдори камайиб, озиқа моддалар миқдори кўпайиб борди. Компостларни тайёрлаш жараёнида кўшимча озиқа ва мелиорант сифатида тупроққа қўлланилиши кўзда тутилаётган органик-минерал компостларни тайёрлашда уларнинг асослари ва нисбатларини тўғри танлаб сарфини камайтириб таркибидаги озиқ моддалар миқдорини имкон қадар ошириш мумкин.

Таъкидлаш мумкинки, 10,0 т. қўй гўнги ва 6,0 т. бентонит лойқаси асосида тайёрланган ноанъанавий органик-минерал компостлардаги озиқ моддалар тўпланиши ярим чириган ҳолдаги 15,0 т. қорамол гўнгига ва 6,0 т. бентонит асосида тайёрланган компостларнинг таркибидаги озиқ моддалари миқдорига анча яқин бўлди. Демак, булардан кўринадики, тупроқ унумдорлигининг пасайиб бораётганлиги ва кўшимча органик озиқаларнинг тақчиллиги сезилган бир даврда захираси кўп ноанъанавий агрорудаларни ва шулар асосида тайёрланган органик-минерал компостларни кўшимча озиқа сифатида тупроққа қўллаш арзонлиги ва самараси юқорилиги билан ишлаб чиқаришда деҳқонларга манзур бўлиб, маъдан ва маҳаллий ўғитларни 15-20% га иқтисод қилиш имконини беради.

С.БОЛТАЕВ, к.х.ф.н., к.и.х.

БОШОҚЛИ ДОН ЭКИНЛАРИ СЕЛЕКЦИЯСИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

In article is told about main trends to breeding of the corn cultures.

Собиқ шўролар даврида Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларидан асосан пахта хомашёси етиштиришда фойдаланилган. Республикамиз мустақилликка эришгунга қадар ғалла асосан ноқулай, қурғоқчил лалмикор ерларда етиштирилган. Шу сабабли республикада яратилган буғдой навлари ҳосили Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё, Тошкент ва Сурхондарё вилоятларининг лалми ерларида етиштириб келинган.

Республикамизнинг суғориладиган шароитларида кузги буғдойни экстенсив типдаги Зўрбуғдой, Албидум, Санзар-2, Санзар-4, Санзар-85, Наврўз каби навлари мавжуд бўлса-да, улар интенсив технология талабларига тўлиқ жавоб бермас эди. Экин майдони 500 минг гектар, ҳосилдорлик гектаридан 6-7 центнерни ташкил этган. Бу эса аҳолининг нон ва нон маҳсулотларига бўлган талабини қондира олмас эди.

Бугунги кунда ер ўз эгасини топиши, фермер хўжалиklarининг ғаллачиликка ихтисослашиши, суғориладиган ҳар гектар ердан ўртача 60-70 центнердан ғалла ҳосили олишга эришилаётганлиги мамлакатимиздаги туб иқтисодий ислохотлар самарасидир.

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти ва унинг минтақалардаги филиал ҳамда илмий-тажриба станцияларида юмшоқ ва қаттиқ буғдойнинг тезпишар, ноқулай ташқи муҳит омиллари ва касалликларга чидамли, дон сифати талаб даражасидаги хориждан келтирилган навларни танлаш, дурагайлаш йўли билан нав яратиш борасида қуйидаги йўналишларда селекция ишлари олиб борилади.

1. Четдан келтирилган нав ва линияларни экологик синаш орқали энг яхши навларини танлаб экишга тавсия этиш.

2. Ўта эртапишар ва эртапишар навлар яратиш.

3. Интенсив типдаги юқори ҳосилли, кам сув ва озуқа талаб этадиган, касалликларга чидамли, ярим пакана ва пакана навларини яратиш.

4. Суғориладиган шароитда сифатли дон берадиган юқори ҳосилли кучли буғдой навларини яратиш.

5. Суғориладиган ерларда юқори ва сифатли ҳосил берадиган қаттиқ буғдой навларини танлаш ва янги навларини яратиш.

Юқоридаги йўналишлар бўйича четдан, жумладан, Краснодар ўлкасидан келтирилган навларнинг экологик нав синови натижасида Крошка, Половчанка, Краснодарская-99, Таня, Москвич, Кума, Есаул, Восторг, Нота Гром, Первица, Грация Юка, Калым, Вершина, Зимница, Сила, Васса, Табор, Бригада, Курен навлари, Сербиянинг Нови Сад селекциясига оид Рапсодия, NS-40S навлари танлаб олиниб, экиш учун Давлат реестрига киритилди.

Кейинги йилларда эса янги истиқболли, тезпишар, дон ҳосили ва сифати юқори, қурғоқчиликка ва совуққа чидамли навлардан Иришка, Ласточка, Афина, Юмпа, Лебедь, Айвина, Краля, Просковья, Адель, Стан навлари ҳамда янги линиялари институтнинг селекция жараёнидаги турли хил кўчатзорларда синовлардан ўтмоқда.

Бошоқли дон экинлари селекциясида олиб борилаётган илмий тадқиқотларни янада кучайтириш, жаҳон талаблари даражасига кўтариш борасида хорижий давлатлар илмий муассасалари билан ҳамкорлик йил сайин мустақамланиб бормоқда. Россия, Қозоғистон, Франция ва Сербия давлатларининг илмий-тадқиқот институтларидан бошоқли дон экинларининг географик келиб чиқиши ва биологик-хўжалик белгилари бўйича бир-биридан фарқ қиладиган 5000 дан ортиқ дунё генофонди коллекция нав ва намуналари тўпланди ва улар ҳар томонлама баҳоланиб, селекцияда бошлангич материал сифатида кенг фойдаланиб келинмоқда.

Янги маҳаллий навларни яратишда географик келиб чиқиши бўйича узок, биологик ва хўжалик

белгилари билан бир-биридан фарқ қиладиган, юқори ҳосилли, касалликларга чидамли, дон сифати юқори бўлган нав ва линиялар орасида ҳар йили 450-500 та комбинацияда оддий, мураккаб усулларда чатиштириш ишлари ўтказилмоқда. Чатиштириш натижасида дурагай уруғларнинг ҳосил бўлиш самардорлиги 70-85 фоизни ташкил этмоқда. Натижада, институтда яратилган дурагай популяциялар, яъни F1-F7 бўғинларда ўрганилаётган 15 мингдан ортиқ дурагай популяциялар ҳар томонлама баҳоланиб, танлаш ишлари олиб борилмоқда.

Дастлабки нав синови кўчатзорида 65 та, кузги юмшоқ ва қаттиқ буғдойнинг рақобатли нав синаш кўчатзорида 45 та нав ва намуналар синалиб, юқори кўрсаткичга эга бўлганлари янги нав сифатида Давлат нав синаш комиссиясига синовга топширилиб келинмоқда.

Институт ва унинг вилоят филиал ҳамда илмий-тажриба станцияси селекционер олимлари томонидан шу кунгача кузги юмшоқ ва қаттиқ буғдойнинг 50 дан ортиқ навлари яратилиб, республика қишлоқ хўжалик экинларини синаш Давлат комиссиясига топширилиб, улардан Чиллаки, Андижон-1, Андижон-2, Андижон-4, Марс-1, Бобур, Дурдона, Омад, Манонат, Шодлик, Аср, Муфтало, Звезда, Давр, Ёғду, Жайхун, Яксарт, Туркистон, Эломон, Хазрати Башир Саидазиз, Денов-1, Ҳосилдор, Кўк булок, Бўзқалъа, қаттиқ буғдойнинг Қаҳраб, Садаф, Макуз-3, Марварид навлари экиш учун давлат реестрига киритилди.

Давлат нав синаш комиссияси томонидан республика ҳудудида экишга тавсия этилган маҳаллий навларнинг салмоғи йилдан-йилга ортиб бориб, умумий ғалла майдонларининг 30-35 фоизини ташкил этмоқда.

**Р.СИДДИҚОВ, И.ЭГАМОВ,
Н.ЮСУПОВ,**

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Д.Т.Абдураимов. "Донли экинлар селекцияси ва уруғчилиги". Тошкент, 2000 йил, Н.Доба ХТ матбаа, 399-бет.
2. Л.А. Животкова. "Пшеница", Киев-Урожай-1989г. 308-стр.
3. П.Н.Рыбалкин. "Пшеница и Тритикале" Материалы научно-практической конференции "Зеленая революция. П.П.Лукьяненко" Краснодар, 28-30 мая 2001 г. 790-стр.

КУЗГИ ЮМШОҚ БУҒДОЙНИНГ "ФАРБОМА" НАВИ

Autumn soft wheat intensive types fertile, durable for illness and pests, creating strong-soft grain sorts is on of the main peak problems of selection. Such kind of sorts which according to demands three types of new intensive autumn soft wheat "Jasmina", "Amira", "Farboma" was created

Республикаимизда буғдой селекцияси ва уруғчилигида катта ютуқларга эришилмоқда. Бу ютуқлар заминда олимларимизнинг олиб бораётган илмий тадқиқотлари натижасида ҳосилдор, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, дон сифати юқори навларнинг яратилиши ва ҳар бир ҳудуднинг тупроқ- иқлим шароитларига мос навларни жойлаштириш, ҳар бир нав учун алоҳида агротехнологиялар ишлаб чиқиш эвазига амалга оширилмоқда.

Кейинги йилларда Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида ҚХА-8-028 "Суғориладиган ерларда занг касаллигига, табиатнинг ноқулай омилларига чидамли серҳосил кучли ва қимматли юмшоқ буғдой ҳамда анғизга экиладиган ловиянинг тезпишар навларини яратиш ҳамда уларнинг ресурстежамкор агротехнологияларини ишлаб чиқиш" ва ҚХА-8-007-2015 "Кузги буғдойнинг суғориладиган ерлар учун интенсив типдаги, серҳосил, дон сифати кучли ва қимматли буғдой талабларига жавоб берадиган навларни яратиш" мавзусидаги тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Дала тажрибалари Жомбой туманида жойлашган "Фарбома селект" ва "Узуновул далалари" фермер хўжалигида олиб борилмоқда. Селекция ишларини олиб боришда Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти ҳамда ҳалқаро илмий марказлар CIMMYT ва ICARDA ташкилотларининг жаҳон коллекциясидан олинган юмшоқ буғдой нав намуналари материаллари, Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти нав намуналари, кузги буғдойнинг Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалик экинлар навлари Давлат реестрига киритилган 500 дан ортиқ навларидан фойдаландик.

Тажрибани жойлаштириш, ҳисоб ва таҳлиллар ВИР (Собиқ Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институти) услуги бўйича (1984), биометрик таҳлиллар ва фенологик кузатув ишлари қишлоқ хўжалик экинлари Давлат нав синаш комиссиясининг (1985, 1989) чиқарган услуги бўйича олиб борилди. Математик таҳлиллар Доспехов Б.А. (1985) томонидан ишлаб чиқилган услубий қўлланма асосида бажарилди. Касалликларга чидамликни баҳолаш халқаро ICARDA Марказида ишлаб чиқилган шкала бўйича (%) да баҳоланди (1996).

Стандарт нав сифатида Давлат реестрига киритилган юмшоқ буғдойнинг Краснодарская - 99 нави олинди.

Нав намуналари ичидан эртапишар, ҳосилдор, ётиб қолишга, ка-



саллик ва зараркунандаларга чидамли нав намуналарини ажратиб, улар орасида дурагайлаш ишлари ўтказиб бир қанча янги интенсив типдаги "Жасмина", "Фарбома", "Амира" навларини яратдик.

Ушбу навлар Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ва "ФАРБОМА СЕЛЕКТ" илмий уруғчилик фермер хўжалиги ҳамкорлигида яратилган.

Нав муалифлари: Ф.С.Ғайбуллаев, М.Ғ.Усманов, Т.Э.Остонакулов, Н.Х.Халилов, П.Х.Бобомирзаев, И.Т.Эргашев.

Келиб чиқиши: Куялник х Скифиянка дурагай чапишмасидан якка ва оммавий танлаш йўли билан яратилган.

Умумий тавсифи: ҳаёт тарзи кузги, ўсимлик бўйи 90-100 см, ётиб қолишга чидамли, совуққа чидамли, тўкилиш ва қурғоқчиликка чидамли, пишганда дони тўкилиб кетмайди, ўртапишар, эритроспермум турхилига мансуб, бошоғи цилиндрсимон, бошоқ узунлиги ва зичлиги ўртача, бошоқ узунлиги 9-10 см, бошоқча қобиғининг шакли овалсимон, елкаси тўғри, ўртача кенгликда, бошоқча қобиғининг тишчалари асосига томон кенгайган, дони қизил рангда, йирик донли, дон ариқчасининг чуқурлиги юза жойлашган.

Ҳосилдорлиги: ўртача ҳосилдорлиги 70-80 ц/га. Нав интенсив навлар қаторига кириди.

Ун ва нонбонлик сифати: 1000 дон дон вазни 42-43 г, дон натураси 810-820 г/л. Дон сифати бўйича қимматбаҳо буғдой гуруҳига кириди.

Касалликларга чидамлилиги: нав сариқ ва қўнғир занг, ун шудринг касалликларига чидамли, септориозга ўртача чидамли, бошоқ фузариозига ўртача чидамли, чанг қора қуяга чидамли.

Экиш муддати: ҳар бир минтақа учун мақбул муддат.

Экиш меъёри: 4,5 - 5,0 млн. унувчан уруғ гектарига.

Нав 2017 йил Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига Самарқанд, Навоий, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари учун истиқболли нав сифатида киритилди.

Навнинг бирламчи уруғчилиги "ФАРБОМА СЕЛЕКТ" илмий уруғчилик фермер хўжалигида олиб борилмоқда.

Ғ.ҒАЙБУЛЛАЕВ,

СамҚХИ мустақил изланувчиси,

Т.ШОКИРОВ,

магистрант.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдукаримов Д.Т. Дон экинлари селекцияси ва уруғчилиги. Тошкент-2011.
2. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. - М.: "Агропромиздат", 1985.

МАГНИЙ КАРБОНАТЛИ ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

The article provides analytical data on the effects of phosphate fertilizers on the dynamics of mobile phosphorus in different types of soil salinity magnesium carbonates. Optimal application rates of phosphate fertilizers for cotton and vegetable crops.

Суғориб деҳқончилик қилинадиган ерлар унумдорлигини сақлаш, ошириш ва улардан самарали фойдаланиш мамлакатимизнинг барча ҳудудлари учун асосий муаммолардан биридир. Бундан ташқари, ҳозирги вақтда республикамиз суғориладиган тупроқларида шўрланиш, эрозияланиш, гумус ва озика моддаларининг камайиши каби деградация жараёнлари тезлашмоқда. Шу сабабли миллий бойлигимиз ҳисобланадиган ер

роқ типчалари бўйича - 1,13 - 1,30, умумий азот, фосфор ва калий тегишлича: 0,092 - 0,098; 0,163 - 0,23; 2,20 - 2,42 % ни ташкил этиб, ҳаракатчан фосфор билан жуда кам ва кам, алмашинувчан калий билан кам таъминланган тупроқлар гуруҳига киради.

Умумий карбонатлар миқдори 28,5 % бўлиб, шундан калций карбонат 21,8 % ни ташкил этади. Тупроқ сингдириш сизими 100 гр. тупроқда 15,6 мг/экв ташкил этди. Сингдириш сизимининг 12,4 мг/экв ти Ca_2+ катионига тўғри келади.

Тажрибада аммиакли селитра, калий хлориди, фосфорли ўғитлар сифатида азот-фосфорли ўғит (АФУ-10 % N, 10 % P_2O_5), нитрокальцийфосфат ўғити (НКФУ - 6 % N, 16 % P_2O_5) ва PS-агро (умумий фосфор 31-41 %, аммиак шаклидаги азот 4-7 % гача, 10-15 % СаО, 5-11 % гача SO_3 сақлайди) ўғитлари аммофос ўғитига қиёсан ўрганилди.

Ўғитсиз назорат вариантларида тупроқ таркибидаги ҳаракатчан фосфор миқдори вегетация давомида қаммайиб борган бўлса, ўғитлар қўлланилган вариантларда ҳаракатчан фосфор миқдори ошиб борди.

Қизилқум фосфоритлари асосида олинган фосфор сақловчи ўғитлар бир хил меъёрада қўлланилган вариантларда аммофос ўғити қўлланилган вариантларга нисбатан тенг аҳамиятли бўлди. Бир хил меъёрада қўлланилган вариантларда ғўзани бутун вегетация давомида етарли фосфор билан таъминлаб, вегетация охирида 1 - 2 мг/кг га оширди (1 - расм).

1 - расм. АФУ ва НКФУ ўғитларининг тупроқ таркибидаги ҳаракатчан фосфор миқдорига таъсири, мг/кг. (0-30 см. қатламда, Б.П.Мачигин бўйича)

Сабзавот экинлари, жумладан, оқбош карамнинг ўсув даври нисбатан қисқа бўлишига қарамасдан, P_2O_5 нинг дастлабки миқдори ўсув

даври охирига келиб ўзлаштириш ҳисобига 3,4 мг/кг. га камайишига олиб келди. НКФУ ўғитининг ошиб борувчи меъёрларида карамнинг дастлабки ўсиш фазаларида P_2O_5 нинг миқдори 32,6 мг/кг. дан 39,9 мг/кг. гача ошиши кузатилди.

Бир хил меъёрада қўлланилган фосфор сақловчи ўғитлар деярли тенг фосфат даражаси ҳосил қилиши лозим эди. Аммо аммофос ва НКФУ ўғитлари нисбатан тенг, 32,1; 31,6 мг/кг. P_2O_5 ҳосил қилди (2-расм).

Техник етилиш фазасида тупроқда фосфатлар даражасини ташкил қилишига кўра ўғитлар бир хил йиллик меъёрада қўлланилганда куйидаги кетма кетликда жойлашди: PS-агро — НКФУ — аммофос. Тупроқдаги фосфат даражасини ошириши бўйича ўғитлар турлари ўртасида кескин фарқларнинг кузатилмаслиги, бизнинг фикримизча, ўғит ишлаб чиқарилиш шакли, тупроқдаги карбонатлар миқдорининг юқорилиги, ўғитлар рН кўрсаткичи тупроқ муҳити реакцияси ва экиннинг фосфор ўзлаштирилиши билан боғлиқдир.

НКФУ ўғити меъёрининг 60 кг. дан 180 кг/га гача оширилиши ҳаракатчан фосфор таъминотининг дастлабки миқдори (26,5 мг/кг P_2O_5) - нинг ошишига (30,4 мг/кг) олиб келди.


2 - расм. Фосфор сақловчи ўғитларнинг тупроқ таркибидаги ҳаракатчан фосфор миқдорига таъсири, мг/кг P_2O_5 .

Хулоса қилиб айтганда, карбонатли типик бўз, ўтлоқи ва ўтлоқи бўз тупроқлар шароитида қишлоқ хўжалик экинлари, жумладан, ғўза, картошка, карам, ширин (чучук) қалампир ва пиёз экинларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда Қизилқум фосфоритлари асосида олинган фосфор сақловчи ўғитларни N250 K125 фонида 175 кг/га P_2O_5 ҳолида (ғўза учун) ва N200 K90 фонида 140 кг/га P_2O_5 ҳолида (картошка ва сабзавот экинлари учун) қўллаш орқали юқори самарадорликка эришиш мумкин.


М.ХАЙИТОВ,

М.МАШРАБОВ,

Самарқанд қишлоқ хўжалик институту.



ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ҳамда ошириш даврнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.



Самарқанд вилояти карбонатли шўрланган типик бўз, ўтлоқи-бўз ва ўтлоқи тупроқлар шароитида қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш учун турли фосфор сақловчи ўғитларнинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида дала тажрибалари олиб борилмоқда.

Тажриба даласи тупроқлари (0-30 см) таркибидаги гумус миқдори туп-

ВЛИЯНИЕ СРОКОВ ЧЕРЕНКОВАНИЯ ПОБЕГОВ НА РОСТ И РАЗВИТИЕ САЖЕНЦЕВ МАСЛИНЫ

The scientific article is an experimental material to study the timing of grafting shoots of olive varieties of Nevaldilo and Gemlik for the cultivation of these varietal clonal saplings. Research has shown that the optimal timing of grafted shoots both varieties of olives in terms of Surkhandarya region of the Republic of Uzbekistan is the first decade of June. When rooting cuttings olives in this period are provided with optimum conditions for root formation of the root and overground part of cultivated plants.

В научной статье приводится экспериментальный материал по изучению сроков черенкования побегов маслины сортов “Невальдильо” и “Гемлик” для выращивания из них сортовых клоновых саженцев. Исследованиями установлено, что оптимальным сроком черенкования побегов обоих сортов маслины в условиях Сурхандарьинской области Республики Узбекистан является первая декада июня. При укоренении черенков маслины в этот срок обеспечиваются оптимальные условия для ризогенеза корневой и надземной части выращиваемых саженцев.

Успех черенкования у многих древесных и кустарниковых пород зависит от сроков заготовки черенков. Различные виды и сорта растений имеют определенные периоды для оптимального черенкования. У трудно укореняемых видов и сортов он довольно непродолжителен и совпадает с определенными периодами роста побегов, у одних - с фазой интенсивного роста, у других - он перемещается на конец фазы интенсивного роста. У группы растений, имеющих непродолжительный период покоя, черенкование практически можно проводить в течение всего вегетационного периода. К этой группе относится и маслина. От сроков черенкования зависят не только укореняемость черенков, но и сроки корнеобразования, пробуждаемость почек на черенке, степень развития корневой и надземной части, вызревание побегов и перезимовка саженцев.

Влияние сроков черенкования побегов маслины на развитие растений изучалось на двух сортах “Гемлик” и “Невальдильо”. Посадку проводили четырех-пяти глазковыми зелеными черенками нарезанными из средней части маточного сортового побега.

Перед посадкой черенки обрабатывали в течение 12

до ноября. Наиболее интенсивный рост побегов отмечался в апреле-мае, когда прирост побегов в длину за сутки достигал 0,5-1,0 см. В середине июня отмечалось затухание роста побегов. У сорта “Гемлик” период интенсивного роста завершался раньше, чем у сорта “Невальдильо”.

В зависимости от сроков посадки каллусообразования у черенков начиналось на 5-9 день. Начало образования первых корней отмечалось на 9-15 день, чаще всего на 10-12 день; массовое корнеобразование на 9-20 день, большей частью на 16-18 день. Начало роста побегов наблюдалось на 18-30 день, чаще всего на 22-25 день, то есть, различия по срокам ризогенеза корневой системы между сортами незначительные.

Укореняемость черенков во всех сроках посадки черенков маслины в опыте была высокая 90-97%.

У обоих сортов во все сроки посадки черенки образовывали довольно развитую корневую систему, которая имела 2,7-3,9 порядка ветвления, с большим количеством корней первого порядка - от 19,3-32,6 шт., суммарной длиной от 7,3 до 13,3 м. и объемом корней от 7,3 до 13,3 см³. Наиболее мощная корневая система у саженцев развивалась при раннем сроке черенкования, т.е. при посадке 25 мая. Общая длина корней в этом варианте опыта превышала другие сроки черенкования в 1,5-3 раза. При более поздних сроках черенкования размер и объем корневой системы растений уменьшался. При черенковании 10 июля количество формируемых корней первого порядка у саженцев было в 1,3-1,6 раза меньше, длина в 2,3-2,9 раза и объем корневой системы в 1,5-1,8 раза чем при черенковании побегов 25 мая.

Сокращение периода вегетации саженцев маслины обусловило уменьшение общих параметров развития растений. Высота растений за черенкованных 10 июля была в 2,9-4,1 раза меньше высаженных 25 мая, а общий прирост побегов соответственно в 4,5 раз.

Ранняя посадка черенков в субстрат наряду с увеличением общей длины прироста побегов стимулировала развитие ассимиляционной поверхности листьев растений в 2,4-3,6 раза в сравнении с высадкой черенков 10 июля.

Выводы:

1. Оптимальным сроком высадки зеленых черенков маслины в субстрат для укоренения является третья декада мая - первая декада июня, при которых

обеспечиваются оптимальные условия для вегетации и развития саженцев.

2. Высадка черенков маслины сортов “Невальдильо” и “Гемлик” в искусственные субстраты в первой декаде июня обеспечивают получение стандартных саженцев в течение пяти-шести месяцев вегетации.

Э.ЖУРАЕВ,

старш. науч. сотр.исслед., ТашГАНУ.

Таблица
Влияние сроков посадки зеленых черенков в субстрат на развитие надземной части саженцев маслины (среднее на одно растение), 2016 г.

Дата посадки черенков	Высота растений, см	Побеги первого порядка		Побеги второго порядка		Общая длина прироста побегов, см	Ассимиляционная поверхность, см ²
		кол-во, шт.	длина, см	кол-во, шт.	длина, см		
Сорт Невальдильо							
25.05	81,9	3,5	25,6	2,4	18,4	133,76	846,0
10.06	77,5	3,2	20,5	1,7	15,7	92,29	770,1
20.06	58,9	3,0	16,6	1,6	12,3	69,48	651,0
10.07	19,8	1,8	10,5	1,4	5,4	26,46	614,0
Сорт Гемлик							
25.05	77,8	3,4	20,5	2,3	16,1	106,73	745,2
10.06	75,3	3,2	16,8	1,8	15,1	80,94	733,2
20.06	58,0	3,1	12,0	0,8	12,0	46,8	663,4
10.07	26,5	2,0	10,5	0,5	10,5	16,25	557,8

часов в растворе ИУК в концентрации 50 мг/л. Посадку черенков производили в четыре срока: первый - конец мая, второй - первая декада июня, третья и вторая декада июня, четвертая - первая декада июля. Схема посадки 10x10 см.

Наблюдение за развитием маточных растений маслины показало, что появление первых растущих побегов у обоих сортов наблюдалось вскоре после распускания почек. Рост отдельных побегов маслины продолжался

СОСТОЯНИЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ШЕЛКОВОДСТВА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

In this article perspectives of silkworm breeding development today and in future in our republic, including building of special silkworm nurseries and organization of intensive mulberry grove were given.

История развития шелководства Республики Узбекистан уходит в глубь веков, в начале девяностых годов прошлого века в Узбекистане ежегодно приготавливалось более 600 тыс. коробок грены тутового шелкопряда из которых порядка 100 тыс. экспортировалось, а объем заготовки живых коконов ежегодно составляла 33-34 тыс. тонн в физическом весе. В связи ослаблением контроля за состоянием и уходом кормовой базы тутового шелкопряда, рубки деревьев, распространению болезней и вредителей, приведших к уменьшению их количества и ухудшению качества. Возникшая ситуация также отрицательно сказалась на производстве грены тутового шелкопряда, распространение болезней на выкормках, нарушение технологии приготовления грены в племшелкстанциях и в гrenaжных заводах, несвоевременная оплата за коконную продукцию производителям (шелководам) и другие привели к постепенному уменьшению приготовления грены и объемов заготовки живых коконов.

В результате мы вынуждены ежегодно закупать 1/2 часть грены из-за рубежа, также упали объемы заготовки живых коконов, так как шелководство является одним из потенциально важных секторов аграрной промышленности республики, правительство Узбекистана сумело сохранить основу производства коконов, несмотря на многие проблемы переходного периода от централизованной до свободной рыночной системы экономики, также отрадно отметить решение правительства о строительстве специализированных червоводней на 50-75 коробок гусениц около хлопунктов по республике и выделении по 5 гектаров земельных участков для закладки тутовых плантаций интенсивного назначения. Фермерские хозяйства играют важную роль в производстве сырых коконов, также выращиванием гусениц тутового шелкопряда заняты более 400 тыс. домашних хозяйств. В настоящее время в республике функционируют 17 гrenaжных заводов и 3 племенные шелководческие станции, в этих предприятиях ежегодно приготавливаются около 250 тыс. коробок грены при необходимости 450 тыс. Урожайность с каждой коробки грены ели превышают 50 кг против 65-70 по нормативу в производственных условиях. Получение высококачественных коконов во многом обусловлено количеством и качеством листа шелковицы.

Урожай и питательность листа, в свою очередь зависят от сорта шелковицы, типа плантации, уровня агротехники, а также наличия влаги и других питательных элементов в листьях. По последним данным управления развития шелководства Минсельводхоза Республики Узбекистан на 1 января 2017 года имеется в наличии 50,5 тыс. гектар плантаций и 80,1 млн. единиц линейных насаждений шелковицы. Урожайность листа у линейных насаждений с каждого дерева составляет 2,8 кг листа, а у плантаций шелковицы в среднем 3,5 т/га, что является низким показателем, кроме этого вредителем "тутовая огневка" поражены кормовая база более 8 областей. Из-за недостаточного принятия мер борьбы с вредителем на местах ареал ее распространения продолжает рас-

ширяться и приносить серьезный ущерб. Учитывая вышеизложенных и с учетом замены непригодных плантаций и расширения посадок, обеспечивающих потребности в листьях шелковицы с предполагаемым ростом производства коконов тутового шелкопряда в перспективе, по заданию правительства Республики Узбекистан в Республике Каракалпакстан и в областях разработаны и утверждены мероприятия по закладке плантаций шелковицы и линейных насаждений.

Существующие гrenaжные заводы Республики на сегодняшний день работают на половину своей проектной мощности и то по устаревшей технологии производства грены сложившейся еще 40-50 годы прошлого века, является несовершенным, т.к. основан на ручном органолептическом отборе коконов на племя, использовании весового принципа деления коконов по полу с большим процентом засоренности, из-за чего качество приготавливаемой грены неконкурентоспособно с зарубежными аналогами, а удельный выход грены из 1 кг живых племенных коконов составляет в среднем 35-40 гр. По результатам микроанализа в некоторых гrenaжных заводах уровень пембрины доходит до 15-20%, кроме этого по результатам госконтроля бракуется еще 10-15% грены.

Следовательно, получение высококачественной гибридной грены, в первую очередь связано с необходимостью коренным образом изменить существующую технологию гrenaпроизводства, финансовая поддержка гrenaзаводов, обучение специалистов с поездками в зарубеж для обмена опытом и осуществить породосмену, а внедрение в производство новых гибридов заметно прибавляет урожайность коконов с улучшением качественных показателей конечно при соблюдении агротехнических условий выкормки тутового шелкопряда и от соблюдения технологии первичной обработки коконов, условий транспортировки и хранения. В увеличение объемов заготовки живых коконов и улучшения их качественных показателей особенно технологических, немаловажную роль сыграют достойная и своевременная оплата труда шелководов, к сожалению последние годы этот важнейший вопрос на местах не находит своего положительного решения, из-за чего многие семьи просто отказываются от выкормки тутового шелкопряда ссылаясь на неоткупность, даже убыточность своего труда, и количество таких семей с года в год увеличивается. Постепенное и своевременное решение вышеперечисленных вопросов, думаем дало бы новый импульс в укреплении и расширении кормовой базы шелководства, увеличения объемов приготавливаемой грены с улучшением качественных показателей, параллельно внедряя в производство перспективных пород и гибридов отечественного производства и, конечно же, увеличения объемов заготовки живых коконов отвечающих мировым стандартам, обеспечивающим полную потребность шелкоперерабатывающей промышленности Республики и созданию дополнительных рабочих мест.

С. НАВРУЗОВ, доцент,

У. УМАРОВА, магистрант, ТашГАУ.

ЛИТЕРАТУРА

1. *Ипакчилик соҳасидаги долзарб муаммолар ечимининг илмий асослари.* - Тошкент: Фан, 2004 й.
2. *Данные управления развития шелководства Министерства сельского и водного хозяйства.*

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ЕРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

(Сирдарё вилояти мисолида)

Бугунги кунда фермер хўжаликларига бириктирилган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш ва унинг самарадорлигини юксалтиришнинг муҳим захираси ва ҳал қилувчи омилларнинг энг асосийсиларидан бири бу — уларнинг ресурс салоҳияти ҳисобланади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, барқарор фаолият кўрсатувчи фермер хўжаликларини шакллантириш, уларнинг шахсий айланма пул маблағларини ошириш, ердан, минерал ўғитлардан, қишлоқ хўжалик техникасидан ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, меҳнатни тўғри ташкил этиш имконияти яратилиб моддий-техника базаси мустақамланмоқда.

Фермер хўжаликларининг ердан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш мақсадида, илмий тадқиқот ишларининг объекти сифатида Сирдарё вилоятининг эски ва янги суғориладиган ҳудудларидаги пахтачилик-ғаллачилик йўналишидаги 20 та фермер хўжаликлари маҳсулотининг амалдаги ва ҳисобланган ялпи қиймати кўрсаткичлари солиштирилди. Бунда ҳисобланган ялпи маҳсулот қийматини аниқлаш учун биринчи навбатда, фермер хўжаликларига бириктирилган ерларнинг унумдорлик даражаси (бонитировка балли — X_1), вегетация даврида суғориш учун бериладиган сув (суғориш нормаси — X_2), қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминланганлик даражаси (X_3), ишчи кучи билан таъминланганлик даражаси (X_4), асосий ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланганлик даражаси (X_5) ўрганилди. Иккинчи навбатда, тупроқ унумдорлиги, қишлоқ хўжалик техникаси, минерал ўғитлар ва суғориш учун сув билан таъминланганлик даражаси ва бошқа ресурсларнинг қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигига таъсири корреляция-регрессия усу-

лини қўллаш орқали аниқланди. Бунда дастлаб ялпи маҳсулот қиймати билан ҳар бир омил ўртасидаги жуфтлик корреляция, сўнгра эса кўп омилли корреляция-регрессия таҳлили ўтказилди ва қуйидаги ифода бўйича меъёрий ҳосилдорлик кўрсаткичи аниқланди:

$$Y = A_0 + \sum_{i=1}^n A_i X_i \quad A_0 > 0 \quad (1)$$

Бунда: Y - натижавий кўрсаткич;
 A_0, A_i - регрессия коэффицентлари;
 X_i - мустақил ўзгарувчи.

Ўтказилган ҳисоб-китоблар натижаси бўйича ялпи маҳсулот қиймати билан омиллар ўртасидаги қуйидаги боғлиқлик аниқланди:

$$Y = 1801,307 + 266,032X_1 - 0,202X_2 + 0,110X_3 + 23,290X_4 + 0,025X_5 \quad (2)$$

Тенгламининг статистик тавсифлари қуйидагича:

F-критерия қиймати - 4.29. Корреляция коэффицентини қиймати - 0.862.

Умумий детерминация коэффицентини қиймати - 0.742 га тенг. Демак, натижавий кўрсаткич қиймати 74% тенгламага киритилган қолган 26% ҳисобга олинмаган омилларга боғлиқ бўлади.

Вилоятдаги суғориш минтақалари бўйича ҳисобланган ялпи маҳсулот қиймати кўрсаткичи билан фермер хўжаликларининг амалдаги ялпи маҳсулот қиймати кўрсаткичлари солиштирилди. Бунда индекслар усулидан фойдаланилди ва индекс кўрсаткичи қуйидаги ифода ёрдамида аниқланди:

$$I = \frac{Y_a}{Y_m} \quad (3)$$

Бунда: I - индекс кўрсаткичи;
 Y_a - амалдаги ялпи маҳсулот қиймати, минг сўм;

Y_m - ҳисобланган ялпи маҳсулот қиймати, минг сўм.

Эскидан суғориладиган ҳудуддаги фермер хўжаликларида ҳисобланган кўрсаткичга нисбатан 10-25% юқори маҳсулот олинган бўлса, янгидан суғорилаётган ҳудудда фермер хўжаликларининг кўрсаткич индекси 0.62-0.84 оралиқни ташкил этди. Ушбу ҳолатнинг сабабларини аниқлаш мақсадида, фермер хўжаликлари орасида сўровнома ўтказилди. Сўровнома натижасида қуйидаги хулосага келинди:

1. Сирдарё вилояти ҳудудида ер ости суви сатҳи ер юзасига анча яқинлиги учун фермер хўжаликларида бириктирилган ерларда очик типдаги зах қочириш тармоқлари жойлашган. Мавжуд зах қочириш тармоқларининг вақтида тозаланмаслиги туфайли қамиш билан қопланиб ер ости сувлари оқиб чиқадиган кўзларнинг ёпилиб қолганлиги ва вертикал тик қудуқларнинг ишламаслиги оқибатида фермер хўжаликлари экин майдонларининг мелиоратив ҳолатига салбий таъсир этмоқда.

2. Фермер хўжаликлари экинларига ўз вақтида сувни етказиб бериш чорасини кўриш зарур.

3. Фермер хўжаликларида агро-техник тадбирларнинг ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш учун техника воситаларини кўпайтириш лозим.

4. Мазкур ҳудуд учун мос алмашлаб экиш тизимини йўлга қўйиш керак.

5. Фермер хўжаликларида қўлланаётган навбатлаб экиш тизими-га (асосан пахта-ғалла), беда майдонини кенгайтиришга, далаларга органик ўғитларни кўпроқ чиқаришга эътиборни кучайтириш лозим.

А.МУҚУМОВ,
З.ҲАФИЗОВА,
(ТИМИ).

БУХОРО ВОҲАСИ ТУПРОҚЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИК ТУЗИЛИШИ

Bukhara oasis for many hundreds of years in its irrigation uses traditional ancient irrigated meadow alluvial, irrigated meadow, wetlands and newly irrigated deserts and sandy soils. the difference in the origin of their genetic horizonal (Aa₁, Aa₂, Aa₃, AB, and etc) the thickness of the carbonate, gypsum and appearance of soluble salts in the soil profile is explored in the article. For many centuries irrigation with muddy water, the annual processing, the use of organic and mineral fertilizers, putting suspended water flows of irrigation stations caused the radical changes in ancient irrigated meadow alluvial soil morphological structure. All of the above are discussed in the article.

Бухоро воҳаси суғорма деҳқончилигида қадимдан суғориб келинаётган ўтлоқи-аллювиал, ўтлоқи-ботқоқли ва янгидан суғориладиган чўлли-қумли тупроқларнинг ўртача статистик маълумотларига қараганда, улар ўзаро бир-бирдан нафақат генетик горизонтларининг (Aa₁, Aa₂, Aa₃, AB ва б) келиб чиқиши, балки қалинлиги, карбонатлар, гипс ва эрувчан тузларнинг тупроқ профилида ҳосил бўлишлари билан кескин фарқ қилади.

Кўп йиллар лойқали сувлар билан экинни суғориш, ҳар йили ишлов бериш, органик ва минерал ўғитларни киритиш, суғориш шохобчаларидаги муаллақ оқизикларни солиш натижасида суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг морфологик тузилишида тубдан ўзгаришлар содир бўлган.

Тупроқлар деярли морфологик тузилишини йўқотиб, ўрнига алоҳида антропоген тупроқларга хос тупроқ профили генетик горизонтларининг қуйидаги тузилиши вужудга келган:

$Aa_1 - Aa_2 - Aa_3 - Aa_4V_1 - G_1 - G_2$.

$Aa_1 - Aa_2 - Aa_3$ ва ABa_1

агроирригацион горизонтлари узоқ даврлар давомида лойқа сувлар билан суғориш ҳамда суғорма деҳқончиликда фойдаланиш, турли чора-тадбирларни қўллаш натижасида (лойқа ирригацион ётқизикларни киритиш, гўнг, қул, ўғитларни ва хўжаликка яроқсиз девор қолдиқларини солиш) бир хил қорамтир кулранг гумусли, турли даражада зичланган, говакли майда ва кесакли агрегатларга осон ажраладиган ҳамда профилида антропоген қолдиқларни (кўза, гишт синиқлари, суяк ҳамда куйдирилган ёғоч қолдиқлари ва б.) сақловчи замонавий агроирригацион қатламлар вужудга келган. Бу қатламлар остида, яъни агроирригацион ва глейлашган горизонтлар орасида Aa_4V_1 қатлам ривожланган. ABa_1 горизонти генетик тузилиши жиҳатдан, биринчидан, агроирригацион қатламларга ўхшаса, иккинчидан, у глейлашган горизонтларга хос белгиларга эгадир. Шунинг учун бу қатлам алоҳида ABa_1 горизонтга ажратилиши лозим.

Бухоро воҳаси Шоҳруд канали атрофида олиб борилган тадқиқотларга қараганда, Aa_1 , Aa_2 , Aa_3 ва ABa_1 горизонтлари, сизот сувлари сатҳидан 3,0-3,5 м. чуқурликда жойлашган даврда бир хил қорамтир кулранг агроирригацион қатламлар ривожланганлиги кузатилади. Агар сизот сувлар тупроқ юзасидан 2,0-2,5 м. чуқурликда бўлса, у ҳолда агроирригацион горизонтлар (Aa_1 , Aa_2 , Aa_3 ва ABa_1) сезиларли даражада тупроқ профилининг паст томонида глейлашган горизонтлар капилляр намлашиш таъсирида ривожланади. Шунинг учун қадимдан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар профили морфологик тузилиши юқори, ўрта қисмида турли даражада маданийлашган агроирригацион горизонтлардан тузилган бўлса, паст қисмлари эса бирламчи табиий тупроқ ҳосил килувчи аллювиал ётқизикларда жойлашган сизот сувлари таъсирида ривожланади.

Суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар профили Aa_1 , Aa_2 , AB , G_1 ва G_2 горизонтларининг ривожланиши бошқа ўрганилган тупроқлардан кескин фарқ қилади. Бу тупроқлар гуруҳларига 100-250 йиллар давомида суғорилиб келинаётган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар киради.

Суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар Шоҳруд канали атрофида жуда кам майдонларда бўлиб, ирригацион ювилиши ва гидроморф тупроқ ҳосил килувчи жараёнлар таъсирида ривожланганлиги сабабли, уларнинг профилидаги генетик горизонтлар қуйидагича тузилган:

$Aa_1 - Aa_2 - ABa_1 - G_1 - G_2$

Суғориш, ишлов бериш, ўғитлар солиш, экинларни йиғиш ишларининг муддатлари йилдан-йилга ошиб бориши муносабати билан тупроқлардаги янгидан шаклланган Aa_1 - Aa_2 горизонтларининг қалинлиги (тегишли равишда 26,4±0,91 ва 19,2±0,90) то 40-50 см ва ундан кўпроқ қалинликка ортади. Бироқ бу тупроқларнинг ўрта ва пастки горизонтларида ($AB+G_1+G_2$) суғориш таъсирида морфологик тузилишларига оид генетик белгиларнинг ўзгаришлари сезиларли даражада эмас. Бошқача қилиб айтганда, суғорила-

диган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар профилининг фақатгина устки қатламларида 45,6 см. қалинликда бўлган агроирригацион горизонтлари (Aa_1+Aa_2) шаклланади, холос.

Суғориладиган ўтлоқи-ботқоқли ва янгидан суғориладиган чўлли-қумли тупроқлар профилининг суғориш таъсирида сезиларли даражада ўзгаришлари ҳам юқори қатламларда кузатилади.

Суғориш ва ишлов таъсирида табиий ўтлоқи-ботқоқли тупроқларга хос бўлган торфли-гумусли ва қисман ўтовчи горизонтлар ўрнига янги ҳайдалма (Aa_1) ва ҳайдалма ости (Aa_2) қатламлар вужудга келиб, уларнинг қалинлиги тегишли равишда 26,0±0,87 ва 16,2±0,46 ни ташкил этади. Натижада бу тупроқларнинг устки қисмида маданийлашган қатлам ҳосил бўлади, эрувчан тузлар, карбонатлар ва бошқа моддаларнинг ҳаракатчанлиги ошади, ҳайдалма қатламнинг структураси кесакчангли тузилишга эга бўлади.

Суғорма деҳқончиликка оид янги ерларни ўзлаштириш чора-тадбирлари 2010-2016 йилларда Шоҳруд каналининг қуйи қисмида олиб борилди. Каналнинг энг қуйи қисмида жойлашган Кунжи-қалъа, Лоша М.Ф.Й. атрофи қуйи жануб томонидаги янгидан ўзлаштирилган чўлли-қумли тупроқлар ўрганилди. Бу тупроқлар профилининг юқори қисмида ҳайдалма (Aa_1) ва ҳайдалма ости (Aa_2) горизонтлар шаклланган бўлиб, уларга оч тусли сур ва кулранг ранглар, механик таркиби говакли қумдан ва кам зичланган хусусиятлар характерлидир.

Бу тупроқлар профилининг пастки қисмида ривожланган AB горизонти бир хил оч сур тусли қумлардан иборат бўлиб, уларнинг асосий белгилари ва хоссалари табиий зонал чўлли-қумли тупроқларга мосдир.

Шундай қилиб, Шоҳруд канали атрофида ривожланган тупроқларнинг асосий морфологик тузилиши суғорма деҳқончиликда кўп йиллар давомида фойдаланилиши туфайли ўзгариб борган.

Х.Артикова,
БухДУ.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИ

(Корея Республикаси тажрибаси)

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, уларни сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича жаҳон мамлакатлари илғор тажрибасини ўрганиш Ўзбекистон учун аҳамият-ли масала ҳисобланади.

Бунда Корея Республикасининг қишлоқ хўжалиги тармоғини илғор технологиялар асосида ривожлантириш, мамлакат ривожланишининг барча босқичларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортининг товар таркиби ва географик таркибини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини қўллаб-қувватлаш тизимини ишлаб чиқиш, унда экспортёрларга кўмаклашувчи ташкилотларни ташкил этиш бўйича тажрибаси диққатга сазовордир. Хусусан, Жанубий Кореяда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорт товар таркиби мамлакат ривожланиш босқичларида кўп ўзгаришларга учради. 1950 ва 1960 йиллар давомида экспорт товар таркибида қишлоқ хўжалик товарларидан гуруч, женьшень ва тамаки юқори улушга эга эди. 1970 йилларда эса қишлоқ хўжалиги товар таркибида гуруч экспорти қисқариб, кўзиқорин, консерваланган кўзиқорин, каштан, маранта ва шарқ табобати ўтлари каби товарлар экспорт қилина бошлади. 1980 йиллардан кейин эса мева ва сабзавотлар (кимчи, паприка, черри, бақлажон ва бошқалар), қайта ишланган озиқ-овқат, хусусан чорвачилик маҳсулотлари ва гуллар билан бир қаторда, каштан, женьшень ва тамаки маҳсулотлари экспортини диверсификациялашда муҳим ўрин эгаллади.

Кореяда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорти ҳажми 2000 йилдаги 1.59 млрд. АҚШ долларидан 2015 йилда 6.11 млрд. АҚШ долларгача ўсди. Ушбу йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортининг географик таркибида Япония, АҚШ, Хитой бозорлари катта улушга эга бўлди. 2000 йилда Японияга қишлоқ хўжалик товарлар экспорти 0.7 млрд АҚШ долларидан 2015 йилда 1.17 млрд. АҚШ долларгача, мос равишда, Хитойга 118 млн АҚШ долл.дан 1,048 млн. АҚШ долл.гача, АҚШга эса 145 млн. АҚШ долл.дан 628 млн. АҚШ долл.гача ўсди. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортининг географик таркибида Гонгконг, Вьетнам, Россия, Бирлашган Араб Амириклари ва Тайвань катта улушга эга.

2015 йилда Жанубий Корея қишлоқ хўжалик товарлари

Агро ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспортини қўллаб-қувватлаш тизими



Манба: Корея Республикаси қишлоқ хўжалиги, Озиқ-овқат вазирлиги ва Қишлоқ ҳудудини ривожлантириш вазирлиги, (2015 йил).

экспорти ҳажми 6,107 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, қайта ишланган озиқ-овқат маҳсулотлари (17,4 фоиз), тамаки маҳсулотлари (14,5 фоиз), ичимлик маҳсулотлари (4,8 фоиз), кофе (4,5 фоиз), женьшень (2,3 фоиз), паприка (1,4 фоиз) ва бошқа товарлар юқори улушга эга бўлди.

Мамлакатда қишлоқ хўжалиги тармоғида экспортни қўллаб-қувватлаш сиёсати марказий ва маҳаллий даражада олиб борилади (расм). Марказий даражада Агро-балиқчилик ва озиқ-овқат корпорацияси доирасида Кореяда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини қўллаб-қувватлаш сиёсати 5 та дастурга бўлинади: ишлаб чиқарувчилар учун хорижда бозорларни эгаллаш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, экспорт маҳсулотларини тарқатиш, хавфсизлик бўйича назорат, молиялаштириш ва сугурталаш.

Ҳозирги вақтда корпорация доирасида боғдорчилик мажмуаси, истиқболли экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, экспорт фаолиятида инсон капитали тараққиёти ихтисослашуви, етакчи экспортёрлар ташкилоти, экспорт кенгаши учрашувлари каби лойиҳалар фермерларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишга кўмак бериб келмоқда. Корея Республикасида қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2015 йилда давлат бюджетидан 3.04 млрд. Корея вони ажратилди, 2000 йилда эса бу кўрсаткич 117 млн Корея вонини ташкил этган.

Чет эл бозорларини эгаллашга кўмаклашиш лойиҳалари ўз ичига хорижий дистрибьютер фирмалар билан олди-сотди ишларига кўмаклашиш, чет элда озиқ-овқат тармоғи ярмаркаларида иштирок этиш, чет элда экспорт брендларини рўйхатдан ўтказиш ҳамда “Whimoi” ҳукумат қишлоқ хўжалиги брендини тарғиб қилиш кабиларни ўз ичига олади.

Экспорт товарларини тарқатиш йўналиши асосан логистика ва сотувга кўмаклашишни ўз ичига олади. Хавфсизлик назорати эса озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Молиялаштириш ва сугурталаш сиёсати фермерларга экспортни сугурталаш ва заём олишда кўмаклашишга қаратилган. Унда валюта курси сугурта тўлови ва Экспортни сугурталаш мукофоти лойиҳалари амалга оширилади. 2000 йилда ушбу лойиҳаларга 253 млрд. Корея вони ажратилган бўлса, 2015 йилда 420,1 млрд. Корея вони давлат бюджетидан ажратилди. Ушбу лойиҳаларга 2015 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини қўллаб-қувватлашга ажратилган жами маблағнинг 53,1 фоизи тўғри келди.

Маҳаллий даражада қишлоқ хўжалиги экспортини қўллаб-қувватлаш сиёсати қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилишни рағбатлантириш ва фермерлар даромадларини оширишга қаратилган. Шу билан бирга, тренинглар ўтказиш ва консалтациялар бериш, экспорт комплексларини бошқаришда кўмаклашиш, чет эл бозорларига чиқиш, экспорт маҳсулотларини логистика харажатлари бўйича кўмак бериш каби ишларни ўз ичига олади.

Бизнинг фикримизга кўра, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини қўллаб-қувватлашда Корея тажрибаси асосида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш самарали ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси давлат қишлоқ хўжалиги брендини яратиш;

давлат томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасида тадқиқот ва тараққиёт харажатларини ошириш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти товар таркиби ва географик таркибини диверсификациялашни давом эттириш.

К.РИЗАЕВА,

Тошкент давлат Шарқиунослик институти.

МОҲИР МУРАББИЙ

Таниқли олим, профессор Обид Рамазонов ўз фаолиятини республиканинг сугориладиган деҳқончилик минтақасидаги экологик-мелиоратив вазиятнинг яқин ва узоқ келажакда барқарорлигини таъминлайдиган, ер-сув захиралари маҳсулдорлигини оширишнинг назарий ва амалий асосларини яратишга бағишлаган. Олим Ўрта Осиё Ирригация илмий тадқиқот институтида ишлаган даврида (1967-1991 йй.) шахсан ўзи, шогирдлари, ҳамкасблари билан ҳамкорликда Мирзачўл, Жиззах, Қарши чўллари, Амударёнинг қуйи оқимида (Қорақалпоғистон Автоном Республикаси, Хоразм вилояти) экологик-мелиоратив вазиятни яхшилашга йўналтирилган кенг қўламли ўта муҳим ва давр талабига монанд бўлган илмий-тадқиқот ишлари олиб борган.



Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида тайёрланган тавсиянома, меъерий йўриқномалар соҳага алоқадор вазирлик, бошқарма, лойиҳалаш институтлари ва ишлаб чиқаришда кенг қўлланиб келинмоқда.

О.Рамазонов 1991 йилдан буён Тошкент ирригация ва мелиорация институти (Собиқ ТИҚХМИИ) "Тупроқшунослик ва деҳқончилик" кафедраси мудири, профессор, "Сув тежайдиган технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш" илмий тадқиқот маркази директори лавозимида бўлажак бакалавр, магистрларга тупроқшунослик, сугориладиган деҳқончиликка оид мумтоз фундаментал назарий ва амалий тушунчалар, амалиётда қўлланилаётган замонавий ёндашишларни тарғибот қилиб келмоқда. Институтдаги таълим йўналишлари бўйича тайёрланаётган бакалаврлар учун "Тупроқшунослик ва деҳқончилик" дарслигини (кирилл алифбосида - 2003 й., лотин алифбосида - 2005 й. ва рус тилида - 2007 й.) яратган. Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги ва "Истеъдод жамғармаси" томонидан 2006 йилда эълон қилинган "Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи" танловида иккинчи ўринни олган.

Орол денгизи ҳавзасидаги сугориладиган деҳқончиликнинг самарадорлигига деярли сурункасига юз бераётган сув танқислиги салбий таъсир этмоқда. Асосий сув манбаалари Сирдарё, Амударёнинг юқори қисмида жойлашган сув омборлари (Тўхтагул, Роғун, қурилатган Қамбарота сув омборлари)дан фойдаланиш тартибининг яқин келажакда ўзгариши натижасида минтақада сув танқислиги янада кескинлашиши мумкин. Муаммонинг ўта муҳим ва долзарблигини тасаввур этатган О.Рамазонов ҳамкасби В.Насонов билан ҳамкорликда республикада илк бор "Сув танқислигининг олдини олиш бўйича асосий вазифалар ва усуллар" концепциясини илмий асослаган ва соҳага масъул ташкилотларга тақдим этган.

Сўнги йилларда республикада халқ хўжалиги тармоқларининг, шу жумладан, аграр соҳа барқарор ривожланишининг асоси ҳисобланган мавжуд ер-сув захираларидан фойдаланишни такомиллаштириш ва уларни муҳофаза қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш агротехнологияларини модернизация қилишга катта эътибор берилмоқда. Давр талаби, соҳа келажакини етарли даражада тасаввур қиладиган

профессор О.Рамазонов ҳамкасблари билан ҳамкорликда сув танқислиги шароитида сугориладиган тупроқлар сув-туз тартибини мақбуллаштиришнинг назарий ва амалий асосларини яратди. Асосий стратегик аҳамиятга молик районлаштирилган гўза навларини сугориш тартиби, минерал озиклантириш тизимини замонавий ёндашишлар асосида қайта қўриб чиқиш, аграр соҳада илмий ва амалий-педагогик кадрлар тайёрлашга оид долзарб муаммолар ечимини етук мутахассислар муҳокамасига ҳавола қилди.

Моҳир мураббий О.Рамазонов шогирдлари — мустақил тадқиқотчи, магистр, бакалаврлар онгида ер-сув захираларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга оид мумтоз, замонавий ёндашишларнинг назарий ва амалий асосларини шакллантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Мелиорация, сугориладиган деҳқончиликка оид фундаментал ва амалий тадқиқотларни ташкил этиш, ўтказиш усуллари билимдони бўлган устоз раҳбарлигида 30 нафардан ортиқ ёш мутахассислар фан номзоди, 5 нафари фан доктори илмий даражасига эришган. Ҳозирги даврда 2 нафар изланувчи докторлик диссертация устида илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

О.Рамазонов шахсан ва ҳамкасблари билан кўп йиллар олиб борилган изланиш, тадқиқотларда олинган маълумотлар асосида шаклланган илмий натижа, фикр-мулоҳазаларини 5 монография, 4 рисола ҳамда 300 дан ортиқ мақолаларни халқаро, минтақавий ва маҳаллий ахборот воситаларида эълон қилган. Сугориладиган деҳқончилик минтақасида кўп йиллар давомида олиб борилган фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар, уларнинг натижаларини лойиҳа-қидирув, ишлаб чиқариш амалиётига татбиқ қилиш, мелиорация ва сугориладиган деҳқончилик ихтисослиги бўйича илмий, илмий-педагогик кадрлар тайёрлашда салмоқли ҳисса қўшаётган билимдон фидокор олим О.Рамазонов Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Президиумининг "Фахрий Ёрлиғи", "Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби" унвони, "Сув хўжалиги аълочиси" кўкрак нишони билан тақдирланган.

Олим-мураббий, мелиорация ва сугориладиган деҳқончилик билимдони О.Рамазонов ҳозир ҳам ёш олим ва мутахассисларни тайёрлашга, фанда эришган ютуқларни халқаро миқёсда тарғибот қилишга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Фанда теран, илмий музокара, баҳсларда ҳаққоний ва мазмундор муомала маданияти соҳиби, ҳамкасбимиз таваллуд топганлигининг 80 йиллиги муносабати билан қизғин табриклаймиз.

ТИМИ ЖАМОАСИ.

ЯХШИДАН ҚОЛГАН БОҒЛАР

Бутун ҳаётини эл-юрт хизматига бағишлаб, инсонлар хотирасида ҳамиша ҳурмат билан ёдга олинадиган одам бахтлидир. Чунки у мудом одамлар ташвишини ўзиники билиб, ҳузур-ҳаловатидан кечиб яшайди. Оқибатда эл эҳтиромига эришади.

Мақоламиз қаҳрамони, марҳум Аҳад ака Соипназаров эса иш фаолияти давомида учта туманда раҳбар лавозимларда ишлади. Тошкент вилоятининг Оққўрғон тумани раҳбарларидан бири бўлди, Жиззах вилоятининг Арнасой ва Зомин туманларини бошқарди, учта туман ободончилигига, халқи фаровонлигига ҳисса қўшди. Худудлардаги камчиликлардан хабардор бўлиб, уларни тугатиш йўлларини излади, аҳолининг дардини тинглаб, муаммоларини ҳал этди. Шу боис, учта туманда ҳам эъзоз, обрў-эътибор топди, халқ олқишига сазавор бўлди. Ўша туманлар аҳолиси уни бутун ҳам катта эҳтиром билан эслайди, тилга олади.

У кишининг Оққўрғон туманида амалга оширган ишларининг ўзи бир дoston, Арнасойдек чўл туманни бўстонга айлантиргани бир ҳикмат, ҳақиқат, Зомин туманида қилган ишлари эса ҳар қанча мақтовга арзигуликдир. Шу боис ҳам оққўрғонликлар “Аҳад акадек инсон дунёда камдан-кам бўлади” деса, арнасойликлар “У одам деҳқончиликнинг пири” дея кўкларга кўтаришади, зоминликлар эса “Аҳад ака раҳбарликда туғма истеъдод эди”, дейдилар.

Аҳад Соипназаров 1928 йилда Зомин туманидаги Бешбулоқ қишлоғида таваллуд топди. Оғир даврлар эди. Одамлар тўйиб овқат емасди. Ўқишдан сўнг болалар далага чиқар, қишлоқ хўжалиги ишларида ота-онасига ёрдам берарди. Бешбулоқ тоғлар бағридаги қишлоқ бўлгани учун одамлар ҳавога қараб қолган, ёгингарчилик бўлмаса, тирикчилиги ўтиши қийинлашиб қоларди. Шу боис уларнинг оиласи Сирдарёга, чўлга кўчади. Бу ерда Аҳад хўжалик табелчиси бўлиб ишлайди.

Иккинчи жаҳон уруши бошлангач уларнинг оиласи яна Бешбулоққа қайтди. Чунки Аҳаднинг отаси ҳам фронтга йўл олди. Бундай шароитда оила қариндошлар ёнида бўлиши лозим эди. Энди оиланинг барча қийинчиликлари ёш Аҳаднинг зиммасига тушди. Лекин шундай шароитда ҳам у ўқишни, изланишни унутмади. Отаси қайтиб келгач, Аҳад учун бироз енгиллик бўлди.

50 йилларнинг бошида оила яна Сирдарё вилоятига кўчди. Аҳад ака энди ҳақиқий чўлқуварга айланди. Уни турли лавозимларга таклиф эта бошлашди. Лекин у тайинли бир ўқув юртини битирмаган эди. Шу боис 1955 йили уни Тошкентга хўжалик раислари тайёрлайдиган уч йиллик курсга жўнатишди. Кейинроқ эса А. Соипназаров Тошкент қишлоқ хўжалик институти талабаси бўлди. Унинг иқтидори, қобилиятини сезган институт раҳбарияти тавсиясига кўра у биринчи курсни тугатиши билан олий ўқув юрти касаба уюшмаси раиси лавозимига сайланди. У ўқиш билан бирга ўзида раҳбарлик қобилиятини ҳам шакллантириб борди.

— Аҳад аканинг босиб ўтган йўли ҳақида кўп гапириш мумкин, — дейди меҳнат фахрийси Серсенбой Есимов. — У кишида деҳқончилик илми бўйича туғма истеъдод бор эди. Ишни шундай ташкил этардиларки, ҳар қандай муаммо ўз-ўзидан ечимини топарди А. Соипназаров ишлаган жой ҳамиша гуллаб яшнаган. Хуллас, Аҳад ака меҳнатсевар, ҳалол, пок, билимдон раҳбар, ташкилотчи инсон, яхши оила бошлиғи, бошқаларга ўрнак бўладиган ота эди. Шундай одам билан сафдош бўлганимдан фахрланаман.

— Маълумки, ернинг мувозанатини тоғлар билан денгизлар сақлаб туради, — дея эслайди шоир Азим Суюн. — Тоғлар қанчалик баланд бўлса, денгизлар шунчалик чуқур бўлади. Ер шари шу икки нарсанинг ўртасида туради.

Ҳаётда шундай одамлар борки, улар халқ ҳаётидаги мувозанатни сақлаб туради. Мен марҳум Аҳад акани ана шундай инсонлардан бири деб билардим. У киши қаерда ишлаган бўлсалар, ҳаёт мувозанатини бир хилда ушлаб турганлар.

Аҳад акада меҳрибонлик, фидойилик раҳбарликка хос хусусиятлар тўла мужасамлашган эди. Энг асосийси, у ҳаммага яхшилик қиладиган саховатли, яхши инсон эди.

Туманга раҳбарлик қилиш барча замонларда ҳам осон бўлмаган. Туманда ҳал этилиши мумкин бўлган муаммоларнинг вилоят ёки мамлакат миқёсига кўтарилиши туманда ишлар жойида эмаслигидан, туман раҳбарининг лаёқатсизлигидан далолат. Раҳбар ташаббускор, интилувчан бўлсагина, муаммоларга ўзи ечим топади, меҳнаткашлар унга эргашади, йўлидан юради. А. Соипназаров шундай раҳбар эди. Шу боис ҳам у қаерда ишласин, аҳолини ўзи ортидан эргаштира олди, яратувчанлик, бунёдкорлик ишларига жалб этди. Шу билан бирга, ҳеч қачон мен раҳбарман, деб улардан ўзини айро тутмади.

Бугун Зоминнинг кўрки бўлиб турган Зомин тоғларидаги дам олиш масканлари, “Сайқал” истироҳат ва дам олиш мажмуаси Аҳад аканинг ташаббуси билан қад ростлаган.

А. Соипназаровни яқиндан билганлар, уни деҳқончилик илмининг академиги дейишарди. Бунга унинг Тошкент ва Жиззах вилоятлари хўжаликларидан пахтачилик, пиллачилик, қўйингки деҳқончиликнинг барча соҳаларида амалга оширган ишларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Унинг Оққўрғон, Арнасой, Зомин туманларида яратган боғлари у кишидан ёдгорлик.

— Қийинчиликдан қўрққан одам чўлга келмайди, — дер эди суҳбатларида у. — Экин ҳам одам танлайди. Чўлнинг заҳматларига чидаган одамгина кўзлаган ҳосилини олиши мумкин. Чўлқуварлар меҳнати инсоннинг бардоши, матонати намунасидир. Кузда ҳосилдан кўнгли тўлган деҳқон эса йил бўйи чеккан ҳамма машаққатларини, уйқусиз ўтган тунларини унутди, меҳнатидан роҳатланади.

Яхшидан боғ қолади, дейди халқимиз. Аҳад Соипназаровдан нафақат боғлар, балки элга хизмат қиладиган, отаси каби меҳнатсевар фарзандлар, устози каби лаёқатли, иқтидорли шогирдлар, ҳар қадамда уни эслатиб турувчи муҳташам бинолар, у ҳақда ёзилган китоблар, энг муҳими, одамлар қалбида ёрқин хотиралар қолди.

Тоҳир ДОЛИЕВ.



ЧЎЛ САРДОРИ

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, улар умрларини халқига бахшида қилиб, эл фаровонлигига муносиб ҳисса қўшгани билан ҳаётда ўчмас из қолдирадilar. Ана шундай инсонлардан бири — ташкилотчи раҳбар, деҳқончилик сир-асрорларини бекаму кўст биладиган камтарин инсон Қаҳҳор Мамаев эди.

У 1927 йилда Жиззах вилояти, Фориш тумани, Қораабдал қишлоқ фуқаролари йиғинига қарашли "Узунбулоқ" қишлоғида деҳқон оиласида таваллуд топган. Бошланғич маълумотни Қораабдал қишлоғига қатнаб, тўлиқсиз ўрта мактабни битириб, 1947 йилда Самарқанд шаҳридаги ўқитувчилар тайёрлаш курсини тамомлаган. 1949 йилда Узунбулоқ қишлоғида бешинчи синфгача қўшиб ўқитиладиган синфни ташкил этиб, меҳнат фаолиятини ўқитувчиликдан бошлаган.

Қаҳҳор Мамаев 1950 йил ҳарбий хизматга кетади. Шу даврда унинг оиласи бир неча қариндошлари билан ҳукумат топшириғига мувофиқ чўлни ўзлаштириш учун Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги 2-Боёвут давлат хўжалигига кўчирилган. "1953 йилда армиядан келсам, отам оиламиз аъзолари билан ертўлага ўхшаган бир хароба маконда, ниҳоятда оғир аҳволда яшашар экан. Менинг келганимдан хурсанд бўлиб, бир эчки сўйиб тўй қилди", деб эслар эди Қаҳҳор ака.

Шундан сўнг, у ушбу хўжалиқда 3 йил юк машинаси ҳайдовчиси бўлиб ишлади. У хўжалик автокорхонасида сидқидилдан меҳнат қилганлиги туфайли энг яхши, ишчан ҳайдовчи сифатида танилди. Бир куни хўжалик раҳбари Усмон Юсупов Қаҳҳор Мамаевнинг меҳнатсевар ва ишга бўлган муносабатини хўжаликнинг раҳбар ва мутахассисларидан эшитиб, у билан узоқ суҳбатлашади ва уни ушбу хўжаликнинг ёрдамчи хўжалигига бошқарувчи этиб тайинлайди.

Ташкилотчилик ва раҳбарлик қобилиятини намён қилган Қ.Мамаев чорак асрдан кўпроқ вақт давомида Гулистон туманидаги "Гулистон", Пахтакор туманидаги "Пахтакор" ва Зафаробод туманидаги "Охунбобоев" номи давлат хўжалиқларида бўлим бошқарувчиси ва бошқа раҳбарлик лавозимларида самарали меҳнат қилди. Шу давр мобайнида у уста пахтакор, етук раҳбар бўлиб етишди ва ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг агрономия ва тупроқшунослик факултетини тугатиб, агроном мутахассислигига эга бўлди.

Файрат-шижоати билан эл назарига тушган Қаҳҳор Мамаев вилоят ва туман раҳбарларининг тавсиясига биноан 1972 йили Жиззах вилояти Арнасой тумани ҳудудидаги қўриқ ерларда очилган янги давлат хўжалигига директор вазифасига тайинланди. Хўжаликнинг экин майдонларида ирригация, мелиорация ва ички суғориш тармоқларини ишга тушириш, йўл ва аҳоли яшайдиган янги уй-жойларни қуриш ишларига ўзи бош-қош бўлди.

Хўжалиқда ўша йили давлат томонидан белгиланган режалар тўлиқ бажарилиб, кузда ҳосил байрами ўтказилди. Хўжалик марказида лойиҳа асосида юзга яқин янги турар жой бинолари қад кўтар-

ди, бу биноларга чўлқуварларнинг оилалари жойлаштирилди.

Яна бир мисол, 1977 йил октябр ойида ҳозирги "Зафаробод" тумани ҳудудида янги давлат хўжалиги ташкил этилиб, унга уста пахтакор, моҳир ташкилотчи Қаҳҳор Мамаев раҳбар этиб тайинланди.

Хўжаликка ишлаш учун қўшни туманлардан келган аҳолининг аксарият қисми ертўлаларда яшар эди. Давлат хўжалиги марказида ўнтача уйнинг бетонлари тикка бўлган эди, холос.

Ўшанда "Жанубий Мирзачўл" каналдан Пистали тоғининг этаги бўйлаб хўжаликкача тупроқ канал ётқизирилиб, қисқа муддатда қишлоқ хўжалиги экинлари учун оқар сув келтирилди.

Канал қуриш ишлари уч сменада ташкил этилиб, йигирма кун муддатда тупроқ канал барпо этилди. Ўтиборли томони шундаки, тупроқ каналнинг кўтарилган қисми навбатма-навбат сув билан тўлдирилиб, каналнинг икки томонидаги тупроқ устидан занжирли тракторлар, бульдозерлар юргизилиб, тупроқ зичлаб борилди, зарурат бўлган жойларга тупроқ ташлаб, тўлдирилди. Бу ўша даврларда чинакам фидойилик эди.

Қаҳҳор Мамаевнинг саъй-ҳаракати, ташкилотчилиги боис хўжалик туман ва вилоятда бақувват хўжалиқлардан бирига айланди. Мазкур хўжалиқда Қаҳҳор Мамаев 1989 йилгача раҳбарлик қилди.

У раҳбарлик қилган хўжалиқлар негизида кейинги йилларда бир неча давлат хўжалиқлари ташкил этилиб, аҳоли яшайдиган замонавий посёлкалар бунёд этилди. Қаҳҳор Мамаев уста пахтакор, ишбилармон устоз эди. Унинг иқтидорли шогирдларидан ўн бешдан ортиғи турли хўжалиқларга раҳбар этиб тайинланди. Бугунги кунда у киши ташкил этган хўжалиқларда турли миллатларнинг минглаб вакиллари иноқ, аҳил, бир оила фарзандларидек, тинч-тотув яшаб келмоқдалар. Ушбу хўжалиқлар ҳудудларида замонавий типдаги ўнлаб ўрта мактаблар, болалар боғчалари, касалхоналар, қишлоқ врачлик пунктлари, бир қанча савдо марказлари, маиший хизмат кўрсатиш объектлари ишлаб турибди.

Бағри кенг, софдил, янгилликка интилиб яшайдиган, бутун умрини чўлларни ўзлаштиришга бахш этган чўл сардори Қаҳҳор Мамаев бугун ҳаёт бўлганида тўқсон баҳорни қаршилаган бўлар эди. У Турсун она билан беш ўғил ва бир қизни тарбиялаб вояга этказди. Уларнинг ҳаммаси олий маълумотли, бугунги кунда халқ хўжалигининг турли соҳаларида фидокорона хизмат қилмоқдалар.

Отасининг шарафли ва савобли ишларини фарзандлари Абдусодиқ, Шуҳрат Мамаевлар ва набиранлари давом эттириб, фермер хўжалиқларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириб, эл дастурхонини ноз-неъматлар билан тўлдиришда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Чиндали РИЗАЕВ.



ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХОҲАЛИГИ

(«Сельское хозяйство
Узбекистана»)
Аграр-иқтисодий,
илмий-оммабоп журнал

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирлиги

Бош муҳаррир:

Тоҳир
ДОЛИЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Зойир МИРЗАЕВ
Аброр ВАХАБОВ
Тўлқин САФАРОВ
Шавкат ХАМРАЕВ
Шухрат ТЕШАЕВ
Низомиддин БАКИРОВ
Тўлқин ЭШНАЗАРОВ
Содиқжон ТУРДИЕВ
Абдушукур АБДУЛЛАЕВ
Яшин ХИДИРОВ
Сурат ҲАЙДАРОВ
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ
Тоштемир ОСТОНАҚУЛОВ
Шермат НУРМАТОВ
Ўктам УМУРЗОҚОВ
Норкул ХУШМАТОВ
Равшанбек СИДДИҚОВ
Ражаббой ДЎСТМУРОДОВ
Муҳаммадjon ИБРАГИМОВ

2017 йил,
№5. Май

Журнал 1922 йил
октябрдан чиқа бошлаган.

ОБУНА ИНДЕКСИ:
якка обуначилар учун — 894
ташкilotлар учун — 895

МУНДАРИЖА

Вазифалар белгилаб олинди	1
Ф.ҲАСАНОВА, Ш.АБДУАЛИМОВ, Б.НИЯЗАЛИЕВ , Ёш ғўза ниҳолларини парваришлаш	2
Р.СИДДИҚОВ . Бугунги ҳаракат — эртанги баракат	4
Р.АБДУЛЛАЕВ . Боғбон юмуши ортмоқда	5
Р.ҲАКИМОВ, Ф.РАСУЛОВ . Соҳибкорларнинг май ойида амалга оширадиган тадбирлари	6
М.ТОШБОЛТАЕВ . Уриш машиналарини унумли ишлатиш	8
Х.ЮСУПОВ, Р.СИДДИҚОВ, Б.ҲАЙДАРОВ, М.ЖУРАЕВ . Лалми ерларда кунжут етиштириш	9
Ж.САТТОРОВ, Т.ТАЙЛОҚОВ . Қўйлардаги стронгилятозларни даволашда албендазолни қўллаш	9
Б.ХАЛИКОВ . Ерга ҳам, фермерга ҳам фойда	10
С.АЛИКУЛОВ . Фалла ўриш комбайнларидан мақсадли фойдаланиш дон исрофгарчилигини камайтириш гаровидир	11
Ж.ПИРИМҚУЛОВ . Сувдан оқилана фойдаланиш — давр талаби	12
Бақлажон	13
Токни хомтоқ қилиш тартиби	13
Товуқ парвариши	14
Сути минг дардга даво	14
Ишни гуллатганнинг бахти гуллайди	15
Боғбонлар сулоласи	16
Ф.МИРЗАЕВ . Ҳимоячилар бош бекати	17
Х.КАРИМОВ . Одамлар орасига кириб борайлик	18
Я.ХУСАНОВ . Аҳолига кўмак ва қулайлик	19
Д.ХУСАНОВА . Халқимиз ҳаёти янада чарогон бўлади	20
Д.ХОЛМИРЗАЕВ . Йилқичиликнинг халқ хўжалигида тутган ўрни	21
Д.ХУСАИНОВ . Қонун фермерни қўллайди	22
Дехқон мададкорлари	23
Хорижга йўл	24
Ерга меҳр қўйган элдошлар	25
Ш.ЖАББАРОВА . Отахоннинг ижобат бўлган дуолари	26
Далалар миришкори	27
Эзгу ниятлар қаноти	28
Ф.МИРЗАЕВ . Илғорлик интилишда	29
К.ЭРГАШЕВ . Ҳамкорликда ҳикмат кўп	30
Ота касбин улуғлаб	31
Етти хазинанинг бири	32
Б.ТЎХТАЕВ, Ч.ТУРОПОВ, Б.МАМУТОВ, Ш.ОМОНОВ . Яшиллик ижодкорлари	33
Н.ЎРАЗМАТОВ . Экиш агротехнологиялари ва ғўза навлари кўсақларининг очилиш динамикаси	34
А.ИСМОЙЛОВ, Ш.ЖАББОРОВ, Ф.ОБЛОҚУЛОВ, Х.БЕКМУРОДОВА . Картошка навлари биринчи йил клонларида ҳосилдорлигини ўрганиш	35
С.БОЛТАЕВ . Бентонитли компостлар ва уларнинг озиқавий таркиби	36
Р.СИДДИҚОВ, И.ЭГАМОВ, Н.ЮСУПОВ . Бошоқли дон экинлари селекциясининг асосий йўналишлари	37
Ғ.ҒАЙБУЛЛАЕВ, Т.ШОКИРОВ . Кузги юмшоқ бугдойнинг "Фарбома" нави	38
М.ҲАЙИТОВ, М.МАШРАБОВ . Магний карбонатли шўрланган тупроқлардан самарали фойдаланиш	39
Э.ЖУРАЕВ . Влияние сроков черенкования побегов на рост и развитие саженцев маслины	40
С.НАВРУЗОВ, У.УМАРОВА . Состояние и перспективы развития шелководства в республике Узбекистан	41
А.МУҚУМОВ, З.ҲАФИЗОВА . Фермер хўжаликлари ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари	42
Х.АРТИКОВА . Бухоро воҳаси тупроқларининг морфологик тузилиши	43
К.РИЗАЕВА . Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорти	44
Моҳир мураббий	45
Т.ДОЛИЕВ . Яхшидан қолган боғлар	46
Ч.РИЗАЕВ . Чўл сардори	47

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида 2007 йил
11 январда 0158-рақам билан
рўйхатга олинган.

Манзилимиз: 100004, Тошкент
Шайхонтоҳур тумани,
А. Навоий кўчаси, 44-уй.
Тел: +998 97 440 47 58,
+998 90 932 79 44.

www.qxjournal.uz
E-mail: qxjournal@qsv.uz,
uzqx_journal@mail.ru

© «O'zbekiston qishloq xo'jaligi»

Босмахонага топширилди: 2017 йил
24 апрель. Босишга рухсат этилди:
2017 йил 25 апрель. Қоғоз бичими
60x84 1/8. Офсет усулида офсет
қоғозига чоп этилди. Шартли босма
табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табағи 5,0.
Буюртма № Нухаси 4700 дона.

«PRINT LINE GROUP» ХК
босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри,
Бунёдкор шоҳ кўчаси, 44-уй.

Навбатчи муҳаррир: **С.РУСТАМОВ**
Дизайнер: **Н.БОЛТАЕВА**